

М 14220

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

*Кўлёзма ҳукуқида*  
УДК 9 (575.1)


МАХМУДОВ БЕХЗОД ХАМИДОВИЧ

ҚОРАҲОНИЙЛАР ДАВЛАТЧИЛИК ТИЗИМИНИНГ  
ХУСУСИЯТЛАРИ

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш  
учун тақдим этилган диссертация

Илмий раҳбар: академик  
А.Р.Муҳаммаджонов



Тошкент - 2010

## МУНДАРИЖА

|              |  |          |
|--------------|--|----------|
| <b>КИРИШ</b> |  | <b>3</b> |
|--------------|--|----------|

### **1-БОБ. ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПГАН ДАВРИ ВА ЭТНИК АСОСИ**

|   |  |    |
|---|--|----|
| 1.1. Давлатнинг шаклланиш жараёни ва ташкилий санасига оид<br>масалалар ..... |  | 25 |
| 1.2. Ҳоқонликнинг этник асоси ва унинг таркибий хусусиятлари .....            |  | 40 |

### **2-БОБ. ҚОРАХОНИЙЛАРНИНГ ОЛИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ БОШҚАРУВИДА ДАВЛАТ УНВОНЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШ ТАРТИБИ**

|  |  |    |
|--|--|----|
| 2.1. «Қорахон» атамаси ва давлатнинг номланиши масаласи .....  |  | 58 |
| 2.2. Ҳоқонликнинг марказий давлат бошқарувида қўлланилган<br>«буғрахон», «арслонхон» ва «тавғачхон» унвонларининг ўрни ..... |  | 66 |
| 2.3. Махаллий ҳокимият бошқарувида «элоқхон» ва «тегин» унвонлари-<br>нинг қўлланиши ҳамда уларнинг вазифаси .....           |  | 81 |

### **3-БОБ. ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ АСОСИ ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ**

|   |  |     |
|---|--|-----|
| 3.1. Ҳоқонликнинг ижтимоий-иқтисодий негизи .....           |  | 90  |
| 3.2. Қорахонийлар давлати бошқарувининг ўзига хослиги ..... |  | 103 |

|                     |  |            |
|---------------------|--|------------|
| <b>ХУЛОСА</b> ..... |  | <b>116</b> |
|---------------------|--|------------|

|   |  |            |
|---|--|------------|
| <b>ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b> |  | <b>121</b> |
| <b>ИЛОВА</b> .....                                  |  | <b>131</b> |

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгач, маънавий-маърифий ҳаётда ижобий туб бурилиш юз берди. Жумладан, ўзбек халқининг бой давлатчилик тарихи, унинг моддий ва маънавий меросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Республикамиз Президенти И.А.Каримов ўзининг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” номли асарида Ўзбекистон тарихчилари олдига бир катор илмий назарий ва амалий долзарб муаммоларни тадқиқ этиш вазифасини қўйган эди<sup>1</sup>. Бу масалалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорида қуйидагича қайд этилди:

биринчидан, Ўзбекистонда ўтрок маданиятнинг вужудга келиши ва ривожланиши;

иккинчидан, ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи ва шаклланиш босқичларини тарихий манбалар асосида илмий концептуал тадқиқ этиш;

учинчидан, ўзбек давлатчилигининг кўп асрлик тарихи ва шаклланишининг тарихий босқичларини тадқиқ этиш;

тўртинчидан, тарих илмини замонавий талаблар даражасида ривожлантириш<sup>2</sup>.

Инсон маънавиятида тарих илмининг аҳамияти бекёёсdir. “Албатта ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урфодат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди”<sup>3</sup>.

Юқорида келтирилганидек, бугунги кунда Ўзбекистон давлатчилик тарихи ва унинг муҳим тараққиёт босқичлари нихоятда долзарб

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 9.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 315-сон, 27.07.1998 йил.

<sup>3</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият- енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 30.

мавзулардан бири ҳисобланади. Бу ўринда Қорахонийлар давлатчилик тарихини ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Шундай бўлса-да, мазкур давлат тарихи шу кунга қадар алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаган. Ушбу давлат тарихига доир кўпгина масалаларда тадқиқотчилар ўртасида ҳанузгача баҳс-мунозаралар давом этмоқда.

Мазкур диссертациямизда Қорахонийлар давлати тарихига доир масалалар, яъни асосан давлат қачон, қайси этник гурӯҳлар томонидан ташкил қилинганлиги, нима учун давлат «Қорахонийлар» номини олганлиги, ҳоқон номларидағи фахрий унвонларнинг маъно-мазмуни, давлатнинг ижтиомий-мафкуравий асоси каби жиҳатларга эътиборни қаратдик. Шунинг учун, мавзуни «Қорахонийлар давлатчилик тизимининг хусусиятлари», деб номладик.

Қорахонийлар давлатининг кўп асрлик (766-1212 йиллар) фаолият юритиши Ўрта Осиё халқларининг, хусусан ўзбек халқининг тарихида муносиб из колдириди. Қорахонийлар давлати жуда кўп туркий қабилаларнинг ўзаро иттифоқидан юзага келган эди. Ушбу йирик давлат таркибидаги ўтрок ва чорвадор кўчманчи аҳолини бир-бирлари билан яқинлашиб, аралашиб боришлари натижасида ўзбек халқининг халқ сифатида шаклланиши ўз ниҳоясига (XI-XII асрлар) етган эди. Демак, Қорахонийлар давлати тарихини чукур ўрганмасдан ва унга доир масалаларни ечмасдан туриб, ўзбек халқи шаклланиш жараёнини мухим босқичларини ҳам асослаб бериш жуда мушкулдир. Бундан ташқари қорахонийларнинг Ўзбекистон давлатчилиги тарихида тутган ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бунда ушбу давлатнинг қабилалар иттифоқи даражасидаги оддий уруғ-қабилавий удумларга асосланган бошқарув тизимини салтанат даражасигача ривожланиб, юксалиб борганлиги эътиборга моликдир.

Қорахонийлар давлат бошқарувининг бу ривожланиш босқичлари ўз моҳиятига кўра қадимдан мавжуд бўлиб келган туркий халқларнинг

анъанавий бошқарув услубининг туб заминига асосланган ҳолда, бу бошқарув услубини янада такомиллаштириб, уни янгича тараққиёт босқичига олиб чиқсан. Ушбу давлатнинг бошқарув тизимида кенг кўлланган “корахон”, “тавғачхон”, “элоқхон” ва “тегин” каби атамаларнинг мазмунмоҳияти ҳам давлатчилигимиз тараққиётининг тарихий жараёнларининг маҳсули сифатида шу даврнинг воқеилигини ўзида ифода этади.

Шундай экан, мазкур давлат бошқарув тизимидағи ўзига хос хусусиятларини чуқур ўрганиб, тушуниб етсакгина, давлатчилигимиз тарихининг ривожланишидаги тизимийликни кўрсата олган бўламиз.

**Диссертациянинг даврий чегараси** Қорахонийлар давлати тарихини, яъни VIII асрнинг иккинчи ярмидан – 1212 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврлаштириш Қорахонийлар давлатининг юзага келиш жараёни, унинг этник таркибининг шаклланиши ва давлат бошқарувининг ҳам шунга мос равишда такомиллашиб бориши каби масалаларни аниқ тушуниб олиш имконини беради.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мазкур мавзуу бўйича яратилган манба ва адабиётларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

1. XX аср 20-йиллари гача олиб борилган тадқиқотлар.
2. Совет ҳукмронлиги даврида олиб борилган тадқиқотлар.
3. Мустақиллик йилларида олиб борилган ҳамда давом эттирилаётган изланишлар, тадқиқотлар ва чоп этилган адабиётлар.
4. Мавзуга оид хорижда чоп этилган адабиётлар.

**Биринчи гурух.** XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида ушбу давлат тарихига В.В. Григорьев<sup>1</sup>, Х. Вамбери<sup>2</sup>, В.В. Радлов<sup>3</sup> каби жуда

<sup>1</sup> Григорьев В.В. Карабаннады в Мавераннахре ю Тарихи Мунаджимбаши в османском тексте // ТВОРАО. – СПб., 1874. Ч. XVIII. – С. 189-250.

<sup>2</sup> Вамбери Г. История Бухары или Трансоксании с древнейших времен до настоящего. Т.1. – СПб., 1873. – С. 226.

<sup>3</sup> Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Т.1. Ч.2. – СПб., 1893. – С.66.

кўп тадқиқотчилар катта қизиқиши билан қараб, уни илмий жихатдан ўрганишга ўз ҳиссаларини қўшишган. Жумладан X. Вамбери ўз асарида бир қанча араб-форс тилдаги манбалардан фойдаланган ҳолда қорахонийларнинг Бухоро шаҳрини забт этиши, уларнинг қўшни давлатлар яъни, газнавийлар ва салжуқийлар билан ўзаро муносабатларига оид сиёсий жараёнлар ҳақидаги маълумотларни қайд этган<sup>1</sup>.

Б. Дорн қорахонийлар даври нумизматикасига доир тадқиқот олиб борган дастлабки олимлардан ҳисобланади. Унинг тадқиқоти қорахонийлар даврида зарб этилган турли танга пулларнинг таҳлилига бағишиланган<sup>2</sup>. Олимнинг мазкур тадқиқотлари қорахонийлар даври нумизматикасининг кейинги ривожида катта рол ўйнади.

В.В. Радловнинг туркий халқларнинг тили, адабиёти ва этник тарихига бағишиланган илмий тадқиқот асарлари<sup>3</sup> ҳам қорахонийлар даврининг тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Аммо тадқиқотчининг айрим фикрларига қўшилиб бўлмайди. Жумладан, унинг фикрича Қорахонийлар давлатини уйғурлар ташкил этган. Ушбу давлатни бошқарган сулола вакиллари ҳам уйғурлар орасидан чиққан<sup>4</sup>. Ваҳоланки, Уйғур ҳоқонлиги 840 йилда қирғизлар ҳужумидан сўнг барҳам топиб, унинг таркибидаги қабилалар эса турли ҳудудларга тарқалиб кетади<sup>5</sup>. Уларнинг бир қисми карлуклар итоатига ўтиб, карлукларга тегишли ҳудудларга жойлашади<sup>6</sup>. Мазкур воқеалар жараёни эса Қорахонийлар давлатининг қарлук қабилалар иттифоқи негизида шаклланиб борганлигини англаатади.

<sup>1</sup> Вямбери Г. История Бухары или Трансоксания с древнейших времен до настоящего. Т. I. – СПб., 1873. – С. 226.

<sup>2</sup> Dorn B. Über die Münzen der Reke oder ehemaligen Chane von Turkestan // Melanges Asiatiques. – Berlin, 1881. T. VIII. – P. 703-744.

<sup>3</sup> Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Т. I. Ч. 2. – СПб., 1893. – С. 66; Из Сибири. – М.: Наука, 1989. – С. 749.

<sup>4</sup> Радлов В.В. К вопросу об уйгурах // ЗИАН. (Приложение). – СПб., 1893. -№2. – С. 117.

<sup>5</sup> Гумилев Л.Н. Қадимги турклар / Таржима, кириш сўз муалифлари ва нашрга тайёрловчилар. Б. Ўрзабекли., А. Айритомий. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 459-462..

<sup>6</sup> Ўша жойда. – Б. 461.

Умуман олганда, бу давр тадқиқотчилари томонидан чиқарилган хulosалар дастлабки илмий хulosалар бўлганлиги учун Қорахонийлар давлати тарихига доир кўпгина масалалар ноаниклигича қолган эди.

**Иккинчи гурухга** оид тадқиқот асарларида Қорахонийлар давлат тарихини илмийлик асосида чуқур ўрганишга киришилган. Бу ўринда албатта, В.В. Бартольднинг хизматларини ҳам эслаб ўтиш жоиздир. В.В. Бартольд Шарқ халқлари тарихи, географияси, маданияти ва этнографиясига оид жами 685 та асарни нашр этган бўлса, шулардан 320 таси Ўрта Осиё тарихига бағишиланган. Бу асарларда ушбу ҳудудда яшаган туркий халқларнинг тарихига оид муҳим масалалар ёритилган. Жумладан, унинг асарларида қорахонийлар сулоласи, давлатнинг ташкил топиши, унинг сиёсий тарихи, давлат таркибидағи қабилаларнинг этник асоси, уларнинг келиб чиқишига доир бир қанча фикрлар манбалар асосида келтирилган<sup>1</sup>. Шу билан бирга унинг асарларида баъзи бир ноаниқ фикрлар ҳам қайд этилган. Масалан, олим бир жойда Қорахонийлар давлатини ташкил топишида қарлуклар хиссаси катта бўлганлигини<sup>2</sup> қайд этган ҳолда, иккинчи жойда давлатнинг асосчилари уйгурлар ёки яғмолар эди<sup>3</sup>, деб таъкидлайди. Ундан ташқари давлатнинг ташкил топган санасини 940 йиллар деб белгилаган<sup>4</sup>. Бу белгиланган сана ундан кейинги кўпгина тадқиқотчиларнинг асарларида қатъий муҳрланиб колган.

В.В. Бартольд бутун Шарқ халқлари, хусусан Ўрта Осиё халклари тарихини биринчилардан бўлиб, умумий тарзда, илмий жиҳатдан чуқур ўрганган олимдир. Шунинг учун унинг асарларида баъзи бир масалаларда бунга ўхшаш ноаниклилар бўлиши табиийдир. Албатта, бу камчиликларга қарамасдан олимнинг асарлари Ўрта Осиё халқлари тарихини ўрганишда бебаҳо манба ҳисобланади.

<sup>1</sup> Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. I. – М.: Изд. Вост. лит., 1963. – С. 760.

<sup>2</sup> Бартольд В.В. Статьи и рецензии. – М.: Наука, 1968. Соч. Т. V. – С. 273.

<sup>3</sup> Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – С. 315.

<sup>4</sup> Бартольд В.В. Очерк истории Семиречья. – М.: Изд. Вост. лит., Т. II. Ч. 1. 1963. – С. 40.

Туркий халқлар тарихини ўрганишда йирик олим Л.Н. Гумилев асарларининг ҳам аҳамияти каттадир. Унинг асарларида асосан туркий қабилаларни этник ва сиёсий иттифоқларининг юзага келиши, уларнинг тарақкий этиши ва инқирозга учраши каби мағалалар атрофлича ёритилган<sup>1</sup>. Л.Н. Гумилевнинг «Қадимги турклар»<sup>2</sup> номли йирик асарида Туркий ҳоқонликнинг ташкил топиши, ривожи, унинг ижтимоий-иктисодий ҳаёти, давлат бошқарув тизими ҳамда ўзига хос маданияти хақида жуда қимматли маълумотлар келтирилган<sup>3</sup>. Шунингдек, асарда Туркий ҳоқонлиги тарихини Хитой, Эрон, Олд Осиё ва Европа тарихи билан боғлаб ўрганиб, уларни ўзаро боғлиқликда кечган муносабатлари изчил баён этилган<sup>4</sup>. Бундан ташкари Туркий ҳоқонлиги инқирозга учраганидан сўнг унинг худудларида юзага келган Туркаш ва Уйгур ҳоқонликлари, уларнинг этник таркиби, қабилаларни ўзаро муносабатлари хусусида ҳам маълумотлар мавжуд<sup>5</sup>. Л.Н. Гумилевнинг бу маълумотлари бизга Қорахонийлар давлатини бошланғич даврини (VIII асрнинг иккинчи ярми), яъни давлат қандай, қайси шароитда ва вазиятда юзага келганлигини тадқиқ этишимизга имкон беради. Чунки Қорахонийлар давлатини юзага келиши Туркий ҳоқонлиги ўрнида ташкил топган Туркаш давлати ва унинг инқирози билан бевосита боғлиқдир<sup>6</sup>. Умуман олганда, Л.Н. Гумилев асарлари бизга илк ўрта асрларда Ўрта Осиё ҳудудидаги сиёсий ва этник жараёнларнинг қай тарзда кечганлигини англаб олишимизга ёрдам беради.

Қирғизистонлик тарихчи олим О.К. Кораев кўп йиллар давомида Қорахонийлар давлати тарихи юзасидан тадқиқот ишлари олиб борган. Унинг бу борадаги асосий ишлари «Қорахонийлар ҳоқонлиги тарихи»<sup>7</sup> номли

<sup>1</sup> Гумилев Л.Н. Открытие Хазарии. – М.: Наука, 1966. – С. 191: Шу муаллиф. География этноса в исторический период. – Ленинград: Наука, 1990. – С. 278 ва бошқа асарлар.

<sup>2</sup> Гумилев Л.Н. Қадимги турклар / Таржима, кириш сўз муаллифлари ва нашрга тайёрловчилар. Б. Ўрдабекли, А. Айритомий. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 498.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – Б. 30-48, 49-59, 60-97 ва бошқа бетлар.

<sup>4</sup> Ўша жойда. – Б. 466-485.

<sup>5</sup> Ўша жойда. – Б. 314-316, 382-386, 398-413 ва бошқа бетлар.

<sup>6</sup> Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. – Б. 397-398.

<sup>7</sup> Кораев О.К. История Караканидского каганата. – Фрунзе: Илим, 1983. – С. 301.

асарида ўз аксини топган. Асарда Қорахонийлар давлатининг ташкил топиши, қорахонийларнинг Мовароуннахри эгаллаши, ички ва ташқи сиёсати манбалар асосида чуқур таҳлил этилган<sup>1</sup>. Шунингдек, асарда давлатнинг бошқарув тизими, ижтимоий-иктисодий муносабатлари, маданий ҳаёти ва бошқа масалаларга ҳам катта эътибор берилган<sup>2</sup>.

О.К. Кораевнинг мазкур асарида ҳам баъзи камчиликлар мавжуд. Масалан, олим Қарлуқ давлатини 840 йилда инқирозга учраган<sup>3</sup>, деб таъкидлайди. Ваҳоланки, Қорахонийлар давлати қарлуқ қабилалар иттифоқи негизида яғмо, чигил, халач, тўҳси каби туркий қабилаларнинг бирикмасидан ҳосил бўлган эди. Бундан ташқари тадқиқотчи қорахонийлар сулоласини келиб чиқишини чигил қабиласидан<sup>4</sup>, деб ҳисоблайди. Албатта чигил қабиласи Қорахонийлар давлати таркибидаги нуфузли қабилалардан бири бўлган. Уларнинг тотеми «арслон» ҳоқон номига унвон сифатида қўшиб айтилган. Лекин бу ҳоқон сулоласини чигил қабиласидан эканлигини тўлиқ тасдиқламайди. Чунки чигиллар қарлуқ қабилаларидан бири бўлиб, уларнинг давлат ҳаётида ижтимоий-сиёсий жиҳатдан катта кучга ва нуфузга эга бўлиши асосан X-XI асрларга тўғри келади. Бу давр эса Қорахонийлар давлатининг ташкил топганидан (VIII асрнинг иккинчи ярми) анча кейинги давр, яъни унинг ривожланган даври сифатида тавсифланади.

О.К. Кораев В.В. Бартольд фикрини давом эттирган ҳолда ушбу давлатни ташкил топган санасини 940 йиллар, асосчисини эса Абдул Карим Сатук Буграхон, деб белгилаган. Лекин Сатук Буграхон (?) – вафоти 955й.)нинг Қарлуқ давлати ҳуқмдори Билга Кул Қодирхон (IX аср)ни невараси эканлиги хусусида манбаларда маълумотлар мавжудлигини муаллифнинг ўзи ҳам қайд этган<sup>5</sup>. Демак, О.К. Кораевнинг Қорахонийлар

<sup>1</sup> Кораев О.К. История Карабаханского каганата. – С. 55-197.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б. 197-257.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – Б. 64.

<sup>4</sup> Ўша жойда. – Б. 86.

<sup>5</sup> Ўша жойда. – Б. 95-96, 100-101.

давлати тарихини айнан шу санадан, яъни 940 йиллардан бошлаганини тўғри, деб бўлмайди.

Албатта, бу камчиликлар О.К. Корабининг асари қийматини пасайтира олмайди. Чунки унинг асарини шу кунга қадар қорахонийлар даври тарихини ўрганишдаги энг муҳим тадқиқотлардан бири сифатида баҳолаш мумкин.

Бу даврда қорахонийлар даври тарихини ўрганишда нумизматик тадқиқотчилар ҳам жуда катта ҳисса қўшишди. Қорахонийлар даври нумизматикаси билан Е.А. Давидович<sup>1</sup>, М.Н. Федоров<sup>2</sup> ва Б.Д. Кочнев<sup>3</sup> каби олимлар шуғулланиб келишган. Уларнинг нумизматик тадқиқотлар асосида чиқарган хуносалари давлатнинг ижтимоий-иктисодий ҳаётидан ташқари мазкур давлатни Гарбий ва Шарқий қисмларга бўлингани ва уларни бошқарган сулоланинг шажарасини ҳамда марказий бошқарма билан улуслар ўртасидаги муносабатлар жараёнини қай тариқа кечганлигини аниқлашга ёрдам беради. Шунингдек, бу тадқиқотчилар бизга Қорахонийлар давлати тарихига доир энг муҳим саналарни билишга ва ҳаттоқи манбаларда келтирилган баъзи хато ва ноаниқ маълумотларни тўғрилашда ҳам қўл келади. Умуман олганда, нумизматик тадқиқотлар асосида яратилган асарлар ушбу давлат тарихини факт ва далиллар асосида чуқурроқ ўрганишимизга жуда катта этиш имконияти туғилди.

**Учинчи гурӯҳ.** Мустақиллик йилларида ватанимиз тарихини холис ва янгича йўсинда ўрганиш имконияти туғилди. Жумладан, қорахонийлар даври тарихини ёритишда уни давлатчилигимиз тараққиётининг ўзига хос босқичи сифатида тадқиқ этиш имконияти туғилди.

Бу даврга оид энг муҳим тадқиқот ишларидан бири бу – К.Ш. Шониёзовнинг асарлариидир. Дарҳақиқат, академик К.Ш. Шониёзов Қорахонийлар давлатчилик тарихини ўрганишда янги жараённи бошлаб берди. Олим

<sup>1</sup> Давидович Е.А. О двух Карабанидских каганатах // НАА. – Москва, 1968. - №1. – С. 67-76.

<sup>2</sup> Федоров М.Н. Очерки истории восточных Карабанидов конца X начала XIII века по нумизматическим данным // В. кн: Киргизия при Карабанидах. – Фрунзе, 1983. – С. 103-135.

<sup>3</sup> Кочнев Б.Д. Новые нумизматические данные по истории Карабанидов второй половины XII - нач. XIII вв. // В кн: Киргизия при Карабанидах. – Фрунзе, 1983. – С. 75-103.

ўзининг тадқиқот ишларида<sup>1</sup> Қорахонийлар давлатчилик тарихига оид бир қатор масалаларни ўрганиб, уларнинг ечимини топишга ҳаракат қилган. Бу ўринда тадқиқотчи Қорахонийлар давлатини юзага келишида қарлук қабиласининг ҳиссаси юксак даражада бўлганлигини таъкидлаб, давлат таркибидаги қабилалар, уларнинг келиб чиқиши, этник таркиби, давлат хаётидаги ўрни ва қабилаларнинг ўзаро муносабатлари хусусида ҳам кенг маълумот берган<sup>2</sup>. Айниқса унинг Қорахонийлар давлатини ташкил топган санасини 940 йил ёки X асрнинг сўнгги чораги, деб эмас балки бир аср илгариги даврни, яъни 840 йилни белгилаши<sup>3</sup> жуда эътиборлидир. Лекин биз К.Ш. Шониёзовнинг асарларида келтирилган айрим фикр-мулоҳазаларни тўғри дея олмаймиз, албатта. Жумладан, олимнинг фикрига кўра, деярли тўрт аср давомида фаолият юритган Қорахонийлар давлати бу – «Қарлук давлати» эди, шунинг учун давлат номини ҳам «Қарлук давлати» деб номлашни таклиф этади<sup>4</sup>. Бизнинг фикримизча, Қорахонийлар давлатининг кўп асрлик тарихи (766-1212) ва унинг ўзига хос даврий тараққиёт босқичларини ҳисобга олсан, мазкур йирик бир давлатни якка қабила номи билан аташ тўғри эмас. Чунки ҳоқонлик ўз таркибидаги жуда кўп туркий қабилалар иттифоқи уюшмасидан ташкил топган эди. Уларнинг ҳар бирини давлат фаолиятида ўз ўрни ва аҳамияти бўлган. Бундан ташқари давлатнинг бирлиги, мустаҳкамлиги ва унинг ташки тажовузлардан ўзини ҳимоя қилиш қобилияти шу қабилалар иттифоқидаги ўзаро муносабатларнинг қай даражада кечишига ҳар жиҳатдан боғлиқ бўлганлиги шубҳасизdir.

Бундай камчиликларга қарамасдан К.Ш. Шониёзовнинг ёзиб қолдирган асарлари тадқиқотчилар иши учун жуда қадрли бўлиб, биз ҳам ушбу ишимизни ёритишда асосан шу заҳматкаш олимнинг илмий меросидан фойдаландик.

<sup>1</sup> Шониёзов К.Ш. Қарлук давлати ва қарлуклар. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 192; Шу муаллиф. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 426 ва бошқа асарлар.

<sup>2</sup> Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Б. 339-381.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – Б. 330-337.

<sup>4</sup> Шониёзов К.Ш. Қарлук давлати ва қарлуклар. – Б. 6.

Ғ.Б. Бобоёровнинг илмий ишлари асосан Туркий ҳоқонлиги даври билан боғлиқ бўлса-да<sup>1</sup>, унинг асарлари бизга Ўрта Осиёда қорахонийлар давригача бўлган вақтда кечган ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисаларни англаб олишимизга ва Қорахонийлар давлатининг қандай шароитда юзага келганинги ойдинлаштиришга ёрдам беради.

**Тўртинчи гурух.** Қорахонийлар даври тарихига доир хорижлик тадқиқотчилар томонидан ҳам кўплаб илмий асарлар нашр этилган. Жумладан, европалик олим О. Прицак ҳам бу борада кўплаб тадқиқот ишларини олиб борган. Унинг асарларида<sup>2</sup> Қорахонийлар давлатининг ташкил топиши, сулола хонадонининг келиб чиқиши, давлат ҳоконлари, уларнинг унвонлари, давлат бошқарувида қарлуқ қабиласининг роли, давлатнинг Шаркий ва Фарбий қисмларга бўлинниб кетиши каби кўпгина маълумотлар манбалар асосида таҳлил этилган. Лекин О. Прицакнинг асарларида айrim камчиликларга ҳам йўл кўйилган. Жумладан, олимнинг Қорахонийлар давлатида Шерикхоннинг бўлганлиги ва Қорахоннинг «арслонхон», Шерикхоннинг эса «буғрахон» унвонини олганлиги хусусидаги<sup>3</sup> фикрларига қўшилиб бўлмайди. Бу камчиликларга қарамасдан тадқиқотчининг асарлари ўз қийматига эга бўлиб, улар бизга Қорахонийлар давлатини ташкил топиши ва давлат бошқарувига оид бир қатор масалаларни ёритишига ёрдам беради.

Қозогистон Республикаси тадқиқотчилари ҳам мазкур давр тарихига оид кўплаб илмий ишларни амалга оширишган<sup>4</sup>. Бу борада К.М. Байпаковнинг археологик тадқиқотлар асосида олиб борган ишлари ва унда олимнинг Сўёб

<sup>1</sup> Бобоёров Ғ.Б. Турк ҳоқонлигининг Мовароуннахрдаги бошқарув тизими ҳақида // Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 2000. – №4. – Б.71-79; Шу муаллиф. Ўзбекистон худудида Қорахонийлар давригача бўлган қадимги туркий топонимлар // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. “Карим Шониёзов ўқишлиари” туркумидаги ҳалқаро илмий анжуман материаллари. 1-кисм. – Тошкент, 2005. – Б.117-129.

<sup>2</sup> Pritsak O. Karachanidi sene streiffragen // Oriens. 1950. Vol.3. -№2. – S. 209-228; Die Karachaniden // Der Islam. – Berlin, 1953. – Bd. 31. Heft.1. – S. 17-68.

<sup>3</sup> Pritsak O. Karachanidi sene streiffragen. – S. 210-212.

<sup>4</sup> Тюркские народы / М. Кул-Мухамед, Д.Андашев и другие; глав. ред. Б.Аяган. – Алматы, 2004. – С. 4 -181; Байпаков К.М. Средневековые города Казахстана на Великом Шелковом пути. – Алматы; Фылым, 1998. – С. 214.

ҳамда Боласоғун шаҳарларига оид қимматли фикр-мулоҳазалари жуда зытиборлидир<sup>1</sup>.

Қорахонийлар давлати тарихини ўрганиш борасида туркиялик тарихчи олимлар ҳам кўп меҳнат қилишган<sup>2</sup>. Жумладан, сўнгги даврда тадқиқотчи Умер Сонер Ҳунканинг «Турк ҳоқонлиги»<sup>3</sup>, деб номланган йирик монографик асари чоп этилди. Муаллиф асарни ёзишда шу давр тарихига дахлдор деярли барча манба ва адабиётлардан фойдаланган<sup>4</sup>.

Мазкур асар Қорахонийлар давлати тарихига багишланиб, унда давлатнинг ташкил топишидан то унинг таназзулигача бўлган даврнинг ижтимоий-сиёсий воқеалари кенг баён этилган. Айниқса бунда Қорахонийлар давлатининг Сомонийлар, Фазнавийлар, Салжуқийлар, Қорахитойлар ва Хоразмшоҳлар давлатлари билан ўзаро муносабатлари атрофлича ёритилган<sup>5</sup>. Аммо муаллиф асар номида ҳам келтирилганидек Қорахонийлар давлатини «Турк ҳоқонлиги», деб атайди<sup>6</sup>.

Одатда биз “Турк ҳоқонлиги” деганда ашиналийлар сулоласининг хукмронлик (VI асрнинг иккинчи ярми — VIII асрниг биринчи ярми) даврини тушунамиз. Ўз даврида бу буюк ҳоқонлик улкан ҳудудларга эга бўлиб, дунёнинг энг қудратли давлатларидан бири хисобланган. Бу эса Туркий ҳоқонликнинг ўзига хос тарихга эга эканлигини кўрсатади. Унинг номини қорахонийларга ҳам давлат номи ўрнида қўллаш бизнингча тўғри эмас. Албатта бу айrim камчиликларга қарамасдан, Умар Сонер Ҳунканинг мазкур асари ўз аҳамиятига эга бўлиб, унинг бу тадқиқот ишида Қорахонийлар давлати тарихига доир сўнгги даврларгача бўлган деярли барча маълумотларни умумлаштиргани ва бу давлат тарихини

<sup>1</sup> Байпаков К.М. Средневековые города Казахстана на Великом Шелковом пути. – С.145-149.

<sup>2</sup> Erdogan Merkil. Musliman Türk devletleri tarihi. – Ankara, 1993. – S. 18-42; Ozavdin Abdulkerim. Karahanlılar // DIA. XXIV. – İstanbul, 2001. – S. 404-412; Ҷмар Soner Hunkan. Türk hakanlığı. – İstanbul, 2007. – S. 522 ва бошка асарлар.

<sup>3</sup> Ҷмар Soner Hunkan. Türk hakanlığı. – İstanbul, 2007. – S. 522.

<sup>4</sup> Ўша жойда. – Б. 14-69.

<sup>5</sup> Ўша жойда. – Б. 128-154, 224-247, 338-368 ва бошка бетлар.

<sup>6</sup> Ўша жойда. – Б. 84.

даврий чегарасини 766-йилдан 1212-йилгача деб белгилаши дикқатга сазовордир.

Юқорида, биз ишимиизда фойдаланган ва мавзуни ўрганилиш тарихига доир тадқиқот асарларининг баъзилари хусусидагина тўхталиб ўтдик. Умуман, бу ҳақда иш давомида диссертациянинг тегишли бўлимларида ҳам сўз кетади.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасидан ўрин олган.

**Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.** Корахонийлар давлати ҳакида бир қатор олимлар тадқиқот ишлари олиб борган бўлсалар-да, улар ўртасида мазкур давлат тарихига оид баъзи бир масалаларда ўзаро ихтилофли, бир-бирига зид бўлган фикрлар ҳам йўқ эмас. Корахонийлар давлати тарихини ёритишга оид барча асарларда бу мунозарали масалалар ўз аксини топган. Бунинг натижасида эса Корахонийлар давлати тарихини ёритишда жуда кўп чалкашликлар ва ноаникликларга йўл қўйилган. Айниқса, ушбу давлатнинг дастлабки даври, яъни давлат қаҷон ва қайси этник гурӯҳ томонидан ташкил этилганлик масаласида тадқиқотчиларнинг ҳар бири ўз фикрини асослашга ҳаракат қилгандар. Давлат ҳоқонлари номларидағи фахрий унвонларнинг маъно-мазмуни ҳам шу кунга қадар тўълиқ ёритилганича йўқ.

Ушбу тадқиқотдан кўзланган асосий мақсадимиз - юқоридаги мунозарали масалаларни чуқур ўрганиб, уларни қўйидаги келтирилган тартибда ёритишга ҳаракат қилишdir:

- Корахонийлар давлати Еттисув, Исфижоб, Шарқий Туркистон, Фарғона ҳудудларида вужудга келган экан, мазкур давлатнинг шу ҳудудларда яшовчи барча ўтрок ва чорвадор кўчманчи туркий аҳолининг ўзаро иттифоқи – уюшмасидан тузилганлигини кенг ёритиш;
- ҳоқонликнинг ўзига хос тарихини ҳисобга олиб, унинг ilk ва ривожланган босқичларини бўлиб ўрганиш;

– «қорахон» атамаси ва давлатнинг номланиш масаласига кўра, ушбу атамани ҳукмрон сулоланинг эмас, балки фахрий унвон номи бўлганлигини кўрсатиб, унинг мазмун-моҳиятини таҳлил этиш;

– давлат ҳукмдорлари номида кенг қўлланган улуғловчи фахрий унвон ва нуфузли даражаларнинг маъно-мазмунини таҳлил қилиш ва буни давлат бошқарув соҳаси билан боғлиқ эканлигини кўрсатиш;

– Қорахонийлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий асосига эътибор бериш;

– Қорахонийлар давлат бошқарувини олий ва маҳаллий ҳокимият тизимига бўлинганилиги ҳамда уларнинг ўзига хос ҳусусиятларини таҳлил этиш.

**Тадқиқотнинг манбавий асослари.** Бу даврда маҳаллий муаллифлар томонидан битилган асарлар, туркий қабилаларнинг этник тарихи, тиљшунослиги ҳамда нумизматик ва археологик тадқиқотлар ишнинг манбавий асосини ташкил этади.

Қорахонийлар даврида яратилган араб - форс ва туркий тилда битилган манбалар жумласига кўплаб асарларни киритиш мумкин<sup>1</sup>. Уларнинг ичida қомусий олим Беруний (973-1048)нинг илмий мероси алоҳида аҳамиятга эгадир. Олимнинг асарларида Хоразм, Мовароуннаҳр ва унга туташ бўлган ҳудудларда яшаган ҳалқлар ҳақида жуда кўп қимматли муҳим тарихий-этнографик маълумотлар мавжуд. Масалан, унинг «Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар» номли асарида Хоразмдан то Хитой чегараларигача бўлган ҳудудларда яшовчи туркий ҳалқлар<sup>2</sup>, уларнинг диний эътиқоди, урф-одатлари, анъаналари ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган.

<sup>1</sup> Шулардан факат айрим асарларни эслатиб ўтамиш: Абу Райҳон Беруний. Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар / А. Расулов таржимаси. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 486; История ат-Табари / Пер. с араб. В.И. Беляева., с доп. О.Т. Большакова., А.Б. Хамидова. – Тошкент: Фан, 1987. – С. 444; Маҳмуд Кошгари. Девону луготит турк / Тарж ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент: Фан, 1960. 1-жилд. – Б. 499; 1961. 2-жилд. – Б. 427; 1963. 3-жилд. – Б. 466; Мухаммад ибн Мансур Мервверрудий. «Тарих-и Мубаракш» / Пер. с перс. Б.А. Ахмедова // МИСЦА X-XIX вв. – Ташкент, 1988. – С. 90-93; Абу-л-фадл ибн Мухаммад Джамол аддин Карши - «Мулхакат ас-Сураҳ» / Пер. с перс. Р.Ш.Шарафутдиновой // МИСЦА X-XIX вв. – Ташкент, 1988. – С. 101-127; Абулғозий Баходурхон. Шажарайи турк / Қ. Муниров нашри. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б. 192 ва бошка.

<sup>2</sup> Абу Райҳон Беруний. Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар / А. Расулов таржимаси. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 104, 105, 130.

Олимнинг яна бир машхур «Минералогия»<sup>1</sup> номли асарида эса қарлуқ, печенеглар яшаган ҳудудлар<sup>2</sup>, қорахонийлар хони Буғрахон томонидан Сомонийлар сулоласини инқизатга учратилганлиги ва туркий халқларга оид баъзи бир одатлар эслатилган<sup>3</sup>.

Албатта, Берунийнинг бу асарларида келтирилган кенг қамровли маълумотлар Қорахонийлар давлати тарихини ўрганишда ишончли манбалардан ҳисобланади.

Бухоролик машхур тарихчи олим Абу Бакр Мұхаммад ибн Жаъфар Наршахий (899-959)нинг «Бухоро тарихи»<sup>4</sup> номли асарида ҳам ишимизга оид кўпгина маълумотлар мавжуд. Асар дастлаб Наршахий томонидан араб тилида ёзилган. 1128 йил ҳозирги Куба шаҳрида яшовчи Аҳмад ал-Кубовий исмли киши томонидан форс тилига таржима қилинган<sup>5</sup>. Бу асарда асосан Ўрта Осиёга араб ҳарбий қўшинларининг кириб келиши натижасида ислом динининг тарқатилиши (VIII аср) ва ундан бевосита олдинги даврлар, ҳамда IX-XII асрлардаги Бухоро ва унга яқин шаҳар ва қишлоқлар аҳолисининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий тарихига оид маълумотлар келтирилган<sup>6</sup>. Бундан ташқари мазкур асарда Туркистон ва Еттисувдаги туркий қабилалар билан Мовароуннахрнинг ўтрок аҳолиси ўртасидаги ўзаро сиёсий ва этник муносабатлар, қорахонийларнинг Бухоро шаҳри ва унинг атрофларида олиб борган ободончилик ишлари<sup>7</sup> ва шунга ўхшаш бир қанча бошқа маълумотлар мавжуд. Асарда келтирилган бу маълумотлар Ўрта Осиё халқларининг ilk ўрта асрлардаги сиёсий ижтимоий-иқтисодий ҳаётини тушуниб олишимизга ёрдам беради.

Қорахонийлар давлати тарихи ва унинг таркибидағи қабилалар хусусида ҳикоя қилувчи яна бир муҳим, қимматли маңба – Гардизий (XI аср)нинг

<sup>1</sup> Бируни Абу Райхан. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия) / Пер. А.М. Беленицкого. – Л.: Изд. АН СССР, 1963. – С. 518.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б. 184-185.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – Б. 154, 184, 195 ва бошқа бетлар.

<sup>4</sup> Наршахий. Бухоро тарихи / Форс тилидан А.Расулов таржимаси. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 82-175.

<sup>5</sup> Ўша жойда. – Б. 84.

<sup>6</sup> Ўша жойда. – Б. 84-110.

<sup>7</sup> Ўша жойда. – Б. 97-110.

«Зайн ул-ахбор»<sup>1</sup> асари бўлиб, ушбу асарда Евроосиё ҳудудларида яшовчи бир қанча туркий халқлар ва қабилаларни қайд этиш баробарида карлук, яғмо, чигил, туркаш, бижанак, тўғуз-ўғуз каби қабилалар ҳам тилга олиб ўтилган<sup>2</sup>. Албатта, бу ахборотлар бизни Қорахонийлар давлати таркибидаги қабилаларни этник таркиби борасидаги тасаввуримизни бойитишга хизмат қиласди.

Муаллифи номаълум «Худуд ал-олам»<sup>3</sup> асари ҳам бу борада ниҳоятда қимматли манба ҳисобланади. Мазкур асар X асарда форс тилида ёзилган бўлиб, унда дунё халқларининг географик жойлашган ўрни, уларнинг ижтимоий-иктисодий ҳаёти хусусида кенг маълумотлар берилган. Асарнинг катта қисми Ўрта Осиёга бағишлиган бўлиб, унда шу ҳудудларда жойлашган дарёлар, саҳролар ва аҳоли яшайдиган вилоятлар ҳақида сўз кетади. Шунингдек, шаҳар ва қишлоқларда истиқомат қилувчи аҳолининг этник таркиби ва кўпгина туркий қабилалар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Манбада қайд этилган бу маълумотлар асосида биз Шаркӣ Туркистон, Еттисув, Сирдарё бўйлари ва Мовароуннаҳрда яшовчи аҳолининг X асрдаги иқтисодий-маданий ва этник таркиби қай даражада бўлганлигини бирмунча ойдинлаштириб олишимиз мумкин.

Қорахонийлар даври тарихини ўрганишда Абу Наср ал-Утбий (961-1040)нинг араб тилида битилган «Тарихи ал-Йаминий»<sup>4</sup> асари ҳам катта аҳамиятга эгадир. Тарихчи Утбий Ғазнавийлар саройида хизмат қилиб, ўзининг бу асарини хукмдор Маҳмуд Ғазнавий (998-1030)га бағишилаган<sup>5</sup>. Мазкур асарда 976-1021 йилларда кечган тарихий воқеа-ҳодисалар баён этилган. Унда Ғазнавийлар ва Қорахонийлар давлати ўртасидаги муносабатлар, қорахонийлар томонидан Сомонийлар давлатининг

<sup>1</sup> Бартольд В.В. Извлечения из Сочинения Гардизи «Зайн ал-Ахбар». Сочинения. Т. VIII. – М.: Наука, 1973. – С. 23-62.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Худуд ул-олам / Форс тилидан таржима, сўз боши, изохлар ва жой номлари кўрсаткичи муаллифи О.Бўриев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.64.

<sup>4</sup> Ал-Утби «Тарих-и Йаминий» / Пер. с перс. М.А. Салаҳетдиновой // МИСЦА X-XIX вв. – Тошкент, 1988. – С. 25-53.

<sup>5</sup> Ўша жойда. – Б.25.

тутатилганлиги ва бошқа кўпгина маълумотлар келтирилган<sup>1</sup>. Асар муаллифи саройда хизмат қилиб бевосита ўзи шоҳиди бўлган воқеа-ҳодисаларни ишончли далиллар асосида ёзиб қолдирган. Шунинг учун «Тарихи Йаминий» асари минтақанинг X аср охири – XI асрнинг биринчи чорагигача бўлган давр тарихини ўрганишда кимматли манба ҳисобланади.

Абдул Фазл Байҳакий (995-1077)нинг «Тарихи Масъудий»<sup>2</sup> асари ҳам мазкур давр тарихини ўрганишда ўз ўрнига эгадир. Афсуски, асар бизгача тўлиқ етиб келмаган. Унда асосан Султон Масъуд (1030-1041) хукмронлик даври ёритилган. Байҳакий Газнавийлар саройида узок йиллар котиб ва элчилик вазифаларида хизмат қилгани учун асарни ёзишда ўз қўлидаги ниҳоятда кимматли маълумотлардан фойдаланган. Ушбу асарда асосан Газнавийлар, Корахонийлар, Салжуқийлар ва бошқа қўши давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар кенг ёритилган. Шунингдек, асарда Корахонийлар давлатини гарбий ва шарқий қисмга бўлиниши, ҳамда бу билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар ҳам ўз аксини топган<sup>3</sup>.

Корахонийлар даври тарихини ўрганишга оид яна бир эътиборга молик манбалардан бири бу - Юсуф Ҳос Ҳожиб (XI аср)нинг «Қутадғу билиг»<sup>4</sup> асари. Маълумки Юсуф Ҳос Ҳожиб Товғач Қора Буграхон (1074-1102/1103) эътиборини қозониб, ҳос Ҳожиб унвонини олган эди. У бу ҳақда ўз асарида кўйидагича қайд этган: «Ҳос Ҳожиб унвони лойик билди у. Ўзига энг яқин одам қилди у»<sup>5</sup>. Демак, кўриб турганимиздек, Юсуф Ҳос Ҳожиб қорахонийлар саройида хизмат қилган. Шунинг учун унинг «Қутадғу билиг» асарида асосан давлат бошқаруви усули, қонун-қоидалари, сиёсати, мафкураси, ижтимоий муносабатлар ва бошқа бир қатор масалалар хусусида фикр юритилган. Ушбу асар Корахонийлар давлати таркибидаги туркӣ қабилаларни давлат сиёсатида

<sup>1</sup> Ал-Утби «Тарих-и Йамини». – С. 26-27.

<sup>2</sup> Абу-л-Фазл Байҳакий. История Масъуда. 1030-1041 / Вступ. с пер. и примеч. А.К. Арендса. – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1962. – С. 748.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – Б. 300-318, 384-395, 427-430, 526-547 ва бошқа бетлар.

<sup>4</sup> Юсуф Ҳос Ҳожиб. Қутадғу билиг / Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. нашрга тайёрловчи Қ. Каримов. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 964.

<sup>5</sup> Ўша жойда. – Б. 9.

кай тарика иштирок этганлиги хусусида мuloҳаза юритишимизга ҳам имкон беради. Хусусан асарда муаллиф яғмо қабиласи ҳақида бир неча бор тўхталиб ўтиб, яғмо бегини оқил киши сифатида таърифлаб ўтган<sup>1</sup>. Юсуф Ҳос Ҳожиб асарни ўзи гувоҳ бўлган тарихий воқеаликлар таъсирида ёзган. Лекин асарни XI асрда, яъни Қораҳонийлар давлати юзага келгандан анча кейин битилганига эътиборни қаратсак, Қораҳонийлар давлат бошқарувида бу вақтга келиб бирмунча ўзгаришлар юз берганлиги ойдинлашади.

Қораҳонийлар давлати тарихини ўрганганимизда, албатта, йирик тилшунос олим Маҳмуд Кошғарий (XI аср)нинг «Девону луготит турк»<sup>2</sup> асарини четлаб ўтолмаймиз. Мазкур давр тарихини ўрганувчи деярли барча тадқиқчилар унинг бу асаридан кенг фойдаланишган. Мазкур асарда Ўрта Осиёда яшовчи туркий қабилалар ва уларнинг тил хусусиятлари, диалектлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалардан ташқари 78 та қабила ва ҳалқ номи ҳамда 82 та шаҳар ва қишлоқ номлари зикр этилган<sup>3</sup>. Уларнинг аксарияти эса Мовароуиннаҳр, Хоразм, Еттисув ва Шарқий Туркистон худудларида жойлашган.

Манбада келтирилган туркий қабилаларга оид маълумотлар бизга шу қабилалар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ва бу қабилаларни мамлакат ҳаётидаги ўрни кай даражада бўлганлигини ўрганишимизга ёрдам беради. Шунингдек, асарда келтирилган сўз, ибораларнинг шарҳи ва изоҳи кўмагида шу даврнинг ижимоий-иктисодий ҳаёти ва давлат бошқарувига доир кўпгина маълумотларни аниқлаб олишимиз мумкин. Масалан, асарда келтирилган «ставғач», «тегин», «йуғруш», «тузун»<sup>4</sup> каби унвон ва мансаб номи билан боғлиқ атамаларни чуқурроқ таҳлил этиб, уларни бошқа манбалардаги маълумотлар билан солиштирсак, Қораҳонийлар давлат бошқарувига оид бир

<sup>1</sup> Юсуф Ҳос Ҳожиб. Кутадгу билиг. – Б. 305-735.

<sup>2</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит-турк. 1-3 жилд.

<sup>3</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит-турк / Индекс-лугат. Ф. Абдураҳмонов ва С.М. Муталибов иштироқи ва таҳрири остида. – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 391-407.

<sup>4</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит-турк. 1-жилд. – Б. 196, 300, 391, 397, 423; 3-жилд. - Б. 47, 329, 424 ва бошқа бетлар.

қатор масалаларга аниқлик киритиш имкони пайдо бўлади. Бу эса мазкур асарни катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Мазкур давр тарихини ўрганишда туркий халқларнинг тилшунослиги ва этнографиясига оид тадқиқотларнинг<sup>1</sup> ҳам илмий аҳамияти бекиёсдир. Бу борада юқорида номи зикр этилган В.В. Радлов ва С.Е. Малов, С.Г Кляшторный каби олимларнинг ҳиссаси каттадир.

Шунингдек, Қорахонийлар давлати таркибидаги қўплаб туркий қабилаларнинг этнографияси ва сўзлашув тили хусусида Н.А. Баскаков<sup>2</sup>, А.К. Боровков<sup>3</sup> ва Ш. Шоабдураҳмонов<sup>4</sup> сингари тадқиқотчилар ҳам қўплаб ишларни амалга оширишган. Жумладан, Н.А. Баскаков туркий тилларга таъриф бериб, уларнинг ичида қарлуқ тилини алоҳида қайд этади<sup>5</sup>. Ш. Шоабдураҳмонов эса бугунги ўзбек шеваларини учта йирик гурухга бўлиб, қарлуқ шевасини шулардан бири сифатида таърифлаб ўтган<sup>6</sup>.

Корахонийлар даври тарихини ўрганишга бағишлиланган нумизматик ва археологик<sup>7</sup> тадқиқотлар сирасига қўплаб асарларни киритиш мумкин. Уларнинг ичида Б.Д. Кочневнинг қорахонийлар даври нумизматикасига оид сўнгги йилларда нашр этилган йирик монографиясининг<sup>8</sup> илмий аҳамияти бекиёсдир. Асарда қорахонийлар даври нумизматикасига доир маълумот-

<sup>1</sup> Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Т.1. Ч.2. – СПб., 1893. – С.66; Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. – М.-Л.: Изд. АН СССР, 1959. – С.111; Кляшторный С.Г. Кипчаки, команы, половцы // Дешт-и Кипчак и Золотая Орда в становлении культуры евразийских народов: Тез. докл. Материалы международной научно-практической конференции 10-11 апреля 2003 г. – Москва, 2003. – С. 9-15; Шониёзов К.Ш. Карлуқ давлати ва карлуқлар. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 192; Шу муаллиф. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 426 ва бошқа асарлар.

<sup>2</sup> Баскаков Н.А. Тюркские языки. – Москва: Изд. Вост. лит., 1960. – С. 242.

<sup>3</sup> Боровков А.К. Лексика Среднеазиатского тифсира XII-XIVвв. – Москва: Изд. Вост. лит., 1963. – С. 366.

<sup>4</sup> Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек шевалари ва уларни ўрганиш ҳақида умумий маълумот // Ўзбек халқ шевалари лугати. – Тошкент, 1971. – Б. 386-406.

<sup>5</sup> Баскаков Н.А. Тюркские языки. – С. 177.

<sup>6</sup> Шоабдураҳмонов Ш. Ўзбек шевалари ва уларни ўрганиш ҳақида умумий маълумот. – Б. 396-404.

<sup>7</sup> Кочнев Б.Д. Нумизматическая история Карабанидского Каганата (991-1209). – Москва: София, 2006. – С.314; Бернштам А.Н. Историко-культурное прошлое Северной Киргизии по материалам большого Чуйского канала. – Фрунзе: Киргиз. Фил. АН СССР, 1943. – С. 46; Массон М.Е. Ахангараң. Археологотопографический очерк. – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1953. – С. 144; Кожемяко П.Н. Раннесредневековые города и поселения Чуйской долины. – Фрунзе: Изд. АН Киргиз. ССР, 1959. – С. 186; Акишев К.А., Байпаков К.М., Урзакович Л.В. Древний Оттар. – Алма-Ата: Наука, 1972. – С. 215; Байпаков К.М. Средневековые города Казахстана на Великом Шелковом пути. – Алматы: Фылым, 1998. – С. 214 и другие.

<sup>8</sup> Кочнев Б.Д. Нумизматическая история Карабанидского Каганата (991-1209). – Москва: София, 2006.

лардан ташқари шу даврнинг ижтимоий-сиёсий тарихи ҳам кенг ёритилган<sup>1</sup>. А.Н. Бернштамнинг археологик тадқиқотларида эса Сирдарё ҳавзаси, Фарғона ва Еттисув ҳудудларида биз ўрганаётган даврда яшаган туркий халқларнинг хўжалиги, шаҳар ва қишлоқлари, маданияти хусусида кенг маълумот берилган<sup>2</sup>. Н.Х. Рахимбабаеванинг археологик тадқиқотларида илк ўрта асрларда Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон халқларининг ўзаро маданий алоқалари Шарқий Туркистонда жойлашган шаҳарларнинг тараққиёти мисолида таҳлил этилган<sup>3</sup>. К.М. Байпаковнинг тадқиқотларида қорахонийлар давридаги шаҳар ва қишлоқларнинг ҳаёти, уларда Буюк Ипак йўли асосида олиб борилган савдо-тижорат ишларининг ривожи хусусида қимматли маълумотлар келтирилган<sup>4</sup>.

**Тадқиқот обьекти.** Тадқиқот обьекти 766 йилда қарлук қабилалар иттифоқи негизида юзага келган Қорахонийлар давлатининг 1212 йилга қадар бўлган тарихи ҳисобланади. Мазкур давр юкорида келтирилган манбалар ва нашрий асарлар асосида таҳлил этилган.

**Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари.** Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўю» ҳамда “Юксак маънавият – енгилмас куч” каби асарлари, Ўзбекистонда тарих фани олдида турган долзарб муаммо ва вазифалар ҳақидаги хуоса ва тавсиялари, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш тўғрисида»ги 1996 йил 16 декабрдаги ва «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1998 йил 27 июлдаги қарорлари назарий-услубий асос бўлиб хизмат қилди.

<sup>1</sup> Кочнев Б.Д. Нумизматическая история Карабанидского Қаганата (991-1209). – Москва: София, 2006. – С.148-244, 245-271.

<sup>2</sup> Бернштам А.Н. Историко-культурное прошлое Северной Киргизии по материалам большого Чуйского канала. – С. 15-23.

<sup>3</sup> Рахимбабаева Н.Х. Историко – культурные связи Восточного Туркестана со Средней Азией в раннем средневековые (На примерах архитектуры): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – М.: МГУ, 1994. – С. 16.

<sup>4</sup> Байпаков К.М. Средневековые города Казахстана на Великом Шелковом пути. – Алматы: Ғылым, 1998. – С. 214.

Диссертация тадқиқотида тарихийлик, холислик, илмийлик, мантикий кетма-кетлик каби тамойиллариға асосланилди.

**Химояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

- биринчидан, Қорахонийлар давлати бир ёки икки қабиланинг саъй-харакати натижасида эмас, балки Туркий ҳоқонлиги ва Туркаш давлатидан сўнг шу ҳудудларда, яъни Исфижоб, Еттисув, Шарқий Туркистон, Мовароуннаҳр ўлкаларида яшовчи туркий қабилаларнинг янгидан ўзаро уюшиши, бирикиб бориши натижасида юзага қелганлиги кўрсатилди;
- иккинчидан, давлатнинг катта даврий (766-1212) босқичда фаолият олиб борганлиги ва оддий қабилалар иттифоқи даражасидан улкан салтанат даражасигача эришганлиги тарихий далиллар билан аниқлаб берилди;
- учинчидан, давлатда «қорахон» атамаси унинг ҳоқон номларида унвон сифатида ва давлат номи ўрнида кўлланиши, шу давлатнинг тарихий таракқиёт босқичлари билан узвий боғлиқлиги таҳлил этилди;
- тўртинчидан, Қорахонийлар давлат бошқарув тизимида хукмдор ва маҳаллий ҳокимлар номига фахрий унвон сифатида қўлланган нуфуз ва даражани англатувчи «буғрахон», «тавғачхон», «элоқхон» ва «тегин» каби атамаларнинг ҳар бирини мазмун-моҳияти илк бора имконият доирасида алоҳида тадқиқ этилди;
- бешинчидан, Қорахонийлар давлатининг ижтимоий - иқтисодий негизи чукур ўрганилиб, бунда давлатнинг илк ва ривожланган даврларида юз берган туб ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти кенг тадқиқ этилди;
- олтинчидан, туркий давлатларда қабилалар иттифоқи даражасидаги жабғу бошқаруви билан ҳоқонлик бошқарувининг фарқли ва умумий хусусияти Қорахонийлар давлати мисолида очиб берилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Тадқиқот ишида Қорахонийлар давлатининг юзага келишини асосий омиллари бўлган шу даврнинг ижтимоий-иктисодий жиҳатларига ҳамда давлатнинг фаолиятида ҳоқонлик таркибидағи барча туркий қабилаларнинг ўз ўрни бўлганлиги ва салтанатнинг ўзи шу

қабилалар иттифоқи асосида тузилганлигига эътиборни қаратдик. Бунда давлатнинг кудрати ва барқарорлиги унинг таркибидаги қабилалар иттифоқининг қай даражада бирлигига, мустаҳкамлигига ҳар жиҳатдан боғлиқ бўлганлиги кўрсатилиб, ҳоқонликнинг бу хусусияти ўзидан олдин фаолият кўрсатган Туркий ҳоқонлиги ва Туркаш давлати тарихи билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилди.

Шунингдек, ишда давлатнинг ilk ва ривожланган даври алоҳида ўрганилиб, давлат бошқаруви соҳасини ҳам шунга мос равишда ривожланиб, такомиллашиб борганлиги кўрсатилди. Унга кўра, марказий давлат бошқарувида қўлланган “қораҳон”, “буғраҳон”, “тавғачхон”, маҳаллий ҳокимият тизимида эса “элоқхон” ва “тегин” каби унвонларнинг этимологик жаҳатдан мазмун-моҳияти тадқиқ этилиб, ушбу унвон эгаларининг ҳар бирининг давлат бошқарувидаги ўрни ва вазифалари кенг ёритилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотда келтирилган маълумотлар, фикр-мулоҳазалар ва таклифларнинг илмий истеъмолга киритилиши Ўзбекистон давлатчилик тарихи ва унинг муҳим тараққиёт босқичларини янада теран, илмий жиҳатдан чуқурроқ англаб этишда қатор янги далиллар вазифасини ўтайди.

Шунингдек, ушбу тадқиқот ишидан шу йўналишдаги илмий-тадқиқот ишларини олиб боришида, ҳамда Қораҳонийлар давлатчилик тарихи билан боғлиқ шу кунга қадар муаммо ҳисобланиб келинган айrim чигал масалаларнинг ёчимини топишда ва тарих дарслклари, қўлланмаларини тузишда кенг ва самарали фойдаланиш мумкин, деб ўйлаймиз.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Диссертация натижаларидан “Ўзбекистон тарихи” ва “Ўзбек давлатчилиги тарихи” фанларига оид маҳсус ўкув курслари, ўкув қўлланмалари ва дастурларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот апробацияси.** Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари муаллиф томонидан Республика илмий журнallарида зълон

қилинган мақолаларда ўз аксини топган. Иш Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Ўзбекистон тарихи” кафедрасининг мажлисида муҳокама қилинган ҳамда ҳимояяга тавсия этилган.

Шунингдек, диссертация Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги К.067.02.12 рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисида муҳокама этилиб, ҳимояяга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация юзасидан жами 8 та тадқиқот иши эълон қилинган. Жумладан, 7та илмий мақола республика илмий журналларида, 1та мақола тўпламда нашр этилиб, уларда диссертациянинг асосий мазмуни, хulosса ва натижалари ўз аксини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хulosса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати ҳамда илова қисмларидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 138 бетни ташкил этади.

## 1-БОБ. ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПГАН ДАВРИ ВА ЭТНИК АСОСИ

### 1.1. Давлатнинг шаклланиш жараёни ва ташкилий санасига оид масалалар

Ўтмишда диёримиз тупроғида жуда кўп давлатлар юзага келган, тарақкий этган ва вакти келиб ўз ўрнини бошқа сулолага бўшатиб берган. Юртимиз тарихига доир ҳар бир давлатнинг юзага келиш жараёни сиёсий, ижтимоий-иктисодий омиллар билан узвий боғлиқдир. Албатта, бунда умумий жиҳатлар билан бирга ҳар бир давлатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Афсуски, кўпгина тарихий асарларда, давлатчилик тарихини ёритишда, давлатнинг шаклланиш ва юзага келиш жараёнини шунчаки бир шахс фаолияти билан ёки бирор-бир сиёсий воқеа-ҳодисаларга боғлик холда изоҳлаб ўтилган.

Ваҳоланки, ҳар бир давлатнинг вужудга келиши, ривожи ва таназзулига оид жараёнлар биринчи навбатда шу жамиятдаги мавжуд ижтимоий-иктисодий омиллар билан бевосита боғлик кечган. Шунинг учун давлатнинг тарихини ёритишда унинг ижтимоий ва иктисодий хаётини ҳам чукурроқ ўрганиш зарур, деб ўйлаймиз.

Энди асосий мақсадга кўчадиган бўлсак, маълумки, IX-XII асрлар Мовароуннахр тарихида туркий халқлар сулолаларининг ҳукмронлик мавқеи мустаҳкамланганлиги билан ажралиб туради. Улар ўз тарихлари давомида бир қанча мустақил марказлашган давлатларни ташкил этишди. Ана шундай давлатлардан бири Қорахонийлар давлатидир.

Қорахонийлар давлати тўғрисида шу даврга тааллукли тарихий асарларнинг деярли барчасида сўз кетса-да, ушбу давлат қачон ва қайси

этник асосда ташкил топганлиги ҳанузгача мунозарали масала бўлиб келмоқда.

Қорахонийлар давлати тўғрисида таниқли олим К.Ш. Шониёзов ҳам ўз асарларида кенг тўхталиб ўтган. Шу билан бирга Қорахонийлар давлати Қарлук давлатининг давоми эканлиги, бу икки номдаги давлат аслида бир давлат бўлганлиги ва мазкур ҳоқонлик қарлук қабиласи томонидан 840 йилда ташкил топганлиги тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтган<sup>1</sup>. Умуман олганда, К.Ш. Шониёзов мазкур давлат тарихини ёритишда бутунлай янги фикрларни ўртага ташлади.

Қорахонийлар хукмронлик қила бошлаган давр тўғрисида мавжуд манба ва адабиётлардаги маълумотлар ўзаро қарама-қарши бўлиб, биз бунда уларнинг бир-бирини инкор этувчи зиддиятли жиҳатларни ҳам англашимиз мумкин.

Жумладан, К.Ш. Шониёзовнинг фикрича, Қорахонийлар давлатини 840 йилдан то 1212 йилгacha, яъни тўрт аср мобайнида қарлук ҳоқонлари идора қилган<sup>2</sup>.

Атоқли шарқшунос олим В.В. Бартольд Қорахонийлар давлати 940 йилда юзага келган деб қайд этса<sup>3</sup>, айрим тарихий асарлар бу масалада X асрнинг 90 йиллари, яъни ундан ҳам кечроқ даврни кўрсатмоқда<sup>4</sup>.

Қорахонийлар давлатининг ташкил толган санасига оид бу маълумотлардан кўриниб турибдики, тадқиқотчилар ўртасида бу масалада ҳатто, бир-бирларига яқинроқ фикрни ҳам учратмаймиз. Аксинча, уларнинг кўлчилиги, шу жумладан, О. Прицақ, К.Ш. Шониёзов давлатга асос солинган йил деб 840 йилни белгилашса, бошқа тадқиқотчилар гурухи В.В. Бартольд, О.К. Кораев ва бошқалар эса бу давлатни 940 йилда ташкил топган, деб

<sup>1</sup> Шониёзов К.Ш. Қарлук давлати ва қарлуклар. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 35-65; Шу муаллиф. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 326-328.

<sup>2</sup> Шониёзов К.Ш. Қарлук давлати ва қарлуклар. – Б. 165.

<sup>3</sup> Бартольд В.В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. – М.: Наука, 1968. Соч. Т. V. – С. 73.

<sup>4</sup> История Узбекской ССР. Кн.1. – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1955. – С. 242; Мирзазода. Ҳ. Тарихи адабиёти тоҷик. – Душанбе: Маориф, 1983. – С. 3.

хисоблашади. Улар ўртасидаги фарқ кўриниб турганидек юз йил, яъни бир асрлик вақтни ташкил қилмоқда. Албатта, тадқиқотчиларнинг бу даражада катта фарқли хulosага келишларига мавжуд манбалардаги бу масалада берилган тўлиқсиз ва камчил маълумотлар сабаб бўлган. Уларнинг ҳар бири ўз мулоҳазаларини маълум бир асослар билан исботлашга, далиллашга ҳаракат қилишган. Шунинг учун уларнинг фикрларини туғридан-тўғри инкор этиш ёки қўллаб-куватлаш анча мураккаб масаладир.

Бу ўринда, К.Ш. Шониёзовнинг юқорида келтирилган фикрларини тўғри, деб қабул қиласиган бўлсак, мазкур Қорахонийлар давлатини тўрт юз йил мобайнида бир сулола вакиллари бошқарган бўлиб чиқади<sup>1</sup>. Ўрта Осиё халқлари давлатчилик тарихидан маълумки, давлатни бошқарган сулолаларнинг бу қадар узоқ ҳукмронлик қиласиган ҳолатлари жуда камдан- кам учрайди. Мисол учун ўз даврининг энг қудратли давлатларидан бўлмиш Туркий ҳоқонликни бошқарган ашиналийлар сулоласи узоги билан икки асрдан камроқ давр мобайнида ҳукмронлик қилишган. Халифалик пойтахти Бағдодни забт этган қудратли Салжуқийлар салтанати ҳам Мовароуннаҳр тарихида бор-йўғи юз йилдан ошикроқ вақт ҳукм сурган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Албатта, бу қиёсий солиштиришлардан қатъий хulosалар чиқариб бўлмайди. Лекин айтмоқчимизки, Қорахонийлар давлати ўзининг шундай узоқ тарихи мобайнида ижтимоий-иктисодий жиҳатдан ҳамда давлат бошқаруви соҳасида, таркибий хусусиятга кўра кўпгина ўзгаришлар ва ўзига хос янгиликларни ўз бошидан ўтказган бўлиши мумкин. Бу жараёнлар эса ўз навбатида ҳоқонликнинг ташкил этган қабилаларнинг давлат ҳаётидаги роли у ёки бу даражада ўзгариши билан ҳам боғлиқ кечган, албатта.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, В.В. Бартольд Қорахонийлар давлатини 940 йилда яғмолар ташкил этган, деб ёзган эди.

---

<sup>1</sup> Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиши жараёни. – Б. 338.

К.Ш. Шониёзов таъкидлаганидек, В.В. Бартольдинг бундай фикрга келишига, Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” асаридаги 940 йил “Боласоғун шаҳрини мусулмон бўлмаган мажусийлар ишғол қилди”, деган ахбороти ҳамда 1126 йил номаълум муаллиф томонидан кўчирма тарзida ёзилган “Маджмал ат-таворих” деб номланган асардаги “бугра” яғмо подшоларининг унвони бўлган, деб келтирган маълумотлари сабаб бўлган<sup>1</sup>.

Демак, кўриниб турибдики, тадқиқотчилар Қораҳонийлар давлатини ташкил топган даврини аниқлашда, давлатда қабилаларнинг ўрни ва ҳоқон унвонларининг номланишига эътибор беришган (Бу ҳақда ишимизнинг кейинги қисмида сўз юритамиз).

В.В. Бартольдинг Қораҳонийлар давлати 940 йилда ташкил топган деб келтирган қайдлари, тарихий асарларнинг деярли барчасида асос сифатида қабул қилинган. Масаланинг мураккаблиги ҳам шундаки, тадқиқотчи ўз фикрларини юқоридаги манбаларга асосланиб келтиради. Шунинг учун унинг мулоҳазаларини тўлиқ инкор этмаган ҳолда, танқидий ёндашиб таҳлил қилсак, фойдадан холи бўлмайди.

Гап шундаки, агарда биз ўзаро қарама-қарши маълумотларни солиштирган ҳолда, уларни ҳар бирини синчиклаб ўрганиб чиқсан, улар ўртасидаги уйғунликни англашимиз мумкин. Демоқчимизки, юқорида айтилганидек, Низомулмулк 940 йилда мусулмон бўлмаган мажусийлар Боласоғун шаҳрини ишғол этди, деган ахборотни беради. Бу маълумот билан Сатук Буғрахон 940 йилда ўзини Қораҳон (Улуг'хон) деб эълон қилганини эсга олсак<sup>2</sup>, гап ягона воеа-ҳодисалар хусусида кетаётганлиги ойдинлашади.

Низомулмук маълумотларидаги мажусийлар, яъни мусулмон бўлмаган қабила, бу бизнинг фикримизча яғмолар бўлиши мумкин. Бундаги Боласоғун шаҳрини улар томонидан ишғол қилинишини эса сулоланинг ўзаро ички тахт учун кураши жараёнида, мазкур қабиланинг ҳам аралашуви, деб тушуна-

<sup>1</sup> Бартольд В.В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. Соч. Т. V. – С. 73; Шу муаллиф. Очерки истории Семиречья. – М.: Изд. Вост. лит., 1963. Т. II. Ч. 1. – С. 41.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б. 41.

диган бўлсак, бундан Сатук Буғрахон яғмо қабиласининг жанговар ҳарбий кучи ёрдамида таҳтни эгаллаган, деган маъно келиб чиқади.

Эҳтимол шунинг учун Сатук Буғрахон гарчи Қарлук давлатининг асосчиси Билга Кул Қодирхоннинг невараси бўлган бўлса-да<sup>1</sup>, яғмоларнинг жанговар ҳарбий кучига таянган ҳолда ҳокимиятни эгаллаши ва «буғра», «қораҳон» каби унвонлар билан улуғланиши оқибатида баъзи тарихий асарларда ушбу давлатни яғмолар ташкил этган, деган фикрлар пайдо бўлгандир.

Фикримизни давом эттирадиган бўлсак, Сатук Буғрахон ҳокимиятни эгаллашдан олдин, Қошгарда хукмронлик қилган. Қошгарда ва унинг атрофида эса яғмолар жойлашган эди<sup>2</sup>. Яғмо, чигил, халач ва бошқа қўпгина туркий қабилалар айнан Сатук Буғрахон даврида ислом динини қабул килишган<sup>3</sup>. Демак, яғмолар Сатук Буғрахон ҳокимиятни қўлга олгунга қадар ислом динида бўлмаганлар. Агарда Низомулмулк 940 йилда Боласағунни эгаллаган мажусийлар, деб яғмоларни назарда тутган бўлса, юқоридаги маълумотлар бир-бирини тўлдиради.

Демак, В.В. Бартольднинг юқорида келтирган маълумотини, биз Қораҳонийлар давлатининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида шу даврдан бошлаб қарлук қабиласидан ташқари бошқа туркий қабилалар жумладан, яғмо қабиласи ҳам ўз ўрнига эга бўлиб, айнан бу қабиланинг ҳарбий жихатдан жанговар куч-кудратга эга эканлиги, уларни ҳоқон саройида нуфузли мавқеини эгаллашларини таъминлаган, деб тушунишимиз мумкин экан.

Айтмоқчимизки, тадқиқотчининг давлатни 940 йил яғмолар ташкил этди, деган фикрини тўғридан-тўғри қабул қилмаган ҳолда ундаги бу маълумотлардан фойдаланиш орқали биз Қораҳонийлар давлатидаги ўзаро ички сулолавий таҳт учун курашлар жараёнини ҳамда бу воқеа-ҳодисаларда

<sup>1</sup> Çıraq Soner Hunkar. Türk hakanlığı. (Karahanlılar). – İstanbul, 2007. – S. 490-493; Шониёзов К.Ш. Қарлук давлати ва қарлуклар. – Б. 46.

<sup>2</sup> Шониёзов К.Ш. Қарлук давлати ва қарлуклар. – Б. 74.

<sup>3</sup> Бартольд В.В. Очерки истории Семиречья. Соч. Т.II. Ч.1. – С. 41.

ҳоқонлик таркибидаги қабилаларнинг иштироқи қай даражада бўлганлигини англаб олишимиз мумкин. Ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, руҳияти нуқтаи-назаридан туриб фикр юритадиган бўлсак, давлат ҳаётида ҳарбий кучлар, ҳарбий кишилар, нихоятда нуфузли доира ҳисобланган. Ҳукмдорлар ҳам ўз салтанатини ҳудудини кенгайтиришда, уни химоя килишда, қолаверса, ички низоларни бостиришда шу жанговар ҳарбий кучларга таянишган. Қорахонийлар давлатининг ҳукмдорлари ҳам бундан истисно эмас, албатта. Шундай экан, яғмо қабиласининг жанговар ҳарбий кучлари ёрдамидан сулола хонадонига мансуб кишилар ҳокимиятни эгаллаш йўлида фойдаланганликлари табиийдир.

Қорахонийлар давлатини ташкил топган санасини X асрнинг 90-йиллари, деб белгиланган асарлар хусусига келсак<sup>1</sup>, кўрсатилган даврдан ҳам англаш мумкинки, бунда асосан 990 йиллар, яъни Сомонийлар давлатини қорахонийлар томонидан тутатилганлик воқеасининг таъсири бор. Албатта, айнан шу даврдан бошлаб, Қорахонийлар давлати ҳақида кўпгина тарихий асарларда сўз юритилиб, улар ўз даврининг қудратли ҳоқонлиги сифатида таърифланади<sup>2</sup>. Лекин бундан Қорахонийлар давлати 990 йиллардан эътиборан ўз фаолиятини бошлади, деган мазмун келиб чиқмайди. Чунки ҳеч бир давлат бир вақтнинг ўзида ҳам ташкил толиб, ҳам қўшни давлатни ҳудудларини забт этиши тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди.

Шу ўринда, масаланинг бир жиҳатига эътиборни қаратсак. Кўпгина тарихий асарларда Қорахонийлар давлати билан Сомонийлар давлати ўртасидаги мавжуд бўлган зиддиятларга ортиқча ургу бериш ҳоллари мавжуд<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> История Узбекской ССР. Кн. I. – С. 241-244; Мирзазода Ҳ. Тарихи адабиёти тоҷик. – С. 3.

<sup>2</sup> Бу даврнинг сиёсий воқеа-ходисалари хусусида. Қаранг: Ибн Ал-Асир. Ал-Камил фи-т-тарих / Пер.с.арабс.К.Б. Старковой // МИКК. Т.1. – Москва, 1973. – С. 53-75; Негматов Н.Н. Государство Саманидов. – Душанбе: Дошиш, 1977. – С. 279; Босворт К.Э. Мусульманские династии. – М.: Наука, 1971. – С. 324; Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX - нач. XIII вв. –Ташкент: Узбекистан, 1996. – С. 422; Кочнев Б.Д. Нумизматическая история Караканидского Каганата (991-1209). – Москва: София, 2006. – С.148-244 и др.

<sup>3</sup> История Узбекской ССР. Кн. I. – С. 241-244; Мирзазода Ҳ. Тарихи адабиёти тоҷик. – С. 3.

Албатта, бундай мулоҳазаларни холис, деб бўлмайди. Чунки бу мулоҳазалар ўша даврнинг тарихий шарт-шароити, мавжуд воқелигидан анча узоқ бўлиб, масалани сунъий равишда чигаллаштиради, холос.

Тарихдан маълумки, Сомонийлар давлати ҳам, Қорахонийлар давлати ҳам Ўрта Осиё тарихида ўз ўрнига эга. Ҳар икки сулола даврида ҳам аждодларимиз ижтимоий-иктисодий ва маданий жиҳатдан юксалиш йўлидан борган. Сомонийлар давлатининг инқирозга учраши ва унинг ўрнига қорахонийлар сулоласининг таҳт тепасига келишининг ўзига хос тарихий сабаблари бор. Сомонийлар давлатининг таназзулини эса тўлиқ равишда қорахонийларнинг ҳарбий тазики билан боғлиқ ҳолда тушунмаслик керак. Чунки сомонийлар сулоласи бу вақтга келиб сиёсий-ижтимоий жиҳатдан чукур инқирозга учраган эди. Махаллий ҳокимлар, ноибликлар, ҳарбий амирларнинг ўзбошимчалиги кучайган бўлиб, улар амалда марказдан мустақил равишда сиёсат олиб борардилар. Марказий ҳокимият эса уларга қарши ҳеч бир чора кўра олмайдиган даражада заифлашиб қолган эди. Ана шундай бир вазиятда бутун Мовароуннаҳр узра ҳукмронлик бошқа бир сулоланинг қўлига ўтишини, мантиқий олиб қаралганда буни тарихнинг табиий жараёни, деб тушуниш мумкин.

Демак, Қорахонийлар давлатининг ташкил топган санасини X асрнинг 90-йиллари, деб кўрсатувчи тарихий асарларга нисбатан айтиш мумкинки, Қорахонийлар давлати бу вақтда ташкил топмаган, балки бу даврга келиб, ҳоқонлик ўз чегара сарҳадларини кенгайтириб; илгариги доирасига нисбатан эндилиқда янада куч-кудратга тўлиб ҳарбий ҳаракатларни қўшни худудлар томон кенгайтирган.

Юқоридаги маълумотларни умумлаштирган ҳолда мулоҳаза юритадиган бўлсак, Қорахонийлар давлатини юзага келиши тарихий зарурият бўлиб, унинг ўзига хос сиёсий, ижтимоий-иктисодий замини бўлган. Масалани теран англаш учун бу хусусда қисман тўхталиб ўтишни жоиз, деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, қадимдан Ўрта Осиёning Олтой жанубий ёнбагридан бошланадиган шаркий қисмида, Марказий Тяньшань этакларида, Чу, Ила, Норин, Талос дарёлари водийлари бўйлаб то Помиргача бўлган худудларда туркий тилда сўзлашувчи қабилалар яшаган. Мазкур қабилалар VI асрнинг иккинчи ярмидан то VIII аср бошларигача Туркий ҳоқонлиги тасарруфида бўлиб келган. Туркий ҳоқонлиги ташки душманлар билан олиб борилган урушлар ва ички қабилавий низолар натижасида 603 йил Ғарбий ва Шарқий худудларга бўлиниб кетади. Ҳоқонликнинг бўлиниб кетиши давлат таркибидаги туркий халқларнинг хоҳиш иродасига зид равишда, кўпроқ ташки душманларнинг таъсир кучи остида юз берганлиги сир эмас, албатта<sup>1</sup>. Чунки яхлит бир қудратли ҳоқонликнинг иккига бўлиниши, уларнинг хар иккиси аҳволини янада оғирлаштирди. Аникроқ айтадиган бўлсак, бу уларнинг ҳар иккисининг ҳалокатини тезлаштирган асосий омиллардан бири бўлди.

Умуман олганда, 630 йилда Ғарбий ҳоқонликда ички қабилавий низолар кескинлашиб кетади. Бу даврда ҳоқонликда ҳокимият учун кураш асосан икки, яъни дулу ва нушиби қабилалари ўртасида кечган. Мавжуд оғир вазиятдан чиқиш ва аҳволни яхшилаш учун ҳоқон Ишбара (634-639й.) маъмурий ислоҳот ўтказади. Унга кўра, ҳоқонлик таркибидаги қабилаларни иккига бўлиб, бештасини дулуга, қолган бешта қабилани эса нушибига тақсимлаб беради. Қабила иттифокининг ҳар бирига чорва молларини боқиш учун яйлов ерларини ва кўчиб юрадиган худудларини чегараларигача аниқлаб беради<sup>2</sup>.

Кўриниб турибдики, бу вақтда давлатнинг асосини ва яшовчанлик қобилиятини унинг такибидаги туркий қабилаларнинг бирлиги ва уларнинг жанговар ҳарбий кучи ташкил этган. Бу қабилаларнинг асосий ижтимоий-икти-

<sup>1</sup> Гумилев Л.Н. Қадимги турклар / Таржимон ва нашрга тайёрловчи Б. Ўрдабекли., А.Айритомий. – Тошкент: Фан, 2007 йил. – Б. 162.

<sup>2</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – М.-Л.: Изд. АН СССР, 1950. Т.1. – С. 289.

содий ҳаёти эса кўчманчи-чорвадорлик асосига қурилган бўлиб, яйлов ерлари ва унга эгалик қилиш ҳукуки улар учун ҳаёт-мамот масаласи бўлиб келган.

Лекин ҳоқон Ишбаранинг икки йирик қабилани ўзаро келиштириш йўлидаги тадбирларидан ҳеч бир натижа чиқмайди. Сулола таянчи бўлган бу икки қабила ўртасидаги низолар эса ҳоқонликни заифлаштиради. Одатда, қайси давлатни ички низолар чулғаб олиб, уни кучсизлантирса, ўша давлатга қўшни давлатларнинг босқини муқаррар бўлиб келган. Ўз даврининг қудратли давлати бўлган Туркий ҳоқонликнинг ҳам бундай вазиятда душманлари етарлича бор эди. Чунки Хитой қўшинлари ҳоқонликнинг бу оғир аҳволидан фойдаланиб, 658-659 йилларда унинг асосий ҳудуди бўлган Еттисувнинг катта қисмини эгаллади<sup>1</sup>. Аммо кейинчалик туркийлар Хитой қўшинларини ўлқадан суриб чиқаради. Уруш натижасига кўра, ҳар икки томон катта талофатлар кўради. Туркий ҳоқонлиги бу йўқотишлар эвазига ўз ҳудудини саклаб қолади. Лекин узоқ вақт давом этган ички ва ташқи урушлар ҳоқонликни кучсизлантириб, унинг емирилишини тезлаштиради. Унга тегишли ҳудудларда эса 707 йилда Туркаш давлати ташкил топади.

Туркашларнинг асосий қисми бу вақтларда (VIII асрнинг иккинчи ярмида) Ила дарёси водийсида, Шимолий Тяньшань ёнбагирларида жойлашган бўлиб, дулу қабила иттифоқи таркибида бўлиб келган<sup>2</sup>.

Албатта, Туркий ҳоқонлигини ҳам Туркаш давлатини ҳам аҳолисининг таркибий асосини туркий қабилалар ташкил этган. Бунда давлат ўзгармаган, балки давлатни бошқарган сулолаларни ўзаро ўрни алмашган, холос.

Туркашлар ҳокимиятни эгаллаб, эндиғина кучга кириб бораётган бир вактда Хитой империяси ўз чегараларини ғарбга томон кенгайтириш сиёсатини ҳам жадаллаштиради. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Хитой императорлари доимий равища ўз ҳудудларини кенгайтириш, босиб олинган ўлка аҳолисини

<sup>1</sup> Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. – Б. 264-265.

<sup>2</sup> Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Б. 155.

хитойлаштириш ва бу ерда ўз маъмурий бошқарув тизимини ўрнатиш каби катта даврий тажрибага эга бўлган сиёсатларини изчил олиб боришган.

Шунинг учун Хитой империяси ўзининг шимолий ва ғарбий чегаралари узра жойлашган туркий сулолаларнинг кучайиб кетишини хоҳламаган. Бунинг учун улар туркий қабилалар ўртасига турли низо уруғларини сочиб, уларни бир-бирига қарши гиж-гижлаш усулларидан фойдаланишган. Шунингдек, Хитой дипломатияси анъанавий равищда ўзининг эски усулини, яъни марказдан норози кучларни қўллаб-куватлаш чора-тадбирларини кенг қўллаган. Бундан кўзланган мақсад эса туркий давлатларни заифлаштириш орқали улар устидан ўз қукмронлигини ўрнатиш бўлган. Албагта, Хитой хукмдорларининг бу ниятини ўз вақтида англаб, шунга мос ҳолда сиёсат олиб борган ҳоқонлар ҳам бўлган<sup>1</sup>.

Умуман олганда, Туркаш давлати ўзининг қисқа умри давомида оғир аҳволни бошидан кечирди. Чунки айнан шу даврда, яъни шаркий чегараларни ҳимоя қилиб душманлар билан кураш олиб бораётган бир вақтда, ғарбдан араб халифалигининг Мовароуннаҳрга бошлаган ҳарбий юришлари туркашлар аҳволини янада оғирлаштириди.

Араб халифалигига қарашли ҳарбий кучларнинг Мовароуннаҳрга кириб келишлари ва мазкур худудда халифалик тартиботини ўрнатишга туркий сулолалар бефарқ қараб тура олмас эдилар. Чунки Мовароуннаҳр ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан уларнинг асосий таянч худудлари ҳисобланган. Бу ўлкаларда қадимдан жуда кўп туркийзабон аҳоли яшаб келган. Шунинг учун Туркий ҳоқонлиги ва Туркаш давлати мазкур худудларни ҳимоя қилишни ўз вазифаси, бурчи деб билган. Араб ҳарбий қўшинларининг кириб келишлари биланоқ, туркашлар маҳаллий хукмдорлар билан бирлашиб уларга қарши кураш олиб борадилар. Жумладан, 707 йил Туркаш ҳоқони Соге ўзининг атрофига катта ҳарбий қўшин йигиб, Кутайба бошлиқ араб ҳарбий қўшинига

---

<sup>1</sup> Қадимий ҳикматлар / Тузувчи. Н. Раҳмонов., маҳсус мұхаррир. А. Қаюмов. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1987. – Б. 16-30.

қаттиқ талофат етказади. Аммо шу вақтда туркашларда ички қабилавий низолар ҳам авж олади. Хитой империяси эса ўз ҳарбий тазиикини янада кучайтиради<sup>1</sup>.

Натижада, туркашларнинг ҳарбий кучлари бўлиниб, уларнинг бир қисми шарқда Хитой қўшинларига қарши кураш билан банд бўлса, иккинчи бир қисми халифалик қўшинларига қарши ташланган эди. Учинчи қисми эса, ички қабилавий курашлар билан овора бўлган. Албатта, ҳар бир давлат учун ташки душмандан кўра, ички низолар ва у асосда юз берадиган ўзаро қирғинбарот урушдан-да каттароқ ҳавф бўлмайди.

Еттисувда туркашларнинг икки этник груп «сариклар» ва «қоралар» ўртасида ҳокимият учун кураш бир неча йиллардан бўён давом этиб келар эди<sup>2</sup>. Улар ўртасидаги бу низолар 738-759 йилларда ниҳоятда кучайиб, ўзаро қирғинга айланиб кетади<sup>3</sup>. Буларнинг барчаси Туркаш давлатини заифлаштириб, уни барҳам топишига сабаб бўлади. Мавжуд вазиятдан фойдаланган қарлуқ қабиласи 759 йилда туркашлар худудига бостириб кирадилар. 766 йилга келиб қарлуқлар Еттисув, Талос, Чу водийсини эгаллаб, Ғарбий Тяньшанъга қадар бўлган худудларга кириб боришади<sup>4</sup>.

Қарлуқ қабиласи ва қарлуқлар ҳақида жуда кўп манба ва адабиётлар мавжуд<sup>5</sup>. Қарлуқлар қадимда Олтойнинг гарбий минтақаларида яшаганлар. Улар Туркий ҳоқонлиги даврида эса сиёсий жараёнларда фаол иштирок эта бошлишган. Ҳоқонлик ташкил топган вақтда қарлуқлар Ғарбий Олтойдан чиқиб, Иртиш дарёсининг соҳилларига, Олтойнинг жанубий ёнбагирларида то Ила дарёсини шимолигача бўлган худудларда жойлашган эди.

Қарлуқларнинг Ила дарёси бўйида қолган қисми учта катта қабилага бўлинган. Хитой манбаларида бу қабилалар меуло, чижиси ва тошили деб ёзилган<sup>6</sup>. Мазкур қабилалар жойлашган худудлар Ғарбий ва Шарқий Туркий

<sup>1</sup> Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. – Б. 384-385.

<sup>2</sup> Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. – Б. 382-397.

<sup>3</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений ... Т. I. – С. 298-300.

<sup>4</sup> Ўша жойда. – Б. 347.

<sup>5</sup> Қарлуқ қабиласи ҳакидаги маълумотлар. Қаранг: Махмуд Кошғарий. Девону луготит-турк. 1-3-жилд; Бартольд В.В. Очерки истории Семиречья. Соч. Т. II. Ч. I; Шониёзов К.Ш. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар.

<sup>6</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Т. I. – С. 347.

ҳоқонларининг шимолий чегаралари туташган қисми бўлган. Шунинг учун ҳар икки ҳоқонлик қарлуқлар жойлашган бу худудларни ўзларига тобе этишга уринишган. Натижада, 646 йил Олтой қарлуқларини Шаркий ҳоқонлик ўзига бўйсундириб олади. Ўз вақтида Гарбий ҳоқонлик ҳукмдори Ашина Хелу ҳам Тарбагатойда яшовчи қарлуқларни ўз тасарруфига олади<sup>1</sup>. Шундай бўлса-да қарлуқ қабилалари ўз эркинликлари учун доимий равишда кураш олиб борадилар. Уларнинг бу курашлари ўша даврдаги тош битикларда ҳам муҳрланиб қолган<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, қарлуқлар 766 йилда заифлашиб қолган туркашлар устидан ғалаба қозониб, Еттисувни эгаллашади. Уларнинг ҳокимларининг қароргоҳи Чу дарёси воҳасидаги Сўёб шаҳри эди. Шу вақтдан бошлаб қарлуқ жабгулари Жунгория тоғларидан то Сирдарёга қадар бўлган худудларни бошқара бошлийдилар<sup>3</sup>. Улар айни вақтда, қудратли Туркий ҳоқонлиги ва ундан сўнг қисқа давр мобайнида ҳукмронлик қилган Туркаш давлатининг вориси сифатида ҳам фаолият юритишган.

Манбаларда кўрсатилган маълумотлардан англаш мумкинки, VIII асрга қадар қарлуқларнинг ҳаёт тарзи қабила-уруг шаклида бўлиб, бир қанча уруг бир бўгинни, бўғинларни бирлашмаси эса қабилани ташкил этган. Уруғларни беклар бошқарса, уруг бирлашмаларини эса «элтибор» унвонидаги киши бошқарган. Уларнинг барчасини юқорисида «жабгу» турган. Жабгу бутун қабилалар иттифоқининг бошлиғи бўлиб, уни қабилавий йиғинда сайлов йўли билан шу вазифага тайинлашган<sup>4</sup>.

Қарлуқлар Еттисувни эгаллагандан сўнг (VIII асрнинг 60 йиллари) ушбу тартиб-қоидалар бироз ўзгариб, эндиликда жабгунинг ваколат доираси илгаригига нисбатан анча кенгаяди. Чунки бу вақтга келиб жабгулар нафакат қабила иттифоқининг бошлиғи, балки энди қарлуқлар эгаллаган худудда

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Т. I. – С. 269-293.

<sup>2</sup> Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. – М-Л.: Изд. АН СССР, 1951. – С. 40-46.

<sup>3</sup> Бичурин Н.Я. Собрания сведений ... Т. III. – С. 300-308.

<sup>4</sup> Шониёзов К.Ш. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. – Б. 35-36.

яшовчи барча қабилалар ва ўтрок ахоли устидан ҳам ҳукмронлик қила бошлайди. Бу давр манбаларида қарлуқлар яшаётган ва ҳукмронлик қилаётган худудлар «Қарлук давлати», подшолари эса «жабғу» деб қайд қилинган бўлса-да<sup>1</sup>, тадқиқотчи олим К.Ш. Шониёзовнинг таъкидлашича, қарлуқларда давлат то IX аср ўрталаригача бўлмаган. Бу даврдаги қарлуқларнинг бошқарув усулини у «йирик қарлук қабила иттифоқи бирлиги» деб номлайди<sup>2</sup>.

Қарлуқларнинг мазкур давлат бошқарув усулини «йирик қабилалар иттифоқи», деб шартли равишда номлаш эҳтимол балки тўғридир. Лекин бизнинг фикримизча, бу ўринда «давлат» иборасини қўллашда туркий қабилаларнинг ўзига хос хусусиятлари, жумладан, давлат бошқарувидаги удумлари, мафкуравий қарашлари ҳамда маънавий хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш керак. Чунки туркий давлатлар, туркий сулолалар энг кучайган даврларда, жумладан, бутун Ўрта Осиёдан тортиб, Кичик Осиёга қадар бўлган худудларда яшовчи халқлар устидан сиёсий устунликни қўлга киритган ва давлат тепасида турган ҳоконларнинг ваколат доираси мутлақ кенгайтан вактларда ҳам, уларнинг давлатни бошқарув усулида анъанавий қабила-уругчилик удумлари сақланиб келган ва такомиллашиб, янгича тусга кириб борган.

Демак, мазкур даврда Ўрта Осиёнинг Олтой жанубий ёнбағирларидан бошланадиган шарқий қисмида, марказий Тяншань этакларида, Чу, Ила ва Норин дарёлари водийлари бўйлаб, то Помиргача бўлган худудларда туркий тилда гаплашувчи қабилалар уюшмаси яшаган.

Бу улкан худудда яшаган ахоли таркибига туркий қабила ва уруғларнинг жуда кўплаб гуруҳлари, яъни қарлук, чигил, яғмо, тўҳси, уйғур ва ўғуз каби қабилалар кирган. Карлуқлар эгаллаган бу худудлар эса Қорахонийлар давлати вужудга келган ўлкалар ҳисобланади. Бундан қарлуқлар ва уларга

<sup>1</sup> Бартольд В.В. Очерки истории Семиречья. Соч. Т. II. Ч. I. – С. 35-40.

<sup>2</sup> Шониёзов К.Ш. Қарлук давлати ва қарлуқлар. – Б. 161.

тегишли худудларда яшаган қабилалар Қорахонийлар давлатининг негизини ташкил этади, деган мазмун келиб чиқади.

Биз тилга олиб ўтган ўлкаларда яшовчи туркийзабон аҳолининг ижтимоий-иктисодий ҳаёти ҳамда турмуш тарзи ҳам ўзига хос бўлган. Юқорида қайд этилганидек, Туркий ҳоқонлиги (VI-VIII асрлар), Туркаш давлати (VIII аср бошлари) ва қарлуқларнинг ҳукмронлиги даврида мазкур худудларда юқорида номлари зикр этилган қабилалар яшаган. Албатта, уларнинг ҳаёт тарзи кўчманчиликка асосланган бўлиб, ҷорвачилик уларнинг асосий машғулоти бўлган. Лекин бундан туркий қабилаларнинг барчаси кўчманчи-ҷорвадор, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Чунки Туркий ҳоқонлиги давридан бошлаб, уларнинг ўтроқлашиш жараёни тезлашган. IX-X асрларга келиб Еттисув ва Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисмида жойлашган бир қанча кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилалар турғун ҳаётга ўтиб, дехқончилик, ҳунармандчилик билан шуғуллана бошлашган.

Кўчманчи ҷорвадорларнинг бундай ўтроқлашиш жараёни ижобий ҳолат бўлиб, бунинг натижасида катор янги шаҳар ва қишлоқлар қад кўтарган. Мавжуд шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси янада гавжумлашиб, йирик аҳоли пунктларига айланади<sup>1</sup>. Бу воқеалар натижасида, дехқончилик, ҳунармандчилик ҳамда савдо-сотик ривожланган (мазкур масала хусусида кейинроқ сўз юритамиз). Мовароуннахр, Еттисув ва Шарқий Туркистонда яшовчи аҳоли ўртасида маданий-маънавий алоқалар ҳам янада кучайиб, янги тараққиёт босқичига кўтарилиган. Ушбу ижтимоий-иктисодий ва маданий жараёнлар Қорахонийлар давлатининг шаклланишига замин яратган. Ушбу жараёнлар эса VIII асрнинг II ярми – IX асрнинг ўрталарига тўғри келиб, бу борада К.Ш. Шониёзовнинг фикрларини ҳақиқатга яқинроқ, деб хисоблаймиз. Лекин бизнинг тадқиқ этишимизча Қорахонийлар давлатини бевосита тўғридан-тўғри Қарлуқ давлатининг ўзи, унинг давоми эди, дейишга асослар тўлиқ

<sup>1</sup> Бу даврдаги мавжуд шаҳар ва қишлоқлар тўғрисидаги маълумотлар. Қаранг: Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит-турк / Индекс-лугат. Г. Абдурахмонов., С.М. Муталибовлар таҳрири остида. – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 397-401; Бартольд В.В. Извлечение из сочинения Гардизи «Зайн ал-ахбар». Соч. Т. VIII. – С. 24-62.

етарли эмас. Чунки Қорахонийлар давлати қарлук, чигил, яғмо, тұхси, ўғуз, уйғур ва бошқа жуда күплаб туркий қабилаларнинг ўзаро уюшуви-иттифоқи асосида юзага келган.

Тадқиқот мавзуси борасида юритилған фикр-мулоҳазаларга асосан айтиш мүмкінки, Қорахонийлар давлатининг ташкил топған санаси ҳозирги кунгача тарихий асарларнинг аксариятида қайд этилиб келинаётган X асрнинг ўрталаридан эмас, балки унинг пойдевори анча илгари барпо этилған бўлиб, X асрнинг ўрталарида эса бу давлат чинакам салтанат (империя) даражасига эришиб, ҳудудий жиҳатдан кенгайиб, аввалги даврга нисбатан анча куч-қудратга эришган ва тарихда «қорахон» яъни буюк хонлар номи билан аталган. Тарихий асарларда ҳам бу даврда кўпроқ Қорахонийлар давлати ҳақида сўз кетиб, улар Мовароуннахр сарҳадида кечган тарихий воқеаларда марказий ўринни эгаллашганд. Демак, Қорахонийлар давлати ўзининг тараққиёт босқичларида ривожланиб борганки, у йирик бир давлат тимсолида бирданига шаклланмаган. Аксинча, унинг давлатчилик тизими ҳамда таркибий тузилиши туркий халқларнинг узок даврлардан буён ривожланиб келган бой давлатчилик анъаналари ва тажрибалари билан уйғунлашиб борган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Қорахонийлар давлат бошқаруви тизимининг юзага келиши ва шаклланиши қарлуқларнинг қабила иттифоқи асосида ташкил топған Қарлук давлатига бориб тақалади. Шу боис Қорахонийлар давлатининг тарихи икки босқичга бўлинади. Унинг биринчи босқичи VIII асрнинг 60-йиллари – IX асрнинг биринчи ярмини ўз ичига олади. Бу босқичда ҳокимият «Қарлук давлати» номи билан юритилган. IX асрнинг ўрталаридан қарлук, чигил, яғмо, тұхси, ўғуз ва бошқа туркий қабилаларнинг ҳарбий иттифоқи юзага келиши билан давлат кенгайиб, қудрати ортади. Ушбу давлат қорахон яъни «буюк хон»лар томонидан бошқарилиб, у «Қорахонийлар давлати» номи билан шуҳрат топади. Илк ўрта асрларда ташкил топған бу улкан туркий салтанат XI-XII асрларда

ниҳоятда ривож топади. Бу давр Қорахонийлар давлати тарихининг иккинчи босқичидир. Унга кўра барча иттифоқдош қабилалар давлат бошқарувида ўз ўрни ва ҳуқуқига эга бўлган. Мазкур қабилаларнинг юкори табака зодагонлари эл-юрт ва вилоятларнинг бошқарувида давлатнинг юксак лавозимларига кўтарилигандар. Уларнинг мартабалари эса ҳокимиятнинг бошқаруви билан боғлиқ атамаларнинг этимонида ўз аксини топган.

## **1.2. Ҳоқонликнинг этник асоси ва унинг таркибий хусусиятлари**

Маълумки, туркий қабилалар томонидан ташкил этилган кўпгина давлатларнинг этник асоси мураккаб бўлиб, бу унинг бир неча қабилаларнинг давлат таркибидаги бирлашуви билан изоҳланади. Жумладан, Қорахонийлар давлатчилик тарихи билан боғлиқ муаммолар ҳам айнан шу жиҳатларга келиб тақалмоқда.

Тадқиқотнинг дастлабки қисмида Қорахонийлар давлатини ташкил топган санаси ҳақида фикрлашган эдик. Ушбу масала эса унинг мантикий давоми бўлиб, бунда асосан давлатни қайси этник асосда барпо этилганлиги хусусида имконият доирасида мулоҳаза юритамиз.

Қорахонийлар давлати гарчи Еттисув, Марказий Тяньшань худудларида қадимдан яшаб келаётган туркий қабилаларнинг ўзаро ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маданий муносабатларининг шароитида шаклланганлиги аниқ бўлса-да, ушбу давлатни қайси этник гурух томонидан ташкил этилганлиги масаласи фанда ҳанузгача турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда.

Қорахонийлар давлатининг этник асоси ва унинг таркибидаги қабилалар хусусида сўз юритишдан олдин, мазкур давлат ҳудудидаги илгари ташкил топган ва фаолият юритган туркий сулолалар бошқарган Туркий ҳоқонлиги ва Туркаш давлатининг этник асоси ҳақида ҳам маълум бир тушунчага эга бўлишимиз керак. Зоро, бу тилга олинган ҳар икки давлатнинг тарихи Қорахонийлар давлати тарихи билан ҳам бевосита боғлиқдир.

V асрнинг иккинчи ярми ҳамда VI асрнинг бошларида Олтойда Ашина қабиласи бошчилигига туркий қабилаларнинг иттифоқи юзага келган эди. 551 йил ушбу қабилалар иттифоқи сардори Бумин ўзини «ҳоқон» деб эълон қилгач, Ўрта Осиёда янги давлатга яъни Туркий ҳоқонлигига асос солинди. Туркийлар тез орада Еттисув, Шарқий Туркистон ва унга туташ худудларда яшовчи қабилаларни бўйсундириб, Сирдарё ва Орол денизига қадар бўлган ўлкаларни забт этишди. VI асрнинг охирларига келиб, ҳоқонлик чегаралари Энасойнинг юқори оқимидан то Амударё бўйларигача, Манҷжуриядан то Киммерий Босфоригача бўлган жуда катта худудларни ўз ичига олган, улкан давлат ташкил этилди. Албатта, бу буюк давлат ўз даврининг қудратли давлатлари яъни Хитой, Эрон ҳамда Византия билан сиёсий-иктисодий муносабатлар ўрнатиб, улар билан тенгма-тенг рақобатда бўлган эди.

Ушбу давлатнинг сиёсий тарихи алоҳида асарларда кенг ёритилган<sup>1</sup>. Шунинг учун биз бу ҳақда ортиқ тўхталиб ўтмасдан, асосан мазкур давлатнинг этник таркибига эътиборни қаратсак.

Ҳоқонлик таркибida дулу, нушиби, туркаш, қарлук ва бошқа кўплаб туркий қабилалар мавжуд бўлган<sup>2</sup>. Уларнинг айримлари йирик қабилалар иттифоқи даражасида бўлган. Ҳоқонлик Шарқий ва Ғарбий ҳоқонликка бўлиниб кетгач, Ғарбий ҳоқонликда ҳокимият учун асосан дулу ва нушиби қабилалари ўртасида кескин кураш кетган. Ҳоқонлик таркибидаги бошқа қабилалар ҳам мазкур курашларда иштирок этиб, гоҳ у гоҳ бу томонни кўллаб-кувватлаб турган. Лекин вақти келиб, уларнинг ҳар бири имкониятлари доирасидан келиб чиқиб, ўzlари ҳам ҳокимият учун кураш олиб борганлар.

Бу даврда Ўрта Осиёда туркийзабон аҳоли билан бирга форс-эрон тилли ҳалқлар ҳам биргаликда истиқомат қилишган. Улар ўртасида ўзаро маданий-

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я. Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. I-III. -- М.-Л.: Изд. АН СССР, 1950-1953; Гумилев Л.Н. Қадимги турклар / Таржимон ва нашрға тайёрловчи. Б. Ўрдабекли., А.Айритомий. – Тошкент: Фан, 2007.

<sup>2</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений ... Т. I. – С. 290-347.

маънавий ва этник алоқалар бу даврда ҳам давом этиб, янада ривожланган. Умуман олганда, ҳоқонлик таркибидаги халқларни ижтимоий-иктисодий хўжалик фаолиятига кўра уч гурухга бўлиш мумкин. Булар, қадимдан ўтроқ дехқончилик, хунармандчилик, савдо-сотик билан шуғулланувчи қишлоқ ва шаҳар аҳолиси; ярим ўтроқ ҳаёт кечираётган этник гурухлар, булар қисман дехқончилик билан бирга анъанавий чорвачилик билан ҳам шуғулланишган; учинчи гурух эса кўчманчи чорвадор қабилалар бўлиб, улар асосан чорвачилик билан кун кечиришган<sup>1</sup>.

Демак, буларнинг барчаси ҳоқонлик таркибидаги этник гурухлар ва қабилаларни ташкил этиб, ҳоқонлик ўз худудида сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётни бошқаришда уларга таянган ҳолда фаолият олиб борган. Давлатнинг марказий ҳокимиятини бошқаришда эса асосан юқорида тилган олинган қабилалар катта рол ўйнаган. Улар ўртасидаги ҳокимият учун тинимсиз давом этган ўзаро низолар эса ўз навбатида салтанатни емирилишига сабаб бўлган.

Гарбий ҳоқонлик емирилгач унинг худудида 707 йил Туркаш ҳоқонлиги вужудга келди. Лекин Туркаш давлати, Туркий ҳоқонлиги каби сиёсий-иктисодий жиҳатдан йирик салтанат даражасига эриша олмади. Бунга давлат вужудга келган давридан бошлаб тинимсиз давом этган ички қабилавий низолар ва ташки ҳужумлар сабаб бўлган. Нихоят, 766 йилда ушбу давлат ҳам таназзулга учраб, худудда ҳукмронлик қарлуклар қўлига ўтади.

Тадқиқотчи К.Ш. Шониёзовнинг қайд этишича, туркашлар этник жиҳатдан теле ва ҳатто ашина туркларидан ҳам фарқ қилган<sup>2</sup>. Туркаш ҳоқонлиги ҳам қабилалар иттифоқи негизида ташкил топган давлат бўлиб, буни биз уларни «сарик» ва «қора» туркаш гурухларига бўлинганидан ҳам англашимиз мумкин. Л.Н. Гумилев фикрича «сарик» туркашлар Еттисув

<sup>1</sup> Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Б. 150.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б. 155.

худудларида қадимдан яшаб келган қабила ҳисобланса, «қора» туркашлар бу худудларга кейинчалик келиб ўрнашган абар этносидан ташкил топган<sup>1</sup>.

Туркашлар давлати кўпгина бошқа туркий қабилаларни ҳам ўзига биритириб олган бўлиб, уларни ҳарбий қўшинининг сони энг ривожланган даврида 300 минг кишини ташкил этган<sup>2</sup>. Албатта, бу ўша давр учун жуда катта рақам ҳисобланиб, миңтака доирасида етакчи сиёсий кучга эга бўлғанинги англаатади.

Шундай қилиб, биз Қорахонийлар давлати ташкил топган худудларда қорахонийларга қадар мавжуд бўлган Турк ҳоқонлиги ва Туркаш давлатининг этник таркиби, асоси хусусида қисман бўлса-да тушунчага эга бўлдик.

Қорахонийлар давлатини қайси этник асосда ташкил этилганлиги ҳақида тадқиқотчиларнинг фикрлари турлича бўлиб, аввал ҳам айтиб ўтганимиздек, кўпгина тарихий асарларда мазкур давлатни яғмолар ташкил этган, деган фикрлар мавжуд. Ушбу масалага ойдинлик киритиш учун яғмо қабиласи хусусида алоҳида тўхталиб ўтсак.

Манбалардан маълумки, яғмолар дастлаб қарлук қабиласи таркибидан бўлмаган<sup>3</sup>. Уларни айрим манбаларда тўғуз яъни уйғурлар таркибida бўлганлиги таъкидланган<sup>4</sup>. Лекин яғмоларнинг келиб чиқишини уйғурлардан дейишга асослар етарли эмас<sup>5</sup>. Чунки тўғуз қабиласининг ўзи тўлиқ номланиши тўғуз-ўғуз дейилади. Бундай номланиш эса қабила номини эмас, балки жамловчилик маъносига эга бўлган этник ном, яъни бир иттифоқга бирлашган қабилаларни англаатган<sup>6</sup>. Демак, тўғуз-ўғуз – бу тўқиз қабиланинг ўзаро иттифоқи бўлиб, тарихда улар Уйғур ҳоқонлиги номи билан шухрат қозонган.

Яғмоларни уйғурлар билан уйғун ҳолда англашилиши ҳам бизнингча VIII асрнинг ўрталаридан то 840 йилга қадар мавжуд бўлган Уйғур ҳоқон-

<sup>1</sup> Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. – Б. 314-382.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б. 314.

<sup>3</sup> Шониёзов К.Ш. Қарлук давлати ва қарлуклар. – Б. 36.

<sup>4</sup> Бартольд В.В. Извлечение из сочинений Гардизи. «Зайн ал-ахбар». Соч. Т.VIII. – С. 45.

<sup>5</sup> Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шакланиш жараёни. – Б. 346.

<sup>6</sup> Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. – Б. 70.

лиги тарихи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Чунки яғмолар шу вақт ичидагиз мазкур давлат таркибида фаолият юритиб келишган. Албатта, бундан яғмоларни уйгурлардан, деган маъно келиб чиқмаслиги керак. Айтиш мумкинки, шу даврлар мобайнида яғмолар Уйғур ҳоқонлиги тасарруфида бўлиб, ўзаро этник-маданий алоқалар натижасида, улар ўртасида маълум даражада яқинлик юзага келган бўлиши мумкин.

Қорахонийлар давлати вужудга келган ҳудудларда қарлук, чигил, халач, аргу, тўҳси ва уларга келиб кўшилган яғмо қабилалари иттифоқчилик асосида яшашган. Давлат ҳам айнан шу қабилаларни ўзаро биримаси асосида ташкил топган. Биз яғмоларни бу ҳудудларга кейинроқ келиб жойлашган, демокдамиз. Эҳтимол, уларнинг айрим гурухлари қадимдан шу ўлкаларда яшаб келгандир. Лекин уларнинг асосий қисми IX аср ўрталаридан кириб келишган.

Бунга қадар улар юқорида қайд этилганидек, Уйғур ҳоқонлиги таркибида бўлишган. Уйғур ҳоқонлиги 840 йилда қирғизлар томонидан тор-мор этилгач, инқирозга учраб, парчаланиб кетади. Уларнинг таркибидаги қабилалар эса гурух-гурух бўлиб, ажралиб турли ҳудудларга тарқалиб кетган<sup>1</sup>. Жумладан, яғмо қабиласи ҳам қарлукларга тегишли бўлган ҳудудларга яъни Фаргона водийсининг шимолий төғли ҳудудлари ва Кошғар яқинига келиб ўрнашадилар. Бу эса ўз навбатида яғмоларни бундан кейинги ҳаёти бевосита, янги туркий Қорахонийлар давлати билан боғланиб кетишини англаради.

Яғмоларни X-XI асрга тааллукли тарихи хусусида ўша даврда яратилган манбаларда кўплаб маълумотлар бор. Жумладан, Маҳмуд Кошғарий ўз асарида яғмолар хусусида кўп маротаба тўхталиб ўтиб, уларни ўша даврдаги энг нуфузли қабилалардан бири сифатида таърифлаб ўтган<sup>2</sup>. «Девон»да яғмоларни урф-одатлари ва тил хусусиятларидан ташқари, уларни ҳарбий жихатдан жанговар қабила эканлиги таъкидланади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. – Б. 459-462.

<sup>2</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит-турк. З-жилд. – Б. 244, 348, 378 ва бошқа бетлар.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – Б. 460.

Юсуф Хос Ҳожиб ҳам ўзининг «Кутадғу билиг» (Саодатнома) асарида яғмо беглари ҳақида бир неча бор түхталиб ўтиб, қўйидагиларни ёзган: «Яғмо беги нима дейди, яхшилаб эшит, ҳамма ишларга фаросати етган (киши): элчига ишонилса мактуб нега керак, ишонч топилгач ҳозирлик нега керак...»<sup>1</sup>.

Ушбу сатрларнинг мазмунидан кўриниб турибдики, яғмо қабиласи ва унинг беги ҳақидаги бу ижобий фикрлар ўша даврда ҳоқонликда яғмоларни ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатади. Маълумки, Юсуф Хос Ҳожиб Қораҳонийлар давлатида ҳоқон саройида хизмат қилган. Демак, муаллиф ўзи гувоҳ бўлган тарихий-воқеа ҳодисалар таъсирида асарни ёзган. Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг бу асарини XI асрда ёзганлигини эътиборга олсак, бу даврга келиб Қораҳонийлар давлатининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва давлат бошқарувида яғмо қабиласининг мавқеъи ўсганлигини тушунишимиз мумкин. Чунки яғмо беги бир неча бор оқил киши сифатида таърифланган бу асардаги маълумотлар<sup>2</sup>, мазкур қабила ва унинг сардорини давлат бошқарувида маълум бир таъсир кучига эга бўлганлигини англатади. Лекин шу ўринда Юсуф Хос Ҳожибни Қораҳонийлар давлати юзага келган даврдан анча кейинги санада яшаб, ижод қилганлигига ҳам эътиборни қаратишимиш керак.

Балки мазкур муаллифнинг даврига келиб, ҳоқонлик таркибидаги қабилаларнинг ўрни ва роли у ёки бу даражада ўзгаргандир. Умуман олганда, ҳоқон саройида нуфузли лавозимда хизмат қилган Юсуф Хос Ҳожиб ахборотлари ўзининг тарихий асосларига эга, деб ўйлаймиз. Биз асарда яғмоларни қўшни қабилалар ичида энг жанговари ҳисобланганлигини ҳисобга олсак, юқоридаги маълумотларда маълум бир асослар борлигини англаймиз. Шубҳасиз, ўрта асрларда ҳарбий жанговар қучлар ҳар бир давлатнинг асосий таянчи ҳисобланган. Уларсиз ҳукмдорлар ўз сиёsatларини

<sup>1</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг / Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. нашрға тайёрловчи К. Каримов. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 735.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б. 305.

амалга оширишлари мумкин эмас эди. Чунки давлатнинг қудрати ҳам биринчи навбатда унинг иқтисодий аҳволига боғлиқ бўлса, иккинчиси унинг ҳарбий кучлари қай даражада бўлиши билан белгиланган. Ҳар бир давлатнинг, суоланинг ҳукмронлиги унинг ҳарбий қудрати билан чамбарчас боғлиқ бўлиб келган.

Демак, яғмо қабиласининг Қорахонийлар давлати ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти катта бўлган. Шундай бўлса-да, Қорахонийлар давлатини ташкил топишида биргина яғмо қабиласи сабаб бўлмаган. Яғмолар бу худудларга яъни Фарғона водийсининг шимолий тоғли худудлари ва Қошғар яқинига келиб ўрнашгунларига қадар, Қорахонийлар давлатининг асосий пойдевори яратилган эди (766-840). Қолаверса, давлатнинг шаклланиши ва унинг этник асоси, бу жуда мураккаб, ўзига хос жараёнларнинг маҳсули бўлиб, биз бу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларимизни манбаларга асосланган ҳолда билдириб ўтсак.

Маълумки, Қорахонийлар давлатининг худуди Еттисув, Исфижоб вилояти, Шош воҳаси, Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисми ва Фарғона водийсидан иборат эди. Бу худудларда эса, қадимдан туркий қабилалар истиқомат қилишган. Жумладан, VI-VIII асрларда бу воҳаларда дулу, нушиби, аз, уз ва бошқа қабилалар яшаган: VIII-X асрларда эса ўғуз, қарлук, чигил, халаҷ, яғмо қабилалари: X-XI асрларда қипчоқлар келиб жойлашган эди<sup>1</sup>.

Айнан шу қабилаларнинг ўзаро иттифоқи-уюшмасидан Қорахонийлар давлати вужудга келган эди. Албатта, Қорахонийлар давлатига қадар ҳам мазкур худудларда яшовчи жуда кўп туркий қабилалар ўзаро иттифоқи-уюшмалари асосида бир неча бор ўз давлатларини тузган эдилар. Туркий ҳоқонлиги ва унинг парчалари асосида юзага келган Туркаш давлати бунга мисол бўла олади. Қорахонийлар давлати ҳам ана шундай жараёнлар асосида юзага келган бўлиб, аввалги ҳоқонлик таркибида бўлган ва тарқалиб кетган

<sup>1</sup> Шониёзов К.Ш. Қарлук давлати ва қарлуклар. – Б. 37.

қабилаларни янги иттифоқга бирлаштириб, туркий давлатчилик тизимини изчиллик билан давом эттирган. Демокчимизки, Қорахонийлар давлати қабилаларни ўзаро иттифоқи-уюшмасидан иборат экан, ундаги давлатчилик аньналари, унинг таркибидаги туркий қабилалар учун янгилик эмас эди. Ушбу давлат аввалги туркий давлатларнинг узвий давоми бўлиб, давлатчилик соҳасидаги бой тажрибаларни тадрижий тараққиётини таъминлаган.

Энди бевосита Қорахонийлар давлатининг этник таркиби хусусига келсак, давлат таркибидаги энг йирик қабилалардан бири бу – қарлук қабиласидир. Айнан шу қарлук қабилалар иттифоқининг негизида йирик Қорахонийлар давлати ташкил топган эди.

Қарлук қабиласи ҳакида Маҳмуд Кошғарий ўз асарида «улар туркларнинг бир тури бўлиб, ўғузлардан бошқадир», деб маълумот беради<sup>1</sup>. «Девон»да келтирилган маълумотлар қарлукларни етакчи қабила тариқасида эмас, аксинча уларни бошқа қабилаларга тобеъ қабила, туркманларнинг бир тоифаси сифатида кўрсатади<sup>2</sup>.

Эҳтимол, бу даврга келиб, яъни Маҳмуд Кошғарий ўз асарини ёзган вақтда (XI аср) қарлуклар ўзларининг етакчи қабила сифатидаги илгариги мавкеъларини йўқотишгандир. Лекин уларнинг туркманларни бир тоифаси сифатида кўрсатилиши бирмунча тушунарсиздир, балки муаллиф бу билан туркманлар таркибида яшовчи қарлук қабиласининг айrim гурухларини назарда тутгандир.

Қарлук қабиласи ва қарлуклар хусусида X асрда яратилган асарлар ниҳоятда қимматли маълумотларни беради. Муаллифи номаълум «Худуд ал-олам» номли машҳур асарда қарлуклар эгаллаб турган худуд шарқда Тибет,

<sup>1</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит-турк. 1-жилд. – Б. 498.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

гарбда гузлар, шимол томонда чигил ва тўғуз-ўгузлар, жанубда эса Мовароуннахр ўлкалари билан чегаралангани қайд этилган<sup>1</sup>.

Араб сайёхи Абу Дулафнинг Хитойга бориш учун қарлуқлар ўлкаси бўйлаб 25 кун йўл босганилигидан<sup>2</sup> ҳам англаш мумкинки, қарлуқлар бу даврда жуда катта ҳудудларда ҳукмронлик қилишган.

Қарлуқ қабиласи ҳақида кейинги даврларда яратилган манбаларда ҳам кўплаб маълумотлар мавжуд. Масалан, Абулғозий улар ҳақида қўйидагиларни қайд этади: «Қарлуқ эли Мўгулистонда берк тоғларнинг ичинда юрт қилиб ўлтуурлар, экин экарлар эрди ва моллари бўлур эрди. Бир яхисини подшоҳ кўтариб, ул ўлса яна бирисини ва кўп эрмаслар эди. Гоҳ тузук бўлганда икки минг эвлик бўлур эди»<sup>3</sup>. Абулғозийнинг бу ахборотларидан тушуниш мумкинки қарлуқлар ҳам дехқончилик ҳам чорвачилик билан шуғуланиб, ярим ўтроқ ҳолатда яшашган. Лекин асардаги «улар бир яхисини подшоҳ кўтариб, ул ўлса яна бирини», деб қайси даврни, сананинг назарда тутилганлиги ҳақида бир нима дейиш қийин, албатта.

Маълумки, қарлуқлар дастлаб Туркий ҳоқонлигига тобе бўлишган. Кейинчалик, тинимсиз равишда ўз мустақилликлари учун кураш олиб боришилари натижасида қарлуқ қабила иттифоқи бузилиб, бир неча гуруҳларга бўлиниб кетишган. К.Ш. Шониёзов ана шу жараёнда юзага келган янги этно-ҳудудий қарлуқ гуруҳларини жойлашган ўлкаларига қараб тўрт гурухга бўлиб кўрсатади. Булар қуйидагилар: 1) Ила дарёсининг шимолида жойлашган этник гурух; 2) Хангай тоги этакларида Танну Олада жойлашган гурух; 3) Шарқий Туркистоннинг гарбий минтақаларида жойлашган этник гурух; 4) Тоҳаристонда ва Хиндистоннинг шимолий вилоятида вужудга келган этник гурухлари<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> «Худуд ал-алем» - рукопись Туманского с введением указателем В.В.Бартольда. – Л.: Изд. АН СССР, 1930. – С. 17.

<sup>2</sup> Григорьев В.В. Об Арабском путешественнике X-го века Абу Долефе и странствовании его по Средней Азии // ЖМНП. – СПб., 1872. -№9. – С. 30-35.

<sup>3</sup> Абулғозий Баҳодурхон. Шажарайи турк / Қ. Муниров нашри . – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б. 32.

<sup>4</sup> Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.– Б. 340.

Бу этник гурухлар ичида энг катта кучга ва нуфузга эга бўлгани Ила дарёсининг шимолида жойлашган қаруқлар эди. Қарлуқларнинг бу гурухи учта катта қабиладан иборат эканлигини аввал ҳам айтган эдик. Юқорида келтирилган бу маълумотларга суюнган ҳолда айтиш мумкинки «қарлуқ» номи бу – алоҳида бир қабиланинг номи эмас, балки бир неча қабилаларнинг бирлашмасига умумий ном сифатида қўлланилган номдир. Чунки агарда биз тарихий манбаларни синчиклаб ўрганиб эътибор берадиган бўлсак, илк ўрта асрларда жуда кўплаб туркий қабилалар мавжуд бўлган. Лекин улар ҳакида сўз кетганда қарлуқ, ўғуз, уйғур, қипчоқ қабилалари йирик қабилалар иттифоқи сифатида алоҳида тилга олиниб, уларга кенгроқ таъриф берилган<sup>1</sup>. Қарлуқ номи бир неча қабилаларни умумий бирлашмасига нисбатан қўлланилган ном бўлиб, мазкур қабилалар иттифоқи ижтимоий-сиёсий жараёнлар натижасида гоҳ тарқалиб кетса, гоҳ янги қабилаларни бирлаштириш ҳисобига кенгайиб борган. Қарлуқ атамаси эса дастлаб бир қабиланинг номи бўлган бўлиши мумкин. Лекин унинг кейинги давридаги, айниқса VIII асрдан бошланган хар томонлама олиб борган кенг фаолиятини ҳисобга олсак, уларни алоҳида бир қабила, деб тушуниш бизнингча тўғри эмас.

Демак, қарлуқлар аввал ҳам қайд этганимиздек 766 йилда туркашлар устидан ғалаба қозонгач, Еттисув ҳудудида ўзларининг йирик қабилалар иттифоқидан иборат бўлган давлатларини ташкил этишган. Қарлуқ қабилалар иттифоқи тузилган сана (766 йил) Қорахонийлар давлатининг пойдевори ўрнатилган вақтни ўзида ифода этади. Шундай экан бу даврдаги қарлуқ қабилалар иттифоқи ва унга вақт ўтиши мобайнида қўшилиб борган туркий қабилалар, турли этник гурухлар шу жараёнларнинг бевосита иштирокчиси ҳисобланади. Бу жараёнлар эса шу билан изоҳланадики, қарлуқлар Еттисувни эгаллаб, ўз ҳудудларини кенгайтириб, қўшни қабилаларни тобе этишгач, илгариги қабила сардори яъни жабгуни ваколат доираси ҳам

<sup>1</sup> Махмуд Коштарий. Девону луготит-турк / Индекс-лугат. Ф.А. Абдурахмонов., С.М. Муталибовлар таҳрири остида. – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 391-397; Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. – Б. 286.

кенгаяди. Аввалги даврда жабғу факат бир қабила иттифоқини бошқариб келган бўлса, эндиликда у ўзига қарашли бўлган ҳудудларда яшовчи бир қанча бошқа қабилалар ва турғун аҳоли жамоаларини ҳам бошқарган.

Кўриниб турибдики, қарлук қабилалар иттифоқи IX асрга келиб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда таркибий жиҳатдан бирмунча ўзгаришларга учраган. Аникроғи, бу даврга келиб қарлуклар ва уларга тегишли ҳудудларда яшовчи туркий қабилалар ҳаётида кескин бурилиш бўлган. VIII асрнинг охири - IX аср бошларида Еттисув, Шарқий Туркистоннинг ғарбий воҳаларида ва Фарғона водийсининг шимолида яшовчи туркий қабилаларда мулкий муносабатлар ривожланиб, қабилалар ўртасида ўзаро рақобат ҳам кучайиб борган. Бунда қабилалар иттифоқига қарашли вилоятларга эгалик килиб келаётган айрим қабила сардорлари ўзларига тегишли ҳудудлардан келаётган фойда натижасида, тобора бойиб боришган. Бунинг оқибатида қабила сардорларининг жабғуга итоат этмаслик ва ўзбошимчаликка интилиши ҳам кучайган.

Бу эса ўз навбатида қабилалар ўртасида турли низоларга сабаб бўлиб турган. Аммо бу даврда қабилаларда бирлашишга бўлган интилиш, ҳаётий эҳтиёж даражасида кучайиб борган. Уларнинг ягона ва йирик давлат тузишлари учун имкониятлар ва шарт-шароитлар пишиб етилган эди. Натижада, жуда кўп қабилаларни бир иттифокга уюшиши билан, янги бир йирик давлатга асос солинди. Ўз навбатида бу давлатни энди жабғу эмас, балки чинакам ҳукмдор «ҳоқон» бошқара бошлаган. Ҳоқон эса илгариги жабгулардан, яъни қарлуклардан чиқсан бўлиши мумкин. Ҳоқон сулоласи қарлук қабиласидан чиқсан экан, мазкур давлатни юзага келишида айнан шу қабиланинг ҳиссаси катта бўлганлиги шубҳасизdir. Бироқ бу Қорахонийлар давлатини юзага келишида факат қарлук қабиласи иштирок этган, деган маънени англашмайди. Балки бу йирик давлат кўпгина туркий қабилаларни бирикиб, уюшиб бориши натижасида ҳосил бўлган.

Қорахонийлар давлатида қарлуқлардан сўнг, чигил ва халач қабилалари ҳам сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил этган этник гурух ҳисобланади. Чигиллар Махмуд Кошғарий асарида асосий ўринни эгаллаган. «Девон»да ёзилишича чигил қабиласи қадимий қабилалардан бўлиб, Искандар Зулқарнайн Мовароуннахрга юриш қилганида айнан шу қабилаларга дуч келган<sup>1</sup>. Махмуд Кошғарий чигилларни уч хил туркий қабилалар номи билан қайд этган<sup>2</sup>. Албатта, унинг бу фикрини чигиллар уч гурухга бўлинib, турли ҳудудларда яшайди, деб тушуниш керак. Асарда уларнинг ҳар бирини жойлашган ўлкаларини келтириб ўтган. Биринчи чигил этник гурухи Барсағон шаҳрининг қўйисидаги Қиёс шаҳарчасида яшаган, иккинчи гурух Тароз шаҳрида яшовчи чигиллар ва ниҳоят учинчиси Қошғар яқинидаги қишлоқларда истиқомат қилувчи чигиллар<sup>3</sup>.

Чигилларнинг бу даврдаги асосий машғулоти чорвачилик бўлиб, уларнинг асосий даромади ҳам қорамол, қўй-эчки ва от-йилқилардан иборат бўлган. Табиийки кўчманчи чорвадор ҳисобланган чигиллар ўтовларда, капаларда яшашган. Лекин бу қабиланинг барчаси ҳам кўчманчи чорвадор бўлмаган. Чунки юқорида қайд этилган шаҳар ва қишлоқларда яшовчи чигиллар қисман деҳқончилик ва хунармандчилик билан ҳам шуғулланишган. Чигил қабиласи, Қорахонийлар давлати ҳаётининг барча жабҳаларида муҳим рол ўйнаган. Буни уларнинг тотеми бўлган «арслон» атамасини ҳокон номларида унвон сифатида қўлланишидан ҳам билсак бўлади. Улардан тузилган алоҳида ҳарбий бўлинмалар ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳоқоннинг ҳарбий юришларида фаол иштирок этиб келганлар<sup>4</sup>.

Қорахонийлар давлати таркибидаги яна бир нуфузли туркий қабила бу – халаchlардир. Халач қабиласи қарлуқ қабилалар иттифоқи ва кейинчалик

<sup>1</sup> Махмуд Кошғарий. Девону луготит-турк. 1-жилд. – Б. 374.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

<sup>4</sup> Ўша жойда. – Б. 487.

Қорахонийлар давлати ҳәтида аҳамиятли ўринда турувчи қадимий туркий-забон этнослардан ҳисобланади.

Маҳмуд Кошғарий маълумотларига кўра, ҳалачларнинг икки гуруҳи Еттисувда жойлашган<sup>1</sup>. Абулғозий маълумотларида эса Хурасонда ҳам ҳалачларнинг айрим гуруҳлари жойлашганлиги қайд этилган<sup>2</sup>. Кўриниб турибдик, ҳалач қабиласи ҳам чигиллар каби гурух-гурух бўлиб, бир неча худудларда яшаганлар. Лекин уларнинг асосий қисми VIII-X асрларда Еттисув, Тароз шаҳри яқини, Чигил шаҳри ва Қошғар атрофида истиқомат қилишиб, Қорахонийлар давлати сиёсий ҳәтида катта рол ўйнаб келишган. Кейинчалик, улар Мовароуннаҳрнинг марказий вилоятларига ҳам кириб келиб, турғун аҳоли билан аралашиб, ўтроклашиб борганлар.

Қорахонийлар давлатининг этник таркиби ҳақида сўз кетганда тўҳси қабиласини четлаб ўтиш мумкӣ эмас. Тўҳси этник гуруҳи ҳам туркий қабилалардан биридир. Улар асосан Иссиккўл жанубида Қиёс шаҳрида яшаганлар<sup>3</sup>. Маҳмуд Кошғарий уларни яғмо, чигил қабилалари билан яқин ва ўзаро аралаш ҳолда яшаганлигини қайд этиб, уларни тил хусусиятларини изоҳлагандан ҳам ҳар вақт чигил, яғмо ва тўҳсининг тил хусусияти деярли бир хил, деб кўрсатади<sup>4</sup>. Асарда мазкур қабилаларни касб-корида ҳам яқинлик борлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Жумладан, Маҳмуд Кошғарий «биста» сўзига изоҳ берар экан, шундай деб ёzádi: «Биста четдан келган савдогарни уйга қўндиради, молларини сотиб беради, сотгунча ўзини ҳам, молларни ҳам боқади: Кетар вақтида мол бошига маълум ҳақ олади. Мен буни чигил, яғмо, тўҳсиларда ўзим кўзим билан кўрдим»<sup>5</sup>.

Умуман олганда, асарда тўҳси қабиласини чигил, яғмо қабилалари билан ўзаро бирга истиқомат қилиши, уларни тили, феъл-атфори ва турмуш-тарзи

<sup>1</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит-турк. 3-жилд. – Б. 422.

<sup>2</sup> Абулғозий Баходурхон. Шажарайи турк. – Б. 31.

<sup>3</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит-турк. 1-жилд. – Б. 342.

<sup>4</sup> Ўша жойда. 1-жилд. – Б. 93.

<sup>5</sup> Ўша жойда. 3-жилд. – Б. 52.

яқинлиги ҳақида маълумотлар берилган бўлиб, тўхсиларни чигил, яғмога яқин, лекин уларга нисбатан сон жиҳатдан кичикроқ қабила эканлигини кўрсатган.

Тўхси қабиласи хусусида Гардизий асарида ҳам маълумотлар келтирилган бўлиб, Гардизий уларни туркаш қабиласидан, деб қайд этади<sup>1</sup>. Албатта, унинг бу ахборотини тўхсилар туркаш қабиласидан эмас, балки туркашлар Еттисувда ҳокимиятни қўлга олган вақтда, уларга тобе қабилалардан бири бўлган, деб тушунсак тўғри бўлади. Кейинчалик карлуклар Туркашлар давлатини тасарруф этгач, туркашлар ва уларнинг итоатидаги қабилалар қатори тўхсилар ҳам энди, ўз навбатида қарлук қабилалар иттифоқи таркибиға келиб қўшилишган. Демак, кейинчалик уларнинг барчаси улкан Қорахонийлар давлатини ташкил этишда қатнашишган.

Қорахонийлар давлати таркибидаги яна бир катта қабилалардан бири бу – аргу қабиласидир. Аргу қабиласи қадимий туркий қабилалардан бири ҳисобланади. Мазкур қабилани Н.А. Аристов басмил қабиласи билан бир қабила, деб ёзиб, унинг фикрича аргу ва басмил бир қабиланинг икки хил номланишидир<sup>2</sup>. Лекин Маҳмуд Кошғарий ўз асарида аргу ва басмил қабилаларини алоҳида ҳолатда тилга олган ва таърифлаган<sup>3</sup>.

Агарда биз туркий қабилаларни этник тарихига назар солсак, ҳар бир қабила ўзига хос тарихий воқеа-ҳодисаларни бошдан ўтказган. Айрим йирик қабилалар бирлашиб, давлат ташкил этганда, қўшни қабилалар уларни таркибиға сингиб, ҳатто этник номини ҳам ўзгартирган. Баъзи ҳолларда ижтимоий-сиёсий воқеалар таъсирида ягона бир қабила бир неча гурухларга бўлиниб, турли худудларга тарқалган ҳодисалар ҳам бўлиб турган. Бу эса уларни асли бир қабиладан бўлса-да, номланишини ўзгариб боришига сабаб бўлган.

Демоқчимизки, ҳозирги кунда ҳар бир туркий қабила ва этник гурухларнинг келиб чиқиши тарихини ўрганиш анча мураккаб масалалардан ҳи-

<sup>1</sup> Бартольд В.В. Извлечение из сочинений Гардизи. «Зайн ал-ахбар». Соч. Т. VIII. – С.62.

<sup>2</sup> Аристов Н.А. Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности // «Живая старина». – СПб., 1896. Вып. III-IV. – С. 365.

<sup>3</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит-турк. Индекс-лугат. – Б. 391-392.

собланиб, уларнинг баъзилари ҳақида биз жуда кам маълумотга эгамиз. Шунинг учун юқоридаги фикрларга асосланиб айтиш мумкинки, аргу ва басмил қабиласи бир қабилани икки хил номи бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Махмуд Қошғарийнинг айтишича, аргу қабиласи асосан Исфижоб ва Боласағун шаҳри ўртасидаги қишлоқ ва шаҳарларда яшаб жуда катта нуфузга эга бўлган<sup>1</sup>. Асардаги маълумотлардан англаш мумкинки, аргу қабиласи ҳозирги Чимкентдан Тўқмоқгача бўлган худудларда ва бутун Фарғона водийсида истиқомат қилган бўлиб, улар мамлакатни идора қилинча ҳам иштирок этишган. Лекин аргу қабиласи XI асрга келиб, илгариги мавқеини йўқотади. Шундай бўлса-да, аргулар юқорида кўрсатилган худудларда яшаб келишган. Аргуларнинг умумий тарихига эътибор берадиган бўлсак, улар VI асрнинг ўрталаридан VIII асрнинг биринчи ярмида Туркий ҳоқонлиги таъсирида бўлган бўлса, VIII асрнинг ўрталарига қадар Туркаш давлатининг тасарруфида яшаган. 766 йилда эса қарлуқ қабилалар иттифоқи таркибиға кирган. Кўриниб турибдики Туркий ҳоқонлиги ҳам Туркаш давлати ҳам ва ундан кейин ташкил топган Қорахонийлар давлати ҳам ўз этник таркибиға кўра кетма-кет равишда мазкур ўлкалардаги туркий қабилаларни ўз худуди доирасида уюштириб ягона давлат сифатида фаолият кўрсатишган.

Умуман олганда, Қорахонийлар давлати таркибида юқорида номи зикр этилган қабилалардан ташқари жумул, қай, ямак, ябаку, қангли, аз, уз каби кўплаб бошқа қабилалар ҳам мавжуд бўлган.

Қабила масаласи жамият, давлат тарихида катта аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳодисадир. Қабилалар ва уларнинг сиёсий, ижтимоий-иктисодий ҳаёти ҳамда маданий тараққиёти, бирлашганлик даражаси мавжуд давлатнинг равнақини таъминлаган. Шунинг учун ҳозирги кунда туркий давлатлар тарихини ўрганишда унинг таркибидаги ҳар бир қабиланинг тарихини ҳам ўрганиш зарур бўлмоқда. Чунки ҳар бир қабила давлатнинг сиёсий, ижтимоий-иктисодий ҳаётида маълум даражада ўз ўрнига эга бўлиб,

<sup>1</sup> Махмуд Кошғарий. Девону лугатит-турк. 1-жилд. – Б. 66.

уларнинг ёрдамисиз хукмрон сулолалар ҳам ўз сиёсий фаолиятларини олиб бориши, мумкин эмас эди.

Давлатни ташкил этишда, туркий қабилалар асосий негиз бўлган бўлса, унинг кейинги давр мобайнидаги тараққиёти Мовароуннахрнинг ўтрок маҳаллий аҳолисига ҳам ҳар жиҳатдан боғлиқ бўлиб келган. Қорахонийлар давлати таркибида фақат кўчманчи ёки ярим кўчманчи туркий қабилалар эмас, балки ўтрок ҳалқ вакиллари ҳам кўпчиликни ташкил этган. Айникса, Қорахонийлар давлати 1040 йилда Ғарбий ва Шарқий ҳоқонликга бўлинниб кетгач, Ғарбий ҳоқонлик Мовароуннахрдан иборат бўлган. Мовароуннахр эса бу турғун яшовчи туркий ва форсийзабон ҳалқлардан иборат ҳудуд хисобланади. Бу ҳудудда шарқнинг машҳур Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Термиз каби шаҳарлари ўлканинг ҳам иқтисодий ҳам маданий маркази сифатида энг бой шаҳарлари эди. Шунинг учун Ғарбий ҳоқонлик, Шарқий ҳоқонликга нисбатан бирмунча тараққий этган бўлиб, бу албатта воҳа ҳалқларининг меҳнати натижаси эди.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб, ҳоқонликни ташкил этишда ва бошқаришда қайси қабила асосий этник қатлам хисобланганлиги масаласи ҳакида ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдиришак.

Қорахонийлар давлатида қабилаларнинг ўрни ва роли турлича бўлиб, уларнинг давлатни сиёсий бошқарувидаги иштироки ҳам шунга маълум маънода боғлиқ бўлган. Тарихий жараёнлар эса бир хил кечмаган, албатта. Дастлабки даврда нуфузли кучга эга бўлган қабилалар, кейинги давларга келиб, ўзини илгариги мавқеини йўқотган ёки бошқа бир қабилалар билан кўшилиб аралashiб кетган ҳодисалар табиий жараён сифатида юз берган. Бунинг оқбатида, қабилаларнинг давлат ҳаётидаги таъсир кучи маълум даражада ўзгариб турган. Айтмоқчимизки, Қорахонийлар давлати ўзининг узоқ тарихий даврига эга экан (766-1212), унинг тарихини холисона ўрганиш учун давлат таркиbidаги барча қабилаларга алоҳида эътибор бериш зарур, деб ўйлаймиз. Чунки биз ўрганаётган бу ҳоқонлик қабилаларнинг ўзаро

худудий уюшмаси сифатида барпо этилган. Шунинг учун унинг таркибидаги ҳар қайси қабила катта-кичиклигидан қатъий назар давлат фаолиятида ўз ўрнига эга бўлган.

Қорахонийлар давлати таркибидаги қабилалар ва уларнинг мамлакатни сиёсий жараёнларидаги иштироки хусусида тадқиқотчи олимлар қабилаларнинг ўрнини турлича белгилашган. Улар орасида албатта ушбу давлатни ташкил этишда қарлуқларнинг ҳиссаси катта эканлигини эътироф этган олимларнинг (В.В. Григорьев, Н.А. Аристов, О. Прицак, К.Ш Шониёзов) фикрлари эътиборлидир. Бу борада ўзгача фикр билдирган тадқиқотчилар ҳам (В.В Бартольд, О.К. Кораев) оз эмас. Биз уларнинг асарларини ўрганиш давомида шу нарсага амин бўлдикки, улар ҳоқонликни қайси қабиладан чиққан сулола вакиллари бошқарган бўлса, ўша қабилани давлатни юзага келишида ҳам асосий рол ўйнаган, деган қарашларини англашимиз мумкин.

Ваҳоланки, Қорахонийлардек йирик бир давлатни юзага келишида ва унинг фаолиятида бир ёки икки қабиланингина иштироки бўлмаган. Бу давлат дастлаб қабилалар иттифоқи даражасида бўлган бўлса, кейинчалик бу иттифоқга яғмо, аргу, тўҳси каби кўплаб қабилалар қўшилгандан кейингина қабила иттифоқининг сон ва нуфузи ошиб, Қорахонийлар давлати барпо этилган. Юқорида келтирилган ҳар бир қабила шарҳида ҳам бу тарихий жараёнларни кузатган эдик. Шунинг учун ҳам туркий давлатларни давлатчилик тараққиёти босқичлари ва унинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олсак, бу масалани янада теран англаган ва тушунган бўлар эдик. Афсуски, айрим тадқиқотчи олимлар масалани шу жиҳатини ҳисобга олмаган ҳолда, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишган. Натижада, давлат тарихига доир айрим муаммолар янада чигал тусга кириб қолган.

Хулоса ўрнида айтсак, Қорахонийлар давлати қабилаларнинг ўзаро иттифоқи-уюшмаси асосида ташкил топган. Ушбу давлатни юзага келишини биргина қабилага оид, деб тушуниш ва изоҳлаш бизнингча тўғри эмас. Албатта, давлатда қайсидир қабила катта мавқега эга бўлган, лекин давлатни

яшовчанлик қобилияти ва куч-кудрати шу давлат таркибидаги барча қабилалар ўртасидаги келишувга ҳамда уларнинг иттифокининг мустаҳкамлигига ҳар жиҳатдан боғлиқ бўлган.

Қорахонийлар давлати дастлаб қарлуқ қабилалар иттифоқи негизида вужудга келган экан (766 йилда), мазкур қабилалар иттифоқи кейинчалик кенгайиб бориб, худуддаги барча қабилаларни бирлаштиргач йирик давлат даражасига қўтарилиди. Шунингдек, унинг таркибидаги қабилаларнинг сон ва нуфузини ошиб бориши ҳамда Мовароуннахрнинг тургун аҳолиси билан этник-маданий, иқтисодий алоқалари натижасида улар ўртасида аралашиб бориш жараёни кучайган. Бу жараёнлар эса давлат бошқарувида ҳам маълум бир сиёсий тадбирлар ва ислоҳотларга сабаб бўлган, яъни давлат бошқарувида энди қабилалар манфаати эмас, балки худудда яшовчи барча кўчманчи ва ўтрок аҳолининг ҳам манфаатлари ифода этилган.

Демак, Қорахонийлар давлати, қарлуқ ҳоқонлари бошчилигига жуда кўп қабилалар уюшмасидан ташкил топиб, ўз таракқиёти давомида Шарқий Туркистон, Еттисув ва Мовароуннахрдаги кўчманчи ва ўтрок турмуш тарзига эга бўлган халқларни ўзаро ягона худуд доирасида бирлаштириди. Ҳоқонлик таркибидаги айрим қабилалар кучли этник-маданий жараёнларда қатнашиб, маҳаллий аҳолига сингиб, ўзларининг этник номларини унутишсада, мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий-иктисодий ва маданий жабҳаларидаги ривожланишида ўз ўрни ва аҳамиятига эга бўлган

## 2-БОБ. ҚОРАХОНИЙЛАРНИНГ ОЛИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ХОКИМИЯТ БОШҚАРУВИДА ДАВЛАТ УНВОНЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШ ТАРТИБИ

### **2.1. «Қорахон» атамаси ва давлатнинг номланиш масаласи**

Маълумки, Ўрта Осиёда юзага келган кўпгина туркий давлатлар ўз номларини сулола асосчиси номи билан боғлашади. Мисол учун, ашиналийлар, салжуқийлар, темурийлар ва бошқа сулолаларда сулола бошловчисининг номи давлат номи сифатида ҳам кўлланиб келинган.

Лекин бу анъана доимо бир хилда такрорланмаган. Айрим ҳолатларда давлатни сулола номи билан эмас, балки ўша давлатни бошқарган ҳоқонларнинг улуғловчи унвон ва даража номлари билан ҳам атаб келишган. Жумладан, биз ўрганаётган мазкур Қорахонийлар давлатининг номланиш масаласи шу жиҳатлари билан ажралиб туради.

Бу масалада шарқшунос олим В.В. Григорьев ўз асарларида давлат хукмдорларининг номида улуғловчи унвон сифатида «қора», «қорахон» атамаси кўп маротаба такрорлангани туфайли мазкур давлатни шартли равища «Қорахонийлар давлати», давлат хукмдорлари наслабарини эса «Қорахонийлар сулоласи» деб кўрсатган эди. Ундан кейин бу иборалар бир қанча бошқа тадқиқотчилар томонидан ҳам такрорланиб, улар тарих сахифаларида мустаҳкам ўрнашиб қолди<sup>1</sup>.

Ушбу келтирилган қайдлардан кўриниб турибдики, давлат номидаги «қора», «қорахон» атамаси бу хукмрон доиранинг наслабини англатмаган, балки шу сулоланинг ҳоқонлари номига қўшиб айтилган улуғловчи унвонлардан бири бўлган экан. Шу ўринда «қора» атамасига изоҳ берсак. «Қора» сўзи қадимги туркийларда «улуг», «буюк», «улкан» деган

<sup>1</sup> Григорьев В.В. Караканиды в Мавераннахре по Тарихи Мунаджимбаши в османском тексте // ТВОРАО.– СПб., 1874. Ч. XVIII. – С. 189-258; Бу ҳакда яна каранг: Цмаг Soner Hunkan. Türk hakanlığı. – İstanbul, 2007. – S. 84; Шониёзов К.Ш. Қарлук давлати ва карлуклар. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 5.

маъноларни англатган<sup>1</sup>. Албатта, бу сўз бошқа бир неча маъноларда ҳам ишлатилаверган. Лекин биз фикр юритаётган «қорахон» атамасидаги «хон» бу маълум тушунча, яъни давлат ҳукмдори – ҳоқони бўлса, «қора» атамаси эса «улуг», «буюк», деган маъноларда ишлатилган. Демак, «қорахон» атамаси бу «улуг хон», «буюк хон», яъни хонлар-хони, султонлар-султони деган тушунчани билдирган.

Биз туркий қавмларда кенг ишлатилган мазкур «қора» атамасини «улуг», «буюк», «улкан», «катта» деган маъноларда қўлланилишини бошқа мисоллар орқали ҳам кузатишимиш мумкин. Масалан, туркийларда «қоракуш» сўзи мавжуд бўлиб, у бир неча маъноларда келса-да, мазмун жиҳатдан бир маънони англатган<sup>2</sup>. Жумладан, «қоракуш» бу – йиртқич кушлардан бургутнинг номи бўлиб, бургут ҳақиқатдан ҳам кирғийлар оиласига мансуб, йирик, кучли ва чаққон қуш ҳисобланади.

Туркийлар айни вақтда, сайёralардан Муштариини ҳам «Қоракуш» номи билан атаганлар<sup>3</sup>. Бизга маълумки, Муштарий бу – Юпитер сайёрасининг шарқона номи бўлиб, қуёш тизимидаги тўққиз сайёранинг ҳажми жиҳатдан энг каттасидир. XV асрларга келиб сайёрани «Саъди Акбар», яъни буюк сайёра, деб аташгани ҳам юқоридаги маълумотларга маъно-мазмун жиҳатдан тўла мос келади<sup>4</sup>.

Қорахонийлар давлатининг пойтахти бўлган Боласагун шаҳрининг ҳам бир неча номлари бўлиб, одатда уни «Қора Ўрда», деб аташ ҳам расм бўлган<sup>5</sup>. «Қора Ўрда» ибораси бу ўринда «буюк хон» Қорахоннинг унвонига нисбатан мос ва ҳамоҳанг келувчи улуғвор ном бўлиб, у одатда ҳоқоннинг пойтахт шаҳри, улуғ ўрдаси, яъни бош қароргоҳи маъноларини англатади.

<sup>1</sup> Древнетюркский словарь / Составители Т.А. Боровкова., Л.В. Дмитриева и др. – Л.: Наука, 1969. – С. 422.

<sup>2</sup> Махмуд Кошгари. Девону луготит-турк / Индекс-лугат. Ф.Абдурахмонов ва С.М. Муталибовлар таҳрири остида. – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 350.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – Б. 350.

<sup>4</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан тарж. Ю.Ҳакимжонов., нашрга тайёр. ва масъул мухаррир. А. Ўринбоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 515.

<sup>5</sup> Шониёзов К.Ш Қарлук давлати ва қарлуклар. – Б. 39.

Одатда хон ўрдаси, энг олий бош қароргоҳ бўлиб, давлат ҳаётига доир барча асосий, катта масалалар шу ерда ҳал этилган. Шунинг учун ҳам ҳукмдорнинг пойтахт шаҳри шунга муносаб равишда улуғвор ном билан аталгани табиийдир.

«Буюк», «улуг», «улкан» ва «катта» маъноларини англатувчи «қора» атамаси бошқа жой номларида ҳам кўп учрайди. Жумладан, Қора Ҳисор (Корасарой), Қоракурум (Мўғуллар империясининг улуғ ўрдаси, қароргоҳи), Қорақум (Ўрта Осиё жанубида жойлашган Осиёдаги энг катта қумли чўллардан бири) ва ҳоказо. Умуман олганда, юкорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, «қора» атамаси ҳақиқатдан ҳам «улуг», «буюк» маъноларида кенг қўлланилиб келинган.

Энди асосий масалага келсақ, Қорахонийлар давлатининг ҳозирги кундаги айнан шундай номланици ҳам ўзига хос тарихга эгадир. «Қора», «қорахон» атамалари «улуг», «буюк» маъноларида Қорахонийлар давлати ташкил бўлгунга қадар туркийларда аввал ҳам қўргина хон номлари ўрнида қўлланиб келинган. Демоқчимизки, «қорахон» номидаги унвон факат қорахонийлар давридагина амалда расм бўлмаган, балки ундан олдинги даврда ўтган бошқа туркий сулола ҳоқонларининг номларида ҳам биз бу атамани учратишимиз мумкин. Жумладан, Хитой манбалари асосида ёзилган А.Хўжаев, К.Хўжаевларнинг «Қадимги манбаларда ҳалқимиз ўтмиши» номли рисоласида баён этилишича, 621 йил Шарқий Туркий ҳоқонлигининг ҳукмдори Чулук-ҳоқон (Чулук-қаған 619-621) оламдан ўтгач, ўрнига укаси Шили ҳоқон қилиб тайинланади (621-630) ва унга Қорахон номи берилади<sup>1</sup>. Демак, Шили ҳоқон ўз номига «қорахон» унвонини қўшиш билан «улуг хон» хисобланган. Бу эса ушбу унвонни ўша даврнинг расм-русмига кўра давлатчилик анъанаси сифатида қадрланганлиги ва ҳоқон номларида унвон сифатида кенг равишида қўлланганлитини тасдиқлайди.

<sup>1</sup> Хўжаев А., Хўжаев К. Қадимги манбаларда ҳалқимиз ўтмиши. – Тошкент: Маънавият, 2001. – Б. 26.

Тарихий манбаларда ҳам қадимги туркий подшолар номи ўрнида «қорахон» атамаси кўп маротаба такрорланади. Масалан, Абулғозий «Мўғулхон ўлар бўлғонида улуг ўғли Қорахонни ўз ўрнида қўюб кетди», деб ўз асарида Ўгузхоннинг отаси сифатида таърифланган Қорахон номли хонга кисқача тўхталиб ўтган<sup>1</sup>.

Демак, туркий сулолаларда ҳоқон номларида «қорахон» унвони Қорахонийлар давлати давригача мавжуд бўлиб келган. Лекин шундай бўлсада, ушбу атама унвон сифатида қорахонийлар даврига келиб барқарор тусга кириб борган. Чунки қорахонийлар салтанат даражасига эришиб, куч-кудратга тўлган давр, яъни X асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб барча давлат ҳоқонлари «қорахон» унвони билан улугланган.

“Қорахон” атамаси ва давлатнинг номланишига доир масалаларни чукур ва теран англаш учун ўша даврнинг тарихий жараёнлари асосида кечган давлатчилик бошқарувининг тадрижий ривожи, тизимишлигига эътиборни қаратсак масала бирмунча ойдинлашади. Чунки ушбу давлатнинг номланиш тарихи ҳам худди шу жараёнларга ва давлатнинг этник асоси, таркибий хусусияти ҳамда давлат бошқаруви тизими билан бевосита боғлиқдир.

Биз Қорахонийлар давлати тарихини диссертациямизнинг дастлабки қисмида кўриб ўтганимиздек узоқ тарихий тараққиёт босқичларини ҳисобга олиб, уни икки муҳим босқичга бўлган эдик. Бунга кўра биринчи босқич – VIII асрнинг 60 йиллари - IX асрнинг биринчи ярмини ўз ичига олади. Бу босқичда ҳокимият «Қарлук давлати» номи билан юритилган. Чунки Қорахонийлар давлати тизимининг юзага келиши ва шаклланиши қарлуқларнинг қабила иттифоқи негизи асосида ташкил топган эди. IX асрнинг ўрталаридан қарлук, чиғил, яғмо, тўҳси, уйғур, ўғуз ва бошқа туркий қабилаларнинг ҳарбий иттифоқи юзага келиши билан давлат янада кенгайиб, куч-кудрати ортган. Энди ушбу давлатни илгаригидек қабила иттифоқи сардори бўлмиш жабғу эмас, балки чинакам қудратли салтанат ҳукмдори

<sup>1</sup> Абулғозий Баҳодурхон. Шажарайн турк. – Б. 17.

«буюк хон», яъни қорахон бошқара бошлайди. Давлатга қарашли бўлган барча эл-юрт, вилоят ҳокимлари, яъни «элоқхон» ва «тегин» унвонидаги кишилар ҳам қорахонга итоат этишган.

Илк ўрта асрларда ташкил топган бу улкан туркий салтанат XI-XII асрларда нихоятда ривожланган. Бу давр эса Қорахонийлар давлати тарихининг иккинчи босқичи ҳисобланади. Бу вақтга келиб барча иттифоқдош қабилалар давлат бошқарувида ўз ўрни ва хукуқига эга бўлган. Давлат туркий қабилаларнинг йирик иттифоқи, уюшмаси асосида тузилгани учун қабила тотемлари билан боғлиқ унвонлар, масалан чигил қабиласининг тотеми «арслон»хон, яғмо қабиласининг тотеми «буғра»хон каби унвонлар ҳоқон номларига қўшиб айтилган. Бу албатта ўша қабилаларнинг давлат ҳаётидаги юксак ўринни англатади. Лекин шу ўринда давлат таркибидаги барча кўчманчи ва турғун аҳолини бирлаштириб турувчи, уларнинг энг катта ҳукмдори «буюк хон» маъносида «қорахон» атамаси улуғвор унвон сифатида ҳоқон номларида кўлланган. Давлатнинг номини ҳам шунга муносиб равишда «Қорахонлар давлати», деб аташ расм бўлган. Албатта давлатнинг номини ўз даврида манбаларда факат мазкур ном билан аташмаган. Балки ўша даврда давлат номи ўрнида бошқа иборалар ҳам ишлатилиб келинган. Жумладан, Қорахонийлар давлати даврида яшаб фаолият кўрсатган йирик тишлинос олим Маҳмуд Кошғарий Қорахонийлар давлати таркибидаги туркий қабилаларнинг умумий сўзлашув тили ҳакида сўзлаётуб, кўпчиликка тушунарли тилни «Ҳоқония» тили, деб ёзган<sup>1</sup>. Бу ерда муаллиф кўпчиликка тушунарли тил, деб бевосита давлат номини яъни «Ҳоқония» сўзини ҳам қайд этмоқда.

Маҳмуд Кошғарийнинг бу маълумотларига асосланган ҳолда фикр юритадиган бўлсак, маълумки, IX-XI асрларда Қорахонийлар давлати таркибida жуда кўп туркий қабилалар истиқомат қилишган. Уларнинг ҳар бирида эса ўз қабилавий тил лаҳжаси мавжуд бўлган. Лекин давлат миқёсида

<sup>1</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит-турк. 1-жилд. – Б. 66.

деярли барчага тушунарли умумий диалект бу қарлук-чиғил лаҳжаси асосида вужудга келган қарлук-чиғил шеваси эди. Маҳмуд Кошғарий худди шу жараённи назарда тутиб, ҳоқонликдаги асосий сўзлашув тилини айтиш баробарида давлатнинг номини ҳам «Ҳоқония» ўлкаси, деб таърифлаб ўтган.

Маҳмуд Кошғарий Қорахонийлар давлатини «Ҳоқония» ўлкаси деб атаган бўлса, шу даврнинг бошқа манбаларида ушбу давлатни турлича номлар билан аташган. Бунда биз аксарият ҳолларда Қорахонийлар давлати хусусида сўз кетаётганида давлатнинг шу давридаги ҳукмдорининг номидаги улугловчи унвонлари билан аталганини кўзатишимиш мумкин. Айтиш мумкинки, асар муаллифлари давлатни таърифлаб ўтаётганида, бунда яшаётган қабилалар ҳаёти, турмуш-тарзи ва давлатнинг сиёсий, ижтимоий-иктисодий аҳволини тилга олиб ўтган ҳолда, давлат номини ҳам бевосита шу вактда ўлкани бошқараётган ҳукмдор номи ўрнида кўлланган улуғловчи унвонлар номи билан атаб кетаверишган.

Бунга ўша даврда ёзилган манбалардан мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Юсуф Ҳос Ҳожиб ўзининг «Қутадгу билиг» асарининг муқаддима қисмида тангрига келтирилган ҳамду санодан сўнг, қўйидаги жумлаларни битган: «Мочин олимлари донишмандлари бир қарорга келдиларки, Машриқ вилоятида, Туркистон элларида Буғрахон тилида бирор кимса ҳаргиз бу китобдан яхшироқ (китоб) ёзган эмас»<sup>1</sup>. Келтирилган бу қайдларга эътибор берсак, ундаги «Буғрахон тилида» деган иборадан ҳам англаш мумкинки, бу ерда Қорахонийлар ҳоқонининг унвони билан бирга шу давлатнинг ўзи ҳақида ҳам сўз кетмоқда. Чунки ҳеч бир ҳоқонинг факат ўзига тегишли маҳсус бир сўзлашувчи тили бўлмаганки, у тилдан алоҳида асарлар яратилса. Шунинг учун биз асардаги «Буғрахон тилида», деган жумлани Қорахонийлар давлати ва унда яшовчи аҳолининг умумий сўзлашувчи тили, деб тушунишимиз мумкин.

<sup>1</sup> Юсуф Ҳос Ҳожиб. Қутадгу билиг. – Б. 49.

Юқорида келтирилган барча мълумотларни умумлаштирадиган бўлсак, Қорахонийлар давлати дастлаб шакланаётган даврида (766 йил — IX аср ўрталари) қарлук қабилалар иттифоқи даражасида бўлганлиги ва хукмдор сифатида жабгу томонидан бошқарилганлиги туфайли «Қарлук давлати» номи билан аталган. Кейинчалик давлат таркибий жиҳатдан бошқа туркий қабилалар ҳисобига кенгайиб боргач, унинг давлат бошқарувида ҳам энди биргина қабилалар иттифоқи эмас, балки унинг таркибидаги барча кўчманчи ва тургун аҳоли ҳам иштирок эта бошлади. Натижада, давлат хукмдори номида «буғрахон», «арслонхон» ва «қорахон» каби улуғвор унвонлар пайдо бўлди. Қабила тотеми билан боғлик унвонлар давлатни жуда кўп туркий қабилалар иттифоқи асосида юзага келганлигини англатса, «қорахон» унвони эса бу ўринда умумлаштирувчи маънода келиб, давлат таркибидаги барча аҳолини бирлаштириб турувчи ва уларнинг Энг катта «буюк хон»и, деган мазмунни ўзида ифода этган. Шунинг учун давлат номи ўрнида «Хоқония ўлкаси», «Буграхон давлати» каби иборалар ишлатиб келинган. Лекин юқорида айтиб ўтганимиздек «қорахон» атамаси бу ўринда ҳам ҳокон унвони, ҳам давлат номи ўрнида кўпроқ қўлланган ва шу сабабли у давлатнинг муҳим барқарор номига айланиб борган.

Бугунги кунда кўпгина тадқиқотчилар ушбу давлатни номлашда ўз таклифларини илгари суришган. Жумладан, К.Ш. Шониёзов Қорахонийлар давлатини «Қарлук давлати» номи билан юритишни мақсадга мувофиқ, деб топган<sup>1</sup>. Тадқиқотчининг мазкур давлатни «Қарлук давлати» деб комлаганига эътиборни қаратсак, бунда олим давлатни ташкил этишда қарлук қабиласининг юксак аҳамиятини назарда тутганлигини англаш мумкин. Албатта, давлатни шаклланиши асосан қарлук қабилалар иттифоқи негизида юз берди. Биз ҳам бежизга давлат тарихининг биринчи босқичини (766 йил—IX аср ўрталари) «Қарлук давлати» номи билан атамадик. Лекин давлат тарихининг кейинги босқичида унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий

<sup>1</sup> Шониёзов К.Ш. Қарлук давлати ва қарлуклар. — Б. 159.

жиҳатдан тараққиётини ҳисобга оладиган бўлсак, узоқ тарихга эга бўлган (766-1212 йил) Қорахонийлардек йирик бир давлатни тўлиқ равишда аввал ҳам айтганимиздек, биргина қабила номи билан номлаш бизнинг фирмизча тўғри эмас. Қорахонийлар давлатини номлашда туркиялик олим Умар Сонер Ҳункан тамомила ўзгача фикр билдириб ўтган. У ўзининг мазкур давлат тарихига боғишлиган йирик монографиясида давлат номини «Турк хоқонлиги» деб атайди<sup>1</sup>. Аммо биз ушбу фикрга қўшила олмаслигимизни аввал ҳам тарьидлаган эдик.

Юкорида келтирилган барча фикр-мулоҳазаларга суюнган ҳолда, Қорахонийлар давлатини биз «Қарлук-Қорахонлар давлати» номи билан аташни таклиф этамиз. Чунки ушбу давлатнинг оддий қабилалар иттифоқи даражасидан буюк салтанат даражасигача эришганлиги ва давлат сифатида тарихий жиҳатдан катта даврий босқичда фаолият юритганлиги бунга асос бўла олади, деб ўйлаймиз. Шунингдек, давлат номидаги “қорахонийлар” сўзидағи “ий” қўшимчаси ҳам ноўрин қўлланилиб келинмоқда. Чунки “қорахон” атамаси юкорида айтиб ўтганимиздек, бу. – ҳукмдор, сулола номи ёки жой ва қабила-уруг номи ҳам эмас. Бу давлат бошқарувида қўлланилган ҳукмдорнинг олий унвонидир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, туркий қабилаларда «қора», «қорахон» атамалари «улуг», «буюк» маъноларида кенг қўлланиб келинган. Мазкур атама давлатчилик тарихида ҳам ўз мазмун-моҳиятига эга бўлиб, давлат бошқарувида муҳим аҳамият касб этган. Қорахонийлар давлатининг номланишида ушбу «қорахон» атамасининг мавжудлиги ҳам давлатнинг, ҳам шу давлат ҳукмдорларининг буюклигига ишора бўлган.

Демак, «қорахон» атамаси бу давлатчилик тарихи билан бевосита боғлиқ бўлиб, у давлатнинг юксалиш тарихи, тараққиёт босқичлари ва бошқарув тизимини такомиллаштириб боришда ўз мазмун-моҳиятига эга бўлган.

---

<sup>1</sup> Umar Soner Hunkan. Türk hakanlığı. – İstanbul, 2007. – S. 84.

## **2.2. Ҳоқонликининг марказий давлат бошқарувида қўлланилган «буғрахон», «арслонхон» ва «тавғачхон» унвонларининг ўрни**

Қорахонийлар давлати улкан салтанат даражасига эришганидан сўнг, (XI-XII аср) унинг давлат бошқарувида ҳам ўзига хос тартиб-қоидалар юзага келди. Бу давлат бошқарувига оид тартиб-қоидалар туркӣ ҳалқларнинг давлатчилик тажрибасида аввалдан мавжуд бўлиб келган бўлса-да, уни мазмун-моҳият жихатдан янгича йўсинда такомиллаштиришда қорахонийлар катта ҳисса қўшишиди.

Қорахонийлар давлатининг давлат бошқарувини биз асосан икки поғонали тизимга бўлдик. Унга кўра биринчи поғона марказий давлат бошқаруви ҳисобланиб, уни одатда «олий ҳокимият», деб аташ мумкин. Иккинчи поғонани эса «маҳаллий ҳокимият» ташкил этган. Ўз ўрнида у ҳам бир неча босқичга бўлинади. Қорахонийлар давлати тепасида бутун олий ҳокимиятни ўзида мужассам этган «буюк хон», қорахон турган. Ҳоқон номларида унвон сифатида «қорахон» атамаси билан бирга «буғрахон», «арслонхон» ва «тавғачхон» каби бошқа улуғвор унвонлар ҳам бирдай қўлланилган. Бу унвон сифатида қўлланилган атамаларнинг баъзилари қабила тотемлари билан боғлиқ бўлса, баъзилари эса мазмун жихатдан юксак нуфуз ва даражани англатган.

Биз қуйида давлат ҳукмдори номида унвон сифатида қўлланилган мазкур атамаларнинг ҳар бири хусусида алоҳида атрофлича тўхталиб ўтишни жоиз, деб топдик. Чунки унвон сифатида қўлланган бу атамалар шунчаки жарангли ном бўлмасдан, балки шу даврнинг ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий ҳаётини ҳам ўзида акс эттирувчи чуқур мазмунга эга бўлган.

Тарихдан маълумки, диний эътиқод инсон фаолиятида қадимдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Инсон дастлабки вақтда ўзининг турмуш-тарзи ва меҳнат жараёнини ривожлантириб бориш билан биргаликда диний қарашларини ҳам шакллантириб борди. Кейинчалик инсон ҳаётида сиёсий,

ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг тараққиёти давомида бу диний қарашлар эндиликда бутун қабила, элат ва халқларнинг ўзаро боғлаб турувчи узвий эътиқодига айланади.

Биз диний эътиқодни инсоннинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ ҳолда тасвирламоқдамиз. Чунки ҳар бир халқнинг онгига шаклланган бу диний қарашларнинг таъсирини бевосита шу халқнинг оддий турмуш-тарзидан тортиб, то унинг давлатчилик анъаналарида ҳам кузатишими из мумкин. Бу ҳодисадан туркий халқлар ҳам мустасно эмас, албатта. Туркий қавмлар ўз сулолалари бошчилигида кўплаб давлатларни ташкил этиш баробарида, ўзларига хос бўлган диний дунёқарашиб билан боғлиқ удумларини шу давлатчилик анъаналарида ҳам қўллаб келишган. Жумладан, Корахонийлар давлатчилиги тарихида ҳоқон номига турли улуғловчи унвонлар қўшиб айтилган. Бу унвонларнинг аксарияти эса қабила тотемлари билан боғлиқ бўлиб, қабиланинг ибтидоси ҳисобланган тотем номи унвон сифатида ҳоқон номи ўрнида қўлланилган.

Маълумки, Корахонийлар давлати ташкил топгач, ўзининг сиёсий фаолиятини давом эттираётган вақтда Мовароуннахр ва унга туташ ҳудудлар аҳолисининг асосий қисми ислом динига ўтган эди. Ислом дини айнан шу даврларда ўз ривожланишининг юксак чўққисига кўтарилиб, алоҳида маданият тусига кириб борди. Бу жараёнлар эса, ўз навбатида Корахонийлар давлати таркибидаги туркий қабилаларга ҳам таъсир этиб, Мовароуннахрнинг ўтроқ аҳолиси билан этник маданий алоқалар натижасида улар ҳам аста-секин ислом динини қабул қила бошлишди. Шундай қилиб, ислом дини кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли орасида ҳам кенг таркалди. Мовароуннахр ва Хоразм ўлкаларида, уларнинг атрофида яшовчи чорвадор қабилалар турғун аҳоли билан деярли бир вақтда ислом динига ўтган эдилар. Сирдарё соҳилида ва унинг шимолидаги минтақаларда яшовчи кўчманчи қабилалар эса IX-X асрлар давомида ислом динини қабул қилганлар. Биргина 960

йилнинг ўзида 200 минг хонадон, яъни туркий аҳоли ислом динига ўтган эдилар<sup>1</sup>.

Қорахонийлар давлати раҳбарлари ҳам ислом дини аҳамиятини чуқур тушуниб етган ҳолда, ислом маданияти ривожига раҳнамолик қилишди. Жумладан, Сатук Қорахон туркий хонларнинг ичидаги биринчи бўлиб ислом динини қабул қиласи ва шундан кейин унинг мусулмонча номи Абулкарим (тўлиқ номи ва унвони Абулкарим Сатук Қорахон) бўлади. Сатук Қорахон даврида қарлуқ, чигил, халаҷ, яғмо ва бошқа қабилалар бирин-кетин ислом динига ўтишган<sup>2</sup>. Бу ҳодиса албатта давлатнинг бирлашувида ҳам катта аҳамиятга эга бўлган.

Биз сўзни бевосита Қорахонийлар давлати таркибидаги аҳолини ислом динига ўтиш жараёнидан бошладик. Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари ва қабила тотемларига боғлиқ жиҳатлари бор.

Гап шундаки, туркий халкларда қадимдан мавжуд бўлиб келган Кўк тангри дини, шомонлик эътиқоди ва тотемистик қарашларнинг излари айнан шу даврларда, яъни Қорахонийлар давлати ислом динига тўлиқ ўтган вақтда ҳам туркий қабилалар онгида сақланиб келган. Бунинг тасдигини эса биз хон унвонларида акс этган тотем номларидан ҳам кузатишмиз мумкин.

Ислом дини туркий қабилалар онгида эски диний қарашлар уйғунлиги асосида ривожланиб, ўзига хос хусусият касб этган. Туркий қабилалар шу даврга қадар сиғиниб келган Кўк тангри, шомонлик ва тотемистик қарашлар бу вақтга келиб барҳам топган бўлса-да, унинг белгилари сақланиб қолган.

Юқоридаги мулоҳазага таяниб айтиш мумкинки, бу жиҳатлар бевосита Қорахонийлар давлатининг хукмдорлари номида ҳам уйғунлашган, яъни Қорахонийлар ҳоқонлари исломий исм билан биргаликда эски диний қарашлар асосидаги қабилалар тотемларига боғлиқ номлар билан ҳам улуғланиб келинган.

<sup>1</sup> Бартольд В.В Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. – М.: Наука, 1968. Соч. Т. V. – С. 69-74.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

Маълумки, туркий қабилаларда қадимдан тотемистик диний тасаввурлар мавжуд бўлган. Ҳар бир қабиланинг ўз тотеми бўлиб, бу ўша қабиланинг оддий фикрлашини англатмайди, балки улар ўз ўтмишини билишга интилганликларини билдиради.<sup>1</sup> Бунга кўра улар ўз ўтмишини бирор тотемга боғлаб, у ҳақда турли диний қарашларни юзага келишига сабаб бўлган. Бу борада туркийлар кўп ҳолларда бўри, арслон, тонга, буғра каби ҳайвон номларини тилга олишади. Ушбу ҳайвон номлари нафакат тотем сифатида қадрланган, балки шу қабила сардорларининг улдабуронлиги, шижаоти, абжирлиги, мардлиги ва қудрати каби сифатлари ҳам шу ҳайвонларга қиёсланган ҳолда таърифланган.

Шунинг учун туркий хонларнинг номлари ва унвонларини тилга олганда, бўри, арслон, тонга, буғра каби тотем билан боғлиқ улуғвор унвонларни учратамиз. Бу ҳодиса барча туркий давлатларда бўлгани каби Корахонийлар давлати ҳукмдорлари номларида ҳам мавжуд бўлган.

Корахонийлар ҳоқонлари «буғра» унвони билан улуглангани ҳақида юқорида қайд этган эдик. «буғра» атамасининг маъноси ҳақида манбаларда турли хил фикрлар мавжуд. Жумладан, бу ҳақда Махмуд Кошғарий «буғра – эркак тужа. Буғрахон исми ҳам шундан олингандир», деб маълумот беради<sup>2</sup>.

Бугунги кунда кўпгина тарихий асарларда «буғра» – бу икки ўркачли тужа маъносига келади, деб қайд этилган<sup>3</sup>. Бу хусусида А.Р. Муҳаммаджонов эса «буғра» – бу оғир юқ кўтарадиган бичилган тужа маъносини англатади, дея фикр билдирган<sup>4</sup>.

Маълумки, «буғра» яғмо қабиласининг тотеми ҳисобланади. Яғмо қабиласи эса чорвадор бўлиб, кўчманчи ҳаёт тарзига эга бўлган. Кўчманчилик турмуши албатта машаққатли бўлиб, ўз чорва молларини воҳама-воҳа, манзилма-манзил ҳайдаб юриш осонликча кечмаган. Бунда мавжуд сиёсий,

<sup>1</sup> Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. – Б. 90-91.

<sup>2</sup> Махмуд Кошғарий. Девону луготит-турк. 1-жилд. – Б. 397.

<sup>3</sup> Кореев О. История Караканидского каганата. – С. 90.

<sup>4</sup> Муҳаммаджонов А.Р. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б. 110.

ижтимоий-иктисодий зиддиятлар ҳам барча кўчманчи қабилалар учун оғир кечиб, улар ўзи яшаб турган ҳудудларни тез-тез ўзгартириб туришга, баъзан эса кимсасиз қумлюқ чўлларда узоқ вақт қолиб кетишларига тўғри келган.

Ушбу қабилаларнинг диний эътиқоди ҳам мана шундай мушқул оғир вазиятда шаклланиб, улар қайсиdir жонзотларни шундай шароитда ўзларига бўлган кўмаги учун тотем сифатида муқаддас санаб, эътиқод қўйишган. Тотем, яъни ўз аждодларининг ибтидоси сифатида ҳам кўпинча айнан шу ҳайвонни танлашган.

Демак, яғмо қабиласининг тотеми ҳам шу асослардан келиб чиқсан ҳолда «буғра» ҳисобланган. «Буғра» бу – тия ҳайвони эканлиги аниқ. Лекин ҳар қандай тия ҳам тотем бўлавермаган. Чунки юқорида келтирилган турмуш шароитида кўпроқ оғир юк кўтарадиган нортуюлар катта аҳамиятга эга бўлган. Бундай тиялар сирасига эса бичилган эркак тияларни киритиш мумкин. Уларнинг юк кўтариш куввати ва чидамлилик даражаси ҳам оддий бичилмаган ва ургочи тияларга нисбатан юқори бўлган. Кўриб турганимиздек, бу масалада А.Р. Мухаммаджоновнинг фикрларини тўғри, деб ҳисоблаш мумкин. Ҳақиқатдан ҳам «буғра» бу – оғир юк кўтарадиган, бичилган тия бўлиб, тиянинг каттаси, яъни нортая ҳисобланган.

Кўчманчи чорвадор яғмо қабиласи бежизга бу кучли ҳайвонни ўзларига тотем-ибтидо сифатида танлашмаган. Албатта, ўша даврда тия узоқ, машаққатли йўлларда тегишли манзилга етказиб борувчи транспорт воситаси сифатида ҳам жуда қадрланган.

Шундай қилиб, «буғра» – бу оғир юк кўтарувчи бичилган тия бўлиб, яғмо қабиласининг тотеми ҳисобланган, кейинчалик Қораҳонийлар давлати ҳоқонлари номига унвон ўрнида кўлланилган. Лекин «буғра» атамасини унвон ўрнида қачондан бошлаб, нима учун ҳоқон номида кўлланилгани ҳақида манбаларда аниқ айтилмаган. Қораҳонийлар давлати тарихини ўрганиш жараёнида биз ҳоқон унвонидаги «буғра» атамасини асосан кейинги

даврларда, яъни давлат ташкил топган вақтларда эмас, балки X асрнинг 2-ярмидан кейинги даврда кўпроқ кузатамиз.

Аниқроқ қилиб айтганда, қорахонийлар номида бу унвон асосан Сатук Буғра Қорахон (930-955) давридан бошлаб кўпроқ учрайди. Унинг авлодларининг деярли барчасининг номида ҳам бу атамани учратамиз (Хорун Буғрахон, Мұхаммад ибн Юсуф Буғрахон, Иброҳим ибн Наср Буғрахон ва бошқалар). Бу ходисани эса кўпгина муаллифлар Қорахонийлар давлатини бевосита яғмолар томонидан ташкил этилганлиги ҳақидаги нотўғри илмий қарашлар билан боғлашади. Бу ҳақда ишимизнинг олдинги сахифаларида ҳам айтиб ўтганимиздек, айрим тадқиқотчилар Сатук Буғрахонни Қорахонийлар давлатининг бошловчиси, давлатга эса яғмо қабиласи асос солган, деб кўрсатишган. Агарда ҳақиқатдан ҳам Сатук Буғрахон давлат асосчиси бўлган тақдирда ҳам, давлатни яғмолар ташкил этган, деган фикрлар асоссиздир. Чунки Сатук Буғрахон – бу дастлаб қайд этганимиздек, қарлук ҳукмдори бўлмиш Билга Кул Қодирхоннинг невараси эди. Шу ўринда, бир мулоҳазали савол туғилади. Нима учун «буғра» атамаси яғмо қабиласи ибтидоси ҳисобланса-да, давлат ҳукмдорлари қарлуқлардан бўла туриб, ушбу унвон билан улуғланган?!

Бу мураккаб, чигал масалада К.Ш. Шониёзов қўйидагича фикр билдиради: «Тилга олинган атамалар (буғра, арслон – Б.М) мавжуд бир қабила (чиғил ёки яғмо)нинг ўнгони (тамғаси) бўлмаган. Бу атамалар давлатни бошқараётган хоннинг жамиятда тутган ўрнига, мавкеига, маҳоратига ва ислом динига бўлган муносабатларига қараб берилган бўлиб, уларни номларига қўшиб айтилган»<sup>1</sup>.

Тадқиқотчининг фикрига кўра «буғра» – бу факат яғмо қабиласига тегишли тотем бўлмаган. У фикрини давом эттириб, ушбу унвон бошқа хоқонларда ҳам мавжуд бўлганлигини мисол тариқасида келтириб ўтади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Шониёзов К.Ш. Қарлук давлати ва қарлуқлар. – Б. 42.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б. 42-43.

Олимнинг бу қайдлари албатта эътиборга молик бўлиб, ҳар бир тотем номи билан боғлик бу унвонлар бошқа туркий қабилаларга ҳам бегона эмаслигини англатади. Лекин бизнинг назаримизда, қорахонийларда бу унвоннинг ҳоқон номларида мустаҳкам ўрин эгаллашига сабаб бўлган бошқа жихатлар ҳам мавжуд.

Демокчимизки, «бугра» атамаси бошқа қабила ҳоқонлари номида ҳам унвон сифатида ишлатилган бўлиши мумкин, лекин Корахонийлар давлатига хон номидаги бу улуғловчи сифатнинг кириб келишига яғмо қабиласи сабаб бўлганлиги эҳтимолга яқинроқдир. Бу билан биз «бугра» унвони яғмо қабиласига тегишли экан, демак подшолар ҳам шу қабилага мансуб бўлган, демоқчи эмасмиз. Фикримизни давом эттирадиган бўлсак, давлат ҳукмдори номидаги бу унвон тотем сифатида қайси қабилага тегишли бўлса, шу қабиланинг мазкур давлат таркибида эканлигини тасдиқловчи ҳолатдир.

Яғмоларни аввал ҳам айтганимиздек, давлатда тутган ўрни жуда аҳамиятли бўлган. Уларнинг жанговарлик руҳиятига эга ҳарбий бўлинмалари сиёсий курашларда фаол қатнашиб келган. Яғмо қабиласи Корахонийлар давлати таркибида бўлиб келган бошқа қабилалар каби ўзаро этник-маданий алоқаларда иштирок этиб келишган. Бу жараёнларнинг натижасида улар ҳам аста-секин давлат бошқарувига оид мухим масалаларни ҳал қилишда қатнаша бошлашган. Айниқса, корахонийларнинг таҳт учун ўзаро курашларида яғмо қабиласининг ҳарбий қўшинлари ҳал қилувчи таъсир кучига эга бўлган.

Ушбу ҳолатларнинг барчасини умумлаштирган ҳолда айтадиган бўлсак, «бугра» унвони яғмоларнинг айнан шу давлатдаги фаол фаолияти натижасида хон номига қўшиб айтилган. Фикримизни тасдиги сифатида айрим мулоҳазаларимизни ҳам билдириб ўтадиган бўлсак. «Бугра» унвони юқорида айтганимиздек, Сатук Буграхон ва унинг авлодлари бўлмиш кейинги ҳоқон номларига асосан X асрнинг 2- ярмидан бошлаб қўшиб айтилган.

Ушбу жарангдор унвонни айнан шу даврдан бошлаб хон номларида учраши ҳам бесабаб эмас. Чунки X аср ўрталариға келиб, Корахонийлар давлати қўшни давлатларнинг заифлашуви (яъни Сомонийлар) ҳисобига ҳам илгарига нисбатан куч-кудрати анча ўсди. Ундаги мавжуд қабилаларнинг ўзаро уюшиши ягона қудратли ҳукмдор корахонийлар теварагида кечган. Энди бу давлатда бир ёки икки қабила аҳолиси эмас, балки барча қабилалар ўзаро бирикиб, давлат ҳаётида биргаликда фаолият юритишган. Қудратли ҳукмдор ҳам уларнинг барчасининг кўмагига муҳтоҷ бўлган, шу сабабдан корахонийлар ҳам қабилаларни бирлаштириб туриш, ҳам давлатни яхлит ҳолда тутиб туриш учун қабилалар ўртасидаги иттифокни саклашни ўз бурчлари, деб билишган. Шунинг учун ҳоқонлар қайси қабиладан бўлганигидан қатъий назар барча қабилаларни ўзига яқин тутиб, уларнинг давлатдаги аҳамиятини инкор этмаган ҳолда, шу қабилаларнинг тотемларини унвон сифатида ўз номлариға қўшиб айтишган.

Фикримизча подшолик даражасига қабила тотемларининг номлари билан нисбат берилиши, шу қабиланинг давлат ҳаётидаги ўрни билан боғлиқ бўлиб, «буғра» тотеми ҳам яғмо қабиласининг нуфуз ва даражасига кўра ҳукмдорлар номига унвон сифатида, бошқа улуғловчи унвонлар билан бирга қўшиб айтилган. Ушбу унвоннинг хон номларида қанчалик кенг йўсинда қўлланилганини шундан ҳам билса бўладики, тарихий манбаларда, баъзан корахонийлар сулоласини «буғрахонлар», давлатини эса «Буғрахон давлати», деб аташ расм бўлган. Кўриниб турибдик, ҳоқоннинг кўпдан-кўп улуғловчи унвонларидан бири бўлмиш биргина «буғрахон» атамасининг хон номларида қўлланилишининг ўзи шу даражада мунозараларга бойки, биз ҳам ушбу масалада изланишни ҳали яна давом эттиришни ният қилиб қоламиз.

Корахонийларда ҳоқонлар «буғра» унвони билан бирга «арслон» унвони билан ҳам улуғланган. «Арслон» (Шер) – бу ўз номидан ҳам англатиб турибдик, ҳайвонот дунёсининг подшоси, ҳукмдори сифатида таърифланиб келинади. Туркий ҳалқлар ҳам қадимдан бу ҳайвонга эътиқод қўйишиб,

ўзларининг қудратли ҳукмдорлари номларини шу ҳайвон номи билан атаб келишган. Манбаларда «арслон» номи чигил қабиласининг тотеми, деб берилган. Лекин нафақат чигил қабиласида, балки бошқа турк қабилалари ҳам ушбу ҳайвонни муқаддас тутишган. Кўпгина афсоналарда ҳам арслон номи тилга олиниб, унинг тимсолида қудрат, шижаат, эпчиллик ва ҳукмдорлик рамзи акс эттирилган.

Шундай қилиб, «арслон» тотеми ҳам унвон ўрнида қорахонийларнинг ҳукмдорлари номига қўшиб айтилган. Масалан, Сатук Буграхон ўғилларидан бири – Бойтош (Мусо) Арслонхон ҳам шу унвон билан улугланган. Айнан шу Мусонинг авлоди бўлмиш «алийлар» Қорахонийлар давлати икки кисмга, яъни Ғарбий ва Шарқийга бўлинганда, Ғарбий қисмига ҳукмронлик қилишган.<sup>1</sup>

«Арслон» унвонини яна Сулаймон ибн Юсуф Қодирхон, Мұҳаммад ибн Наср каби хонларнинг номларида ҳам учратамиз. Умуман олганда, ушбу «арслон» атамасини тўғридан-тўғри ҳукмдор номи ўрнида қўлланилганини бошқа туркий сулола вакилларида ҳам кузатишимиш мумкин. Хусусан, салжуқийларнинг забардаст ҳоқони Алп Арслон (1063-1072), ануштегинийлардан Абулфатҳ Эл Арслон (1156-1172), газнавийлар сулоласининг сўнгги вакилларида бўлмиш Арслоншоҳ (1116-1119) каби ҳукмдорлар шу улуғвор ном билан аталган<sup>2</sup>.

Албатта, «арслон» тотеми ҳам унвон ўрнида келиб шу ҳукмдорнинг обрў-эътибори, шон-шуҳратини англатган. Лекин бу дегани, ушбу номдаги хонлар доимо номига яраша шукухли бўлавермаган. Масалан, манбаларга мурожаат қилсак, Абулғозийхон қуйидаги тарихий воқеани қайд этган: «Ул вақтда Қарлукнинг подшоҳи Арслонхон теган эрди. Ул Кубилай нуёнга кўшилиб, ўзининг қизини бош қилиб кўп пешкашлар билан келиб, хонни кўрди. Таки онт ичди то ўлгунча бандаликдин бўйнимни тўлғамайин теб.

<sup>1</sup> Шониёзов К.Ш. Қарлук давлати ва карлуклар. – Б. 47.

<sup>2</sup> Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 313-314.

Хон тақи ўз жамоатидин бир қиз берди. Иноят ва шафқат қилиб қайтарди. Тоқи Чингизхон бекларина боқиб айтди: Муни нечук Арслонхон теб бўлур. Бу кундин сўнг муни Арслон сайроқ тесунлар теб ҳукм қилди<sup>1</sup>. Ҳақиқатдан ҳам шу даврда (XIII аср бошлари) Ила дарёси соҳилидаги Қарлук давлати ҳукмдори бўлган Арслонхон Чингизхон олдига бош эгиб борган.

Унинг бундан бошқа мақбулроқ йўли ва имконияти ҳам йўқ эди. Бу билан у ўз қавмини муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолган эди. Чингизхон Арслон номини ўз ўрнида мустақил қудратли ҳукмдор, деб тушунгани учун унинг бу қилмишини, яъни итоаткорлигини назарда тутиб, Арслонхон номини камситиб «Арслон сайроқ тесунлар», деб буйруқ берган. Биз бу мисолларни келтириш орқали айтмоқчимизки, «арслон» атамаси унвон ва ном сифатида хон номларига шунчаки қўйилмаган, балки бу унвон ҳукмдорнинг арслон қаби ҳақиқий подшоҳлик қудратига эга бўлишини ният қилган ҳолда берилган.

Демак, Қорахонийлар давлатининг ҳоқонлари номларида «арслон» тотеми улуғловчи фахрий унвон сифатида келган. Шу ўринда «тонга» атамаси хусусида ҳам тўхталиб ўтсак. Негаки бу атама мазмун жиҳатдан «арслон» унвонига яқин бўлиб, у ҳам давлат ҳукмдорлари номида унвон сифатида кенг қўлланилган. Лекин ушбу атамани ҳозирги кунда тотем ўрнида қайси ҳайvon номини англатиши бироз баҳсталабдир. Маҳмуд Кошғарий ўз асарида «тонга» атамасини изоҳлар экан, уни шундай қайд этган: «Тонга шер ботир, баҳодир, филни ўлдирувчи энг кучли ҳайвондир»<sup>2</sup>. Лекин «девон»нинг бошқа бир жойида эса «тонга» сўзи ҳинд йўлбарси сифатида келтирилиб, айни пайтда, ушбу атама кишига лақаб, яъни унвон сифатида қўлланилиши ҳам кўрсатиб ўтилган<sup>3</sup>.

Умуман олганда, мазкур асардаги «тонга» атамасига оид бўлган маълумотларни умумлаштирадиган бўлсак, «тонга»ни йўлбарс ҳайвони сифа-

<sup>1</sup> Абулғозий Баходурхон. Шажарайи турк. – Б. 32.

<sup>2</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит-турк. З-жилд. – Б. 413.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – Б. 379.

тида тушуниш ҳақиқатга яқинроқ, деб ўйлаймиз. Қадимги туркий халқларда йўлбарс ҳақида турли асотирлар, фикр-у қараашлар ҳам мавжуд. Масалан, қадимги туркий адабиётнинг бир намунаси сифатида баҳоланганд «Ирқ битиги»да ҳам йўлбарсга даҳлдор бўлган ушбу таъбирномани учратамиз: «Йўлбарс кийик овига борди. У кўп ўлжа топиб инига хурсанд бўлиб келар дер, шундай билинглар: яхшидир бу», ёки яна «яширинган йўлбарсман, қамиш орасидадир бошим, шундай кучлиман, жасурман. Шундай билинглар: яхшидир бу»...<sup>1</sup>.

«Ирқ битиги»да бунга ўхшаш йўлбарсга оид таъбирлар кўп бўлиб, умуман бу шу даврга оид йўлбарс ҳақидаги тасаввурлардан дарак беради. Албатта, бу мисолларни келтириш орқали биз «тонга» атамаси айнан йўлбарсни англатади, деб қатъий хукм чиқармоқчи эмасмиз. Эҳтимол, бу хақда аниқроқ бўлган бошқа фикрлар ҳам бордир.

Қорахон номларида тонга лақаби бир неча кишида бўлган. Масалан, Сулаймон ибн Сатук Тонга Элок, Аҳмад ибн Али Тонга Қорахон, Наср Али ибн Тонга Тегин, Муҳаммад ибн Ҳасан Тонга Тегин ва бошқалар. Лекин «тонга» тотеми Қорахонийлар давлати таркибидаги қайси қабиланинг ибтидоси – тотеми бўлганлиги ҳақида манбаларда бирон-бир аниқ маълумотларни учратмадик. Бу тотем номи билан аталган хонлар эса қорахонийлар даврига қадар ҳам туркий сулолаларда хон номида унвон ўрнида кўплаб учрайди. Масалан, Туркий ҳоқонликнинг Тонга Али Дулухон (631-634), Тўнгшад-Ишбара Тўлисшад (634-639) каби хукмдорлари ҳам мазкур унвон билан улуғланган.

Туркий халқлар ўзларининг афсонавий қаҳрамони бўлган Афросиёбни ҳам туркий тилда Алп Эр Тонга, деб аташгани маълумдир<sup>2</sup>. Демак, «тонга» унвони факат қорахонийларгагина тааллуқли эмас экан. Унинг у ёки бу шаклда қўлланишини барча туркий қавмларда ҳам кузатишимиш мумкин. Бу

<sup>1</sup> Насимхон Раҳмон. Турк ҳоқонлиги. – Тошкент: А. Қодирий, 1993. – Б. 135-137.

<sup>2</sup> Махмуд Кошгари. Девону луготит-турк. З-жилд. – Б. 163.

эса туркий халкларнинг ўзаро ижтимоий мунъосабатларида, мафкуравий қа-  
рашларидаги ривожланишининг узвийлик асосида умумийлик ва  
алоқадорликда кечганлигини англатади.

Қорахонийлар фақат қабила тотеми билан боғлиқ унвонлар билан  
улугланмаган. Уларнинг номида нуфуз ва даражани англатувчи, мазмун  
моҳиятига кўра қадимдан ривожланиб келган туркий давлатчилик  
анъаналари билан боғлиқ бўлган унвонлар ҳам қўлланган. Бунга «ставғачхон»  
атамаси якқол мисол бўла олади. Бу атама унвон сифатида қорахонийлар  
номидаги энг улуғвор унвонлардан бири бўлган. Буни манбаларда  
келтирилган маълумотлардан ҳам билиш мумкин. Жумладан, Юсуф Ҳос  
Ҳожиб ўзининг «Кутадғу билиг» номли асарида ҳоқонга бағишлов  
қисмининг бошланишида хоннинг тўлиқ номини унвонлар билан бирга  
келтиради, яъни «Шавкатли, зафарли, мададли, ҳақиқат ва дин таянчи Товғач  
улуғ Буғра Қораҳон або Али Ҳасан бинни Арслонхон раҳматуллоҳи алайхим  
шашнига...», дея қайд этган<sup>1</sup>.

Шундай бўлса-да, «ставғачхон» атамасининг этимологик жиҳатдан  
мазмун-моҳияти нимани англатиши хусусида фанда маҳсус тадқиқотни ва  
яқдил бир тўхтамга келинган фикрни учратмадик. Аксарият асарларда  
«ставғачхон» атамаси «тамғачхон» шаклида ёзилиб, маъноси эса «хонлар  
хони», дея талқин этилган<sup>2</sup>. Лекин «ставғачхон» атамасини этимологик  
жиҳатдан таҳлил қилганда, ундан «хонлар хони», деган маъно келиб  
чиқмайди. Бу ҳақда кенгроқ мулоҳаза юритадиган бўлсак, маълумки Туркий  
ҳоқонлиги даврида «Тавғач», деб Хитойда ҳукмронлик қилган Тан сулоласи  
англанилган. Эҳтимол бунда Тан сулоласи томонидан эгалланган Хитойнинг  
шимолий-шарқий ва ғарбий ҳудудлари назарда тутилгандир. Чунки Тан  
сулоласи даврида (VII-IX аср) Хитой империяси куч-қудратга тўлиб, унинг  
ҳудудий чегаралари ҳам ниҳоятда кенгайиб борган.

<sup>1</sup> Юсуф Ҳос Ҳожиб. Кутадғу билиг. – Б. 73.

<sup>2</sup> Муҳаммаджонов А.Р. Ўзбекистон тарихи. – Б. 110.

Лекин биз бу ўринда Хитой империяси деганда, тўлиқ ҳолдаги ҳозирги Хитой давлати чегараларини тушунмаслигимиз керак. Бу даврда Тан империяси ҳозирги Хитойнинг жануби-шарқий худудларида жойлашган эди. Унинг шимоли ва ғарбидаги улкан худудларда эса жуда катта кўчманчи-чорвадор туркий қабилалар истиқомат қилишган. Ўз навбатида «буюк дашт», деб номланган бу худудларда Туркий ҳоқонлиги ҳукмронлик қилган<sup>1</sup>. Бу ҳоқонлик заифлашиб парчаланиб кетгач (VIII асрнинг биринчи ярми), бу худудларда ҳам Тан империясининг сиёсий таъсири кучайиб боради. Бу ерда жойлашган аҳолини эса имкон даражада хитойлаштириш ҳаракати авж олдирилади.

Албатта, империянинг шовинистик руҳдаги у сиёсати қисман бўлса-да амалда ўз натижасини берди. Лекин шимолий-ғарбий Хитойда жойлашган туркий қабилалар барибир ўзларида туркий руҳиятини сақлаб қолишиди. Шунинг учун ҳам кейинги даврларда, аникроқ қилиб айтганда, X-XI асрларда Хитой географик худудий жиҳатдан манбаларда учга бўлинган ҳолда тилга олиб ўтилган. Буни Маҳмуд Кошғарий томонидан келтирилган маълумотлардан ҳам билиб олишимиз мумкин. «Девон»да бу ҳақда кўйида-гича қайд этилган: «Чин аслида уттадир: 1) Юқори Чин – бу Шарқда бўлиб, бунга Тавғач дейилади; 2) Ўрта Чин, буни Хитой дейилади; 3) Куйи Чин, буни Бархан дейилади ва у Қашқардадир. Лекин ҳозир Товғачни Мочин, Хитойни Чин деб юритилади»<sup>2</sup>.

Келтирилган бу маълумотларни таҳлил этсак Чин, деб юритилган худудда Хитой халқи яшаган бўлса, Мочин, яъни Тавғачда эса туркий халқлар яшаган. Тарихий адабий асарларда эътироф этилган Чин-Мочин иборасидан англаш мумкинки, Маҳмуд Кошғарий томонидан қайд этилган Куйи Чин – Қошғар, яъни Шарқий Туркистон худудлари ҳам кейинчалик Мочин юртининг бир қисми сифатида таърифланган. «Девон»да ҳавола

<sup>1</sup> Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. – Б. 140-194.

<sup>2</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит-турк. 1-жилд. – Б. 423.

этилган дунё харитаси Мочин юрти уч томони денгиз билан үралган ҳолда тасвирланган. Уни Шарқда Япония билан денгиз орқали ажралиб турғанлигини кузатишимиш мумкин<sup>1</sup>.

Демак, биз Мочин деганда, Шарқий Туркистондан бошлаб то Манчжуриягача бўлган ҳудудларни тушунишимиз мумкин экан. Бу ҳудудларда эса юқорида айтиб ўтганимиздек асосан туркий қабилалар яшаган. «Тавғач» ва «тавғачхон» атамалари ҳам айнан шу тарихий жараёнлар билан бевосита боғлик эканлиги эса шубҳасиздир. Кўриниб турибдики, «тавғач» атамаси тарихий-географик ва этник атама сифатида жуда кенг қамровга эга эканки, у маъно ва мазмун жиҳатдан турли даврларда турлича шаклни ўзида ифода этиб келган. Корахонийлар даврига келиб хон номларида унвон сифатида ишлатилган мазкур атама ўз мазмунига кўра янада улуғвор тусга кириб борган.

Махмуд Кошғарий бу ҳақда мамлакати қадимги ва катта хон маъносидаги ҳукмдорларни «тавғачхон», деб аташни қайд этган. У шунингдек, «тат-тавғач» иборасига шарҳ берәтиб, унга «форс ва турк демакдир», дея изоҳ бериб ўтган<sup>2</sup>. Ушбу маълумотларни умумлаштирган ҳолда фикр юритадиган бўлсак, «тавғач» атамаси географик жиҳатдан ҳозирги Хитойнинг шимоли ва шимоли-ғарбини англатган. Бу ҳудудларда эса қадимдан асосан туркий қабилалар яшаб келишган. Корахонийлар давлати кенгайиб, аҳолиси таркибиға кўра жуда кўп туркий қабилаларни бирлаштириб, салтанат даражасига эришгач, давлат ҳукмдорлари ҳам анъанавий тарзда шунга муносиб равишида улуғвор унвонлар билан улуғланган. Уларнинг номидаги «тавғачхон» унвони ҳам ҳудди шу тарихий жараёнлар натижаси бўлиб, у «қадимги ва катта юртга эга бўлган барча туркий халқларнинг энг улуғ хони» деган маънони ўзида мужассам этган.

<sup>1</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит-турк. I-жилд. (харита).

<sup>2</sup> Ўша жойда. I-жилд. – Б. 423.

Шундай экан, «тавғачхон» атамаси туркий халкларда қадимдан мавжуд бўлиб, у ўзининг узоқ даврий тарихи мобайнида ўз мазмун-моҳиятини турли тарзда ифода этган, Корахонийлар даврида эса бу атама ҳоқон номларида мартабали унвон сифатида кенг ишлатилган.

Диссертациямизнинг ушбу қисмига хулоса сифатида айтиш мумкинки, Корахонийлар давлати ҳоқонлари номларида улуғловчи унвон сифатида акс этган қабила тотемлари ва хукмдорнинг нуфузи ҳамда даражасини оширувчи фахрий унвонларнинг ҳар бири ўз маъноси, моҳияти ва аҳамиятига эга бўлган. Бу шу унвон соҳиби бўлган ҳоқоннинг нафақат обрў-эътиборини англатган, балки бу унвонларнинг туб замини, асоси, туркий, давлатчилик тарихи билан бевосита боғлиқ бўлиб, у шу давлатнинг ижтимоий-мафкуравий ҳаётини ҳам ўзида акс эттирган.

Биз кўриб ўтган барча ҳоқон унвонлари ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ бўлиб, бу узоқ жараёнлар мобайнида ривожланиб келган. Дастлаб, бу уруг, қабила тотеми унвон сифатида шу қабиланинг ўзида кўлланган бўлса, кейинчалик қабилалар иттифоқи давлат даражасига қўтарилигач, бир қабилага тегишли тотем энди бутун қабилаларни бирлаштириб, уюштириб турган ҳоқоннинг номида фахрий унвон ўрнида кўлланган тотемлар (буғра, арслон, тонга) давлат таркибидаги қабилаларнинг ҳоқон сиёсатида муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатади. Лекин ушбу давлат ўзаро қабилалар иттифоқидан ташкил топган уюшма бўлганлиги учун, улар ўртасидаги тенглик, ҳамжиҳатлилик ва иттифоқчилик шартларидан келиб чиққан ҳолда, ҳоқон номларига «буюк хон», «улуг хон» мазмунини берувчи умумий «қорахон» унвони қўшиб айтилган. Бу ўринда «қорахон» унвони билан бирга «тавғачхон» унвони ҳам тенгма-тенг равишда кўлланилган.

### **2.3. Маҳаллий ҳокимият бошқарувида «элоқхон» ва «тегин» унвонларининг қўлланилиши ҳамда уларнинг вазифаси**

Ҳар бир йирик давлатда бўлгани каби қорахонийлар ҳам марказий давлат бошқарувидан ташқари маҳаллий ҳокимият бошқаруви тизимиға эга бўлган. Шарқий Туркистон, Еттисув, Фарғона водийси ва Мовароуннаҳрнинг марказий ҳудудларини қамраб олган бу улкан салтанатни бошқаришда қуйи ҳисобланган маҳаллий ҳокимият бошқаруви катта аҳамият касб этган. Маҳаллий ҳокимият бошқаруви ҳудудий жиҳатдан эл-юрт ва вилоятларга бўлиниб, уларни «элоқхон» ва «тегин» унвонидаги кишилар бошқарган. Бу унвон эгалари ўзларига бириклирлган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий равнаки учун масъул бўлиб, бу борада улар олий ҳукмдор «қорахон»га итоат этишган.

«Элоқхон» ва «тегин» атамалари шу давр тарихига доир манба ва адабиётларда гарчи кўп маротаба тилга олинса-да, уларнинг этимони ва мазмун-моҳияти хусусидаги масалалар фанда ҳанузгача баҳсталаб бўлиб келмоқда. Шу сабабли биз ишимизнинг мазкур қисмида асосан давлат бошқарувига оид бўлган бу юксак мартабали унвонлардан ҳисобланган «элоқхон» ва «тегин» атамаларининг мазмун-моҳияти ҳақида фикр-мулоҳазалар юритмоқчимиз.

«Элоқхон» атамаси тарихий-адабий асарларда кўп учраса-да, унинг этимони хусусидаги бирон-бир аниқ маълумотни кўрмадик. Рус тилида битилган илмий-тарихий асарларда ушбу атама «илекхан» тарзида ёзилган бўлса<sup>1</sup>, бошқа асарларда эса ушбу атама «илекхон», «эликхон», «илоқхон» ва «илигхон» каби турли шаклларда қайд этилган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Бартольд В.В Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. – М.: Наука, 1968. Соч. Т. V. – С. 70; Федоров М.Н. Политическая история Средней Азии в конце X-XI веках по данным Караканидской нумизматики: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Тошкент: ИИА АН УзССР, 1968. – С. 16-17.

<sup>2</sup> Ўзбекистон ССР тарихи / И.М.Мўминов таҳрири остида. – Тошкент: Фан, 1974. – Б. 79;Faфуров Б.Ф. Тожиклар. – Душанбе: Ирфон, 1983. – С. 539 (тожик тилида); Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 108.

«Элоқхон» атмасининг мазмун-моҳияти хусусига келсак, айтиш мумкинки, ҳар бир атаманинг қўлланилиши ўз даврининг сиёсий, ижтимоий-иктисодий воқелигидан келиб чиқади. «Элоқхон» атамаси ҳам Қорахонийлар давлатида давлат бошқаруви тизими билан боғлиқ бўлиб, бу атама эл-юрт ҳокимлари номида унвон сифатида қўлланилган. Аввал ҳам қайд этганимиздек, Қорахонийлар давлат бошқарув тизимида энг юқорида «корахон» унвонидаги «буюк хон» турган. Ундан кейинги погонани эса эл-юрт, улус ҳокимлари, яъни биз фикр юритаётган «элоқхон» унвонидаги кишилар эгаллашган<sup>1</sup>. Эл-юрт эса ўз навбатида вилоятларга бўлиниб, вилоятларни «тегин» унвонли шахслар бошқарган<sup>2</sup>.

Демак, салтанат бир неча эл-юрт, улусларга бўлинган бўлса, шу худудларни «буюк хон» Қорахоннинг ноibi сифатида «элоқхон» унвонидаги кишилар бошқаришган. Бу унвон-марtaba эгалари ўзларига тегишли худуднинг ҳар томонлама ривожланишига жавобгар бўлиб, бу борада олиб борилган ишларга раҳнамолик қилишган. «Элоқхон» унвони фақатгина сулола хонадонига мансуб кишиларгагина берилган. Мазкур унвон эгаси нуфуз ва даражасига кўра «корахон»дан кейинги иккинчи ўринда турган. Туркий ҳоқонлиги даврида эса ҳоқондан кейинги ўринда «жабғу» турад эди. Жабғулар ҳам фақатгина сулола хонадонига мансуб кишилардан чиқсан.

Кўриб турганимиздек, биз бунда туркий давлатчилик аъналарининг узвий боғлиқликда кечган ривожини кузатишими мумкин.

Энди келтирилган шу фикр-мулоҳазаларга асосланган ҳолда «элоқхон» атамасини этимологик жиҳатдан таҳлил этадиган бўлсак, бу атама учта компонентдан, яъни «эл-оқ-хон»дан иборат эканлигига амин бўламиз. Бундаги «эл» ва «хон» сўзлари ўз-ўзидан маълум, яъни эл бу – қабила, элат, ҳалқ маъносида келса, хон – бу ҳукмдор, яъни шу элнинг, ҳалқнинг ҳукмдори – хони, деган мазмунни билдиради. “Оқ” сўзи хусусида эса Маҳмуд

<sup>1</sup> Муҳаммаджонов А.Р. Ўзбекистон тарихи. – Б. 113.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б. 113-114.

Кошгарий ўз асарида уни ер ва бошқа нарсаларнинг маълум бир ҳиссасини, қисмини ажратиб, белгилаб берувчи маъноларини англатишини таъкидлаб ўтган<sup>1</sup>. Бундан келиб чиқадики бу сўз бирон - бир ҳудуднинг маълум бир қисмини англатиши мумкин экан.

Қадимда туркийларда «қора» атамаси «буюқ», «улуг», деган маънони билдиришини ва Қорахонийлар давлатини ҳам «қорахон» унвонидаги «буюк хон» бошқарғанлигини назарда тутсак, бу ерда иккита атама, яъни «оқ» ва «қора» сўзларини бир вақтда ишлатилганлигини кузатамиз. Албатта, бу ўринда «оқ» ва «қора» сўзлари рангни ифодаламайди. Бунда нуфуз ва даражани англатувчи маъно ва мазмун мужассам бўлиб, «қорахон» – бу айтиб ўтганимиздек, энг катта хон, яъни «буюк хон» ҳисобланади. «Оқ» атамаси эса ундан кейинги даражада турувчи ҳукмдорларнинг унвонига қўшиб қўлланилган. Айтмоқчимизки, «эл-оқ-хон» бу – «эллинг-кичик-хони», Қорахондан кейинги «кичик хон», деган маънони англатмоқда. Бу унвон эгалари эса, юқорида таъкидлаганимиздек ўзларига берилган маълум бир ҳудуднинг ҳокими ҳисобланган.

Албатта, «элоқхон» унвонидаги сулола хонадонига мансуб бўлган хонзодалар кейинчалик ўз фаолиятлари давомида салтанат таҳтига ўтириб, «қорахон» унвонини ҳам олиши мумкин бўлган. Лекин уларнинг номида унвон сифатида «элоқхон» атамаси ишлатилаверган. Қорахонийлар давлати ҳукмдорларидан ушбу унвон соҳиблари кўплаб учрайди. Булардан Сулаймон Тонга Элоқ, Хорун ибн Сулаймон Элоқ ва бошқа хонларни мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин.

«Элоқхон» атамасини биз нафақат Қорахонийлар давлати тарихида, балки жой номларининг ўрнида ҳам учратишимииз мумкин. Масалан, ҳозирги Тошкент вилоятининг жанубий қисми, Оҳангарон дарёсининг ҳавзаси тарихий вилоят сифатида «Элоқ» (Илок), деб аталган. Ушбу вилоят қадимдан

<sup>1</sup> Махмуд Кошгарий. Девону луготит-турк / Индекс-лугат. Ф.Абдурахмонов ва С.М. Муталибов иштироки ва таҳрири остида. – Тошкент: Фан, 1967. – Б.189.

дех-қончилик ва кончилик ҳудудларидан ҳисобланиб, IX-X асрларда бу ерда 13 та шаҳар бўлганлигини ва X аср охирларида қўшни ҳудудлар каби бу вилоят ҳам Қорахонийлар давлати таркибига кирганлиги ҳақида манбаларда маълумотлар келтирилган<sup>1</sup>.

Элоқ вилоятининг бу номланишини «элоқхон» атамаси билан айнан ўхшашлигини назарда тутадиган бўлсак, «элоқ» атамаси бу ерда майдонга кўра алоҳида бир кичикроқ юртга – элга нисбатан қўлланилган бўлиши ҳам мумкин.

«Элоқхон» атамасидаги «оқ» сўзи билан боғлиқ алоҳида эл-юрт, давлат номлари ҳам мавжуддир. Бунга биз «Оқ Ўрда»ни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Тарихдан маълумки, Оқ Ўрда Олтин Ўрданинг бир қисми бўлиб, у Жўжихоннинг ўғли Ботухон ва унинг авлодлари томонидан идора этилган<sup>2</sup>. Оқ Ўрда таркибига Сирдарё ҳавзасининг катта қисми ва Орол денигизининг шимоли-шарқидаги чўллардан Ишим ва Сарисув дарёларигача бўлган ҳудудлар кирган. Энди Оқ Ўрдани Олтин Ўрданинг бир қисми эканлигини назарда тутсак, Оқ Ўрда бу – «Кичик Ўрда», яъни «катта хон қароргоҳидан кейинги кичик хон қароргоҳи», деган маънони англатади. Чунки «ўрда» атамаси турк-муғул халқларида хон қароргоҳига нисбатан қўлланилганлигини эсга олсак, бунда «Катта Ўрда» Олтин Ўрданинг ўзи бўлса, Оқ Ўрда эса унинг таркибидаги «Кичик Ўрда», «кичик қароргоҳ» ҳисобланган.

Биз фикр юритган бу жой номларининг маъно-мазмунни хусусида бошқача фикр-мулоҳазалар ҳам бўлиши мумкин. Биз ҳам бу борада ўз фикримизни тугал хулоса дея олмаймиз, албатта.

Шундай килиб, Қорахонийлар давлат бошқарувида эл-юрт ҳокимлари номида унвон сифатида қўлланган «элоқхон» атамаси «элнинг кичик хони»,

<sup>1</sup> Буряков Ю.Ф. Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса: Ист. археолог. очерк Чача и Алака. – Ташкент: Фан, 1975. – С. 207; Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Б. 221.

<sup>2</sup> Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б. 422-424.

деган маънони англатиб, бу унвон эгаси ўзининг нуфузи ва даражасига кўра олий ҳукмдор Қорахондан кейинги ўринда турган.

Энди «тегин» унвони хусусида тўхталсак, маълумки Ўрта Осиё худудларида қадимдан туркий сулолалар бошқарган давлатлар мавжуд бўлиб келган. Бундай давлатлар сирасига Туркий ҳоқонлиги, Қорахонийлар, Фазнавийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар каби давлатларни киритиш мумкин. Мазкур давлатлар ягона макон ва муҳитда ташкил топиб, равнақ топганлиги учун уларнинг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий тарихи умумий қонуниятлар асосида кечганлиги ҳам сир эмас.

Шунинг учун ушбу сулолаларнинг биридаги давлат бошқарувига оид бўлган ва кенг қўлланилган маъмурий-ҳарбий атамаларни деярли барча бошқа сулолаларнинг давлат бошқарувида ҳам қўлланилганлигини кузатишимиз мумкин. Бу атамалар жумласига биз «тегин» унвонини ҳам киритишимиз мумкин.

«Тегин» атамаси манба ва адабиётларда «такин», «тигин» шаклида ҳам учрайди. Лекин у «тегин» кўринишида кўпроқ учраганлиги сабабли биз уни шу шаклда ёзишни маъқул кўрдик.

Мазкур атама унвон сифатида дастлаб хунилар даврида қўлланиб, жабгудан кейинги иккинчи олий даражали мансаб бўлган<sup>1</sup>. Манбалардан маълумки, «жабгу» унвони Туркий ҳоқонлиги даврида «олий ҳукмдор» бўлмиш «ҳоқон» унвонидан кейин иккинчи ўринда турган<sup>2</sup>. Лекин бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, дастлабки даврларда қабилалар иттифоки даражасидаги уюшган туркий давлатларда «жабгу» унвони биринчи даражали унвон ҳисобланган. Масалан, қадимги Кушон давлатининг ҳукмдорлари ҳам «шаҳаншоҳ» унвонини ўзлаштиргунларига қадар «жабгу» унвони билан фаолият юритганлар<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Тошкент: Давлат Илмий Нашриёти, 2004. 8-жилд. – Б. 327.

<sup>2</sup> Бичурин. Н.Я. Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. – М.-Л.: Изд. АН СССР, 1950. Т. II. – С. 321.

<sup>3</sup> Бобоёров Ф.Б. Тоҳристон ябгулари тарихига доир // Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 2003. - №3. – Б. 5.

Корахонийлар давлатини ҳам дастлабки даврларда «жабғу» унвонидаги кишилар бошқарғанлигини юқорида айтган эдик. Демак, туркий сулолаларнинг давлат бошқарувига оид бу атамалар давлатчилик тараққиётига монанд равишда ўз мазмун-моҳиятини ҳам ўзгартириб борган.

Энди асосий мақсадга кўчадиган бўлсак «тегин» унвони Туркий ҳоқонлиги давридан жуда кенг кўллана бошланди. Унинг асл маъноси хусусида Махмуд Кошғарий ўз асарида «тегин – аслида бу сўз қул демакдир», дея изоҳ беради<sup>1</sup>. У яна фикрини давом эттириб, бунга мисоллар ҳам келтириб ўтади. Масалан, алп-тегин – баҳодир қул, қутлуғ тегин – муборак қул<sup>2</sup>.

«Девон»да келтирилган бу маълумотлар албатта жуда қадрли бўлиб, уни фақат ўзига хос тарзда тушуниб олишимиз керак бўлади. Чунки манбада берилган «тегин» атамасининг маъноси «қул демакдир», деган ахборотни биз ўз тушунчамиздаги «қул» билан тенглаштирмаслигимиз керак. Масалага кенгроқ назар ташлайдиган бўлсак, Туркий ҳоқонлиги давридаги қул ва қулчилик бу қадимги Миср ва юонон-рим жамиятидаги мавжуд бўлган том маънодаги қулчиликка умуман мос келмайди. Тўғри Туркий ҳоқонлиги даврида ҳам ҳоқонлар асосан ҳарбий юришлар ва истилолар билан машғул бўлишган. Бу сиёsat натижасида, ғолиб турклар жуда кўплаб асиirlар ва ўлжаларга эга бўлишган. Лекин улар асиirlарни ўз ерларига ҳайдаб келиб муайян бир ерга жойлаштирганлар ва улардан янги фуқаро сифатида хирож йигиб олишни йўлга қўйганлар<sup>3</sup>.

Бундан кўриниб турибдики, шу даврдаги қул тушунчасини фуқаро сифатида тушунишимиз мумкин экан. Фикримизни давом эттирадиган бўлсак «тегин» атамаси бу шунчаки қул бўлмасдан, балки бир масъулиятли вазифани сидқидилдан бажариб, хизмат қилгувчи киши мазмунини ҳам англаатган.

<sup>1</sup> Махмуд Кошғарий. Девону луготит-турк. 1-жилд. – Б. 391.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б. 391.

<sup>3</sup> Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. – Б. 62-63.

Буни биз юқорида қайд этилган «алп-тегин», «қутлуғ-тегин» каби мазмунли иборалардан ҳам тушунишимиз мумкин.

Абатта, давр ўтиши билан «тегин» атамаси ўзининг асл маъносига нисбатан мазмун-моҳиятини ўзгартириб борган. Фикримизни кувватлаш учун яна Махмуд Кошғарий асарига мурожаат қиласак, унда «Сўнг бу сўзни ҳоқония болаларигагина хослаб атадилар», «бу исм Афросиёб болаларига ҳам қўллана бошланди», деган маълумотлар қайд этилган<sup>1</sup>. Ҳақиқатан ҳам Туркий ҳоқонлиги даврида «тегин» унвонига сулола хонадонига мансуб шаҳзодалар эга бўлиб, айни вақтда улар тахт вориси ҳам ҳисобланган<sup>2</sup>. Бу унвон эгалари кейинчалик тахтга чиқиб ҳоқон бўлганда ҳам ўз номларида «тегин» унвонини сақлаб қолишган. Жумладан, Шили Тўлистегин, Култегин, Йўллиғтегин ва бошқа ҳоқонлар шу шарафли унвон билан аталган.

Умуман олганда, «тегин» унвони Қораҳонийлар давлатида ҳам сулола хонадонига мансуб кишиларга берилган. Уларга бирон-бир вилоят ноиблиги ҳамда ҳарбий лашкарбоши сифатида қўшинни бошқариш топширилган. Бу сулола вакиллари орасида ушбу унвон эгалари кўп учрайди. Масалан, Алптегин ибн Ҳасан, Сулаймонтегин, Ҳасантегин ибн Али ва бошқалар шу унвон билан улуғланган.

Хуллас, «тегин» унвони Туркий ҳоқонлиги ва Қораҳонийлар давлатида сулола хонадонига мансуб шаҳзодаларга қўлланган. Шунинг учун ҳам баъзи тадқиқотчилар «тегин» атамасига «шахзода», дея изоҳ беришган<sup>3</sup>. Бу фикр эса қайсиdir жиҳатдан тўғри ҳисобланади. Лекин тарихий жараёнлар доимо бир хил кечмаганлиги аниқдир. Сабаби сомонийлар, газнавийлар, салжук-ийлар сулоласининг ҳукмронлик йилларида «тегин» унвони келиб чиқиши сулола хонадонига мутлақо боғлиқ бўлмаган кишиларга ҳам берилган. Бунга Алптегин, Билгатегин, Ануштегин ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

<sup>1</sup> Махмуд Кошғарий. Девону луготит-турк. 1-жилд. – Б. 391.

<sup>2</sup> Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. – Б. 61.

<sup>3</sup> Насимхон Раҳмон. Турк ҳоқонлиги. – Тошкент: А.Қодирий, 1993. – Б. 49; Бобоёрөв F.B. Тоҳаристон ябгулари тарихига доир // Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 2003. - №3 – Б. 9.

Масалани теран англаш учун ўша давр тарихий воқеликлари ва у асосда кечадиган ижтимоий-мафкуравий жиҳатларига эътибор берадиган бўлсак, маълумки, Сомонийлар давлатида ҳарбий бўлинмалар асосан туркий қабилалардан тузилган эди. Улар орасидан етишиб чиқсан моҳир қобилиятли лашкарбошилардан бири бўлган Алптегин кейинчалик давлат инқирози арафасида Газна шаҳрини эгаллаб, ўз хукмронлигини ўрнатган эди. Алптегин вафотидан сўнг, кўп вақт ўтмай, унинг собиқ ғуломи бўлган Сабуқтегин мазкур вилоятда ўзининг мустақил ҳокимиятини барпо этиб, Газнавийлар давлатига асос солади. Бу борада Хоразмда катта салтанатни ташкил этган Ануштегинийлар сулоласининг асосчиси Ануштегиннинг тақдирин ҳам Сабуқтегин тақдирин билан ҳамоҳангдир. Демоқчимизки, Сабуқтегин ҳам Ануштегин ҳам ижтимоий келиб чиқишига кўра ҳукмдор оиласига мансуб эмас эди. Лекин улар ниҳоятда кучли қобилият, ақл-заковат, фикр ва тадбир эгалари бўлганликлари боис оддий навкарликдан то сипоҳсалорлик даражасигача бўлган нуфузли ҳарбий мансабга кўтарилишган. Ҳарбий жиҳатдан куч-қудрат ва маҳорат ўша даврда жуда катта аҳамиятга эга бўлганини назарда тутсак, тажрибали ҳарбий лашкарбошилар ҳукмдорларнинг ички ва ташки сиёсатида асосий таянч бўлганлигини тушуниш мумкин.

Шунинг учун ҳам ҳукмдорлар ўз тахтларининг асосий таянчи бўлмиш бундай ҳарбий лашкарбошиларни сидқидилдан қилган хизматлари эвазига уларга ўз ўғлидек муносабатда бўлиб, уларни «тегин» унвони билан тақдирлагандир. Мантиқан олиб қараганда бу юкоридан билдириб келинайтган фикр-мулоҳазаларга айнан мос келади. Туркий халқлар мафкурасига эътибор берсак, унда давлат ҳукмдорлари «улуг», «буюк» ҳоқон ҳисобланиб, унга хизмат қилиш, содиқ ва вафодор бўлиш унинг тасарруфидаги кишилар учун шарафли иш ҳисобланган. Шу боис ҳоқон хизматидаги ҳар қандай киши, бирор оғир масъулиятли вазифани қойилмақом тарзда бажарганида ҳам ўз ҳукмдори олдида ўзини камтарона «кул»дек тутиш одати мавжуд бўлган. Бу ҳақда Маҳмуд Кошғарий ўз асарида «Кулингиз фалон қилди» деб

«кулингиз» ўрнида «тегин сўзини ишлатар эдилар», деган маълумотни қайд этган<sup>1</sup>.

Демак, «тегин» атамаси қадимдан мавжуд бўлиб, ижтимоий-сиёсий вазиятга кўра ўз мазмун-моҳиятини ўзгартириб борган. Бу атама Туркий ҳоқонлиги ва Қораҳонийлар давлати даврида йирик давлат мансаби сифатида фақат хукмрон сулола хонадонига мансуб шаҳзодаларга шарафли унвон сифатида кўлланган бўлса, Сомонийлар, Ғазнавийлар ва Салжуқийлар давлатида хукмдорга сидқидилдан хизмат қилган ва ўзини маҳоратли ҳарбий лашкарбоши сифатида кўрсата олган кишиларга ҳам ижтимоий келиб чиқишдан қатъий назар мазкур унвон берилган.

Хулоса қилиб айтганда, Қораҳонийлар давлат бошқарувида маҳаллий ҳокимият тизими ҳам ўзига хос идора услубига эга бўлиб, бу тизим тарихий давлатчилик анъаналари ва тажрибаларига асосланган ҳолда қурилган эди. Давлат маъмурий жиҳатдан эл-юрт ва вилоятларга бўлинган бўлса, уларни бошқарувчи ҳокимлар «элоқхон» ва «тегин» унвони билан улугланганлар. Бу унвон эгалари кейинчалик хон тахтига ўтириб, «қораҳон» унвонига ҳам сазовор бўлишлари мумкин бўлган. Айтиш мумкинки, «тегин», «элоқхон» ва «қораҳон» унвонлари бу ўринда давлат бошқарувида кетма-кет келувчи давлатнинг олий даражали мансаб пиллапоялари ҳисобланган.

## З-БОБ. ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТІСОДИЙ АСОСИ ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

### 3.1. Ҳоқонликнинг ижтимоий-иқтисодий негизи

Тарихдан маълумки, ҳар бир давлат ўзининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан таянч бўлган маълум бир асосига эга бўлган. Албатта, усиз жамият ва давлат ҳаётини тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Шунинг учун Қорахонийлар давлати тарихини ўрганишда, тарихий-воқеа ҳодисаларнинг жараёни ва уларнинг мантиқий боғланишини асослаш учун давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини чукур идрок эта билиш ҳам зарур ҳисобланади. Мазкур давлатнинг бу борадаги тарихи хусусида мавжуд манбалар ва адабиётларда жуда кўп маълумотлар берилган<sup>1</sup>.

Лекин бу маълумотларда қатор факт ва далилларни шарҳлаб ўтиш билан қаноатланиб, уларни аввалги воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда таҳлил этишга етарлича эътибор берилмаган. Демоқчимизки, Қорахонийлар давлати ўзининг узоқ тарихи давомида илк давридан (766 йил – IX асрнинг 1-ярми) ривожланган даврини (XI-XII аср) киёслайдиган бўлсак, бу даврлар мобайнида унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг замини ўзгариб борганлиги ва ўзида янгича кўринишни ифода этганлигини кузатишимииз мумкин.

Маълумки, туркий қабилалар қадимдан асосан қўчманчи-чорвадор сифатида ҳаёт кечириб келишган. Бу уларнинг турмушини умумий қиёфасини қай даражада бўлишини ҳам белгилаб берган. Туркий ҳоқонлиги даврида ҳар бир уруғ, қабиланинг ўз чорва моллари ва уларни бокиши учун алохида ажратилган яйлов ерлари бўлган. Мазкур чорвадор қабилалар ёз фаслида дашт ва чўлларда ўт-ўлан қуриб қолганда ўз чорва молларини

<sup>1</sup> Бартольд В.В. Извлечение из «Зайн ал-ахбар». Сочинения. Т. VIII. – М.: Наука, 1973. – С. 24-62; Махмуд Кошгари. Девону луготит-турк. Индекс-лугат. – Б. 397-401; Белинцкий А.А., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. – Л.: Наука, 1973. – С. 389; Бернштам А.Н. Археологические очерки Северной Киргизии. – Фрунзе: Киргосиздат, 1941. – С. 112; Исторический топографии Чуйской долины // ВДИ. – Москва, 1940. - №2. – С. 191-198 ва бошқалар.

Тяншань, Олтой ва Хангай тоғлари ёнбағирларидаги ўтлокларга ҳайдаб келишган. Лекин қиши фаслида тогда қор күп ёғиши сабабли подаларни яна чўл минтақасига қайтаришган<sup>1</sup>. Табиатнинг инжиқликлари билан боғлиқ бўлган бу ҳаёт тарзи уларнинг рухиятида ҳам ўз аксини топган.

Чорва молларини боқиши бу кўпчилик меҳнатини талаб қилмайди. Шунинг учун кўчманчи туркий қабилаларда деярли барча эркаклар ҳарбий жангчи ҳисобланган. Уларнинг асосий машғулоти эса уруш бўлиб, унда ўз худудини ҳимоя қилиш, қўшни қабила ва давлат ерларини эгаллаш бирламчи вазифа ҳисобланган. Кўчманчи қабилаларни турғун аҳолига нисбатан кўпгина ҳолларда ҳарбий жиҳатдан устун бўлиб келганлигини эътиборга олсак, Туркий ҳоқонликнинг ташкил топиши ва уни тезда қудратли давлатга айланишининг сабаблари бирмунча ойдинлашади. Чунки бунда унинг таркибидағи туркий қабилаларнинг доимо жанговар ҳолатда бўлганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлган. Умуман кўчманчи туркий қабилаларда давлатнинг юзага келиши масаласи кўпчилик олимларни қизиқтириб келган<sup>2</sup>. Фикримизча, бу масалалар юқорида келтирилганидек ижтимоий ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳолда ўрганилиши керак.

Туркий ҳоқонлиги Олтой ва Жанубий Сибирда ташкил топган вақтда (551 йил) унинг давлат бошқаруви ва ижтимоий-иктисодий ҳаёти ҳам оддий кўринишга эга эди. Давлат бошқарувида анъанавий уруғ-қабилавий удумлар ниҳоятда кучли ҳисобланиб, ҳоқонлик таркибидағи қабилаларнинг кўпчилик қисми кўчманчи-чорвадор бўлган. Лекин давлатнинг чегаралари Шарқий Туркистон, Еттисув, Исфижоб, Фарғона, Шош ва Мовароуннахр ҳудудлари ҳисобига кенгайиб боргач, унинг ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаётида шу ҳудудларда яшовчи турғун аҳолининг таъсири кучайиб борди. Бу шаҳар ва қишлоқларда яшовчи ўтрок аҳолининг асосий машғулоти дехқончилик, хунармандчилик ва савдогарлик бўлган.

<sup>1</sup> Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. – Б. 80-81.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б. 109-112.

Туркий ҳоқонликнинг бу улкан ҳудудларни ўз теварагида бирлаштирганлиги ижобий ҳолат бўлиб, бу аввалдан давом этиб келаётган мазкур ҳудудларда яшовчи кўчманчи ва ўтрок аҳоли ўртасидаги иқтисодий-маданий алоқаларни янада кучайтириб юборган. Туркий ҳоқонлиги давридаги бу жараённи ворис сифатида Қораҳонийлар давлати юксак даражада давом эттириди. Ушбу давлат қарлук қабилалар иттифоқи негизида ташкил топган (766 йил) ва ўз таркибиغا бошқа туркий қабилаларни бирлаштирган (IX-X аср) вактда унинг тасарруфидаги кўчманчи қабилаларнинг катта қисми ўтроклашиб дехқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шугуллана бошлашган эди. Лекин давлат таркиbidаги барча қабилаларнинг хўжалиги бир хил эмас эди.

Бунда қарлук қабиласи ўз иттифоқдошларига нисбатан анча маданиятли ҳисобланишса, яғмо қабиласи асосан чорвачилик билан шугулланган. Бу қабиланинг от йилқилари ва қўйлари кўп бўлган<sup>1</sup>. Чиғил қабиласининг ҳам катта қисми чорвадор бўлса-да, уларнинг шаҳар ва қишлоқларда яшовчи гурухлари дехқончилик ва ҳунармандчилик билан машғул бўлишган<sup>2</sup>. Давлат таркиbidаги кўчманчи ва турғун аҳолининг маданияти ва хўжалигида умумий белгилар мавжуд бўлгани ҳолда, улар ўртасида маълум бир фарқли жиҳатлар ҳам бўлган.

Шунинг учун ҳам қораҳонийлар томонидан Мовароуннахрнинг марказий ҳудудлари эгалланганда, жуда катта дехқончилик воҳалари, жумладан, Зарафшон ҳудудидаги экинзорлар, боф-у роғлар поймол қилиниб, чорва-моллари учун яйловга айлантирилган эди. Бу воқеа-ходисалар айrim тадқикотчилар томонидан алоҳида эътироф этилиб, бунда қораҳонийларнинг Мовароуннахрдаги сиёсий устунликни қўлга киритиши, гўёки кўчманчи туркий қабилалар томонидан ўлка маданиятига ҳам ҳалокатли таъсир этиши сифатида кўрсатилади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Шониёзов К.Ш. Ўзбек ҳалқининг шаклланиш жараёни. – Б. 346.

<sup>2</sup> Махмуд Кошғарий. Девону луготит-турк. З-жилд. – Б. 374.

<sup>3</sup> История Узбекской ССР, кн. I. – С. 241-242; Мирзазода Ҳ. Тарихи адабиёти тоҷик. – С. 3.

Бу масалага чуқурроқ назар солиб, мантикий мулҳаза юритадиган бўлсак, воқеалар бошқача тарзда кечганлиги ойдинлашади. Қорахонийлар давлати Мовароуннахрни ўз таъсирига олмасдан олдин ҳам жуда катта худудларга эгалик қилган. Давлат таркибидаги Исфижоб, Еттисув, Шарқий Туркистонда асосан туркийзабон ҳалқлар истиқомат қилиб, уларнинг кўпчилик қисми бу даврга келиб дехқончилик, хунармандчилик ҳамда савдосотик билан шуғулланишган. Лекин аввал ҳам айтганимиздек давлат таркибida кўчманчи чорвадор қабилалар катта ҳарбий-сиёсий кучни ташкил этишган. Ҳоқонликнинг ҳарбий кўшинлари ҳам асосан шу қабилалар негизида тузилганлиги сир эмас. Қорахонийлар мазкур ҳарбий кўшин кучи билан Мовароуннахрнинг ички худудларига кириб борганда қабила сардорлари бўлган катта-катта ҳарбий зодагонлар ўзларига тегишли чорвамолларидан иборат подаларни ҳам ўзбошимчалик билан шу худудларга жойлаштирган. Натижада, жуда катта дехқончилик ерлари яроқсиз ҳолга келтирилиб, подаларни боқиш учун яйловларга айлантирилган.

Лекин бу ҳолат вактинчалик бўлиб, қорахонийлар ҳукмдорларининг ўзлари тезда бунга чек қўйишган. Чунки давлат тараккиётида ўтрок аҳоли томонидан бунёд этилган дехқончилик воҳаларининг аҳамиятини улар яхши тушунишган. Қорахонийлар сулоласининг кўпчилик вакиллари, жумладан, Иброҳим Тавғачхон, Шамс ал-мулқ, Хизрхон, Мухаммад Арслонхон ва бошқалар ўлканинг иқтисодий ва маданий равнаки учун жуда кўп ишларни амалга оширишган.<sup>1</sup>

Энди бевосита Қорахонийлар давлати таркибидаги кўчманчи ва ўтрок аҳолининг асосий машғулоти бўлган хўжалик турларига келсак, бу даврда кўчманчи-чорвадор қабилаларнинг кўпчилиги ўтроқлашди, айрим гурухлари эса ўзларининг анъанавий чорвачилик хўжалигини сақлаган ҳолда қисман дехқончилик қила бошлишди. Лекин баъзи қабилалар асрий одатлари бўлган бу кўчманчилик турмуш-тарзини кейинчалик ҳам сақлаб қолишиди.

<sup>1</sup> Шониёзов К.Ш. Қарлуқ давлати ва карлуқлар. – Б. 126-127.

Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари бор эди. Чунки Қорахонийлар давлатига қарашли барча ерлардан дәхқончилик учун фойдаланиб бўлмас эди. Бундай ерлар сирасига кирган чўл, дашт воҳалари ҳамда тоғолди худудлари чорвачилик учун қулай бўлган. Қолаверса, бутун минтакада чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёж чорвадорлар меҳнатини рағбатлантириб келган. Шунинг учун мамлакатнинг дашт ва тоғолди яйловларида отар-отар қўй, уюр-уюр йилқилар ва туялар бокилган. Чорвачилик мамлакат аҳолисини гўшт, сут, тери, жун каби маҳсулотлар билан таъминлашдан ташқари, хўжаликнинг бошқа соҳалари учун ҳам от-улов етказиб берган.

От, эшак, тужа ва ҳўқизлардан қўш ҳайдашда, арава тортишда, мойжувоз, тегирмон ишларида ва бошқа юмушларда кеңг фойдаланилган. Мовароуннахрнинг шаҳар ва қишлоқларида яшовчи аҳоли ҳам уй чорвачилиги билан шуғулланишган. Умуман олганда, қорахонийлар даврида чорвачилик хўжалиги етакчи тармоқлардан ҳисобланган.

Қорахонийлар давлати ўз таркибида ҳам чорвадор, ҳам дәхқон аҳолини яхлит ҳолда бирлаштирган улкан салтанат эди. Давлатнинг бу қиёфаси бирмунча мураккаб кўринишида бўлса-да, аслида бу унинг иқтисодий-маданий жиҳатдан катта бир ютуғи эди. Юқорида қайд этилганидек, қорахонийлар Мовароуннахр ҳудудини ўз измига олган вактда (Х аср охири) ўлкага жуда кўп чорвадор қабилалар кириб кешишган эди. Лекин бироз вакт ўтгач, дәхқончиликка ихтисослашган бу ҳудудда чорва молларини бокиш учун яйлов ерлари етишмаслиги маълум бўлди. Бу ҳодиса чорвадор қабилаларнинг катта қисмини ташкил этувчи ўрта ҳол ва камбағал кишиларни бундан буён дәхқончилик билан шуғулланишга замин яратди. Шундан сўнг чорвадор қабилаларнинг асосий гуруҳлари XI асрнинг биринчи чорагидаёқ аста-секин ўртоқлаша бошлади. Бу жараён XI аср охирларигача ва ундан кейин ҳам давом этди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Шониёзов К.Ш. Қарлук давлати ва қарлуклар. – Б. 107.

Маълумки, Мовароуннаҳр аҳолиси бунёдкор халқ сифатида қадимдан асосан дехқончилик, ҳунармандчилик ва тижорат билан шуғулланиб келишган. Хўжаликнинг бу турлари асрлар давомида такомиллашиб бориб, алоҳида бир маданият тусига Эга бўлган. Аждодларимизнинг тинимсиз меҳнати натижасида бу ерда Хоразм, Зарафшон ва Фарғона каби ҳудудлар иқтисодий-маданий жиҳатдан минтақанинг энг бой ўлкаларига айланган. Бу ўлкаларнинг бой маданияти Исфижоб, Еттисув, Шарқий Туркистонда яшовчи аҳолига ҳам кучли таъсир қўрсатиб келган. Мазкур ҳудудларда яшовчи кўчманчи қабилаларни Туркий ҳоқонлиги давридаёқ тургун ҳаётга ўтиши бошланган бўлса, қорахонийлар даврига келиб бу жараён янада кучайди. IX-X асрларга келиб бу ҳудудларда яшовчи кўчманчи қабилаларнинг катта қисми эндиликда ўтрок ҳаёт тарзига ўтишган<sup>1</sup>. Бу жараён ижобий аҳамиятга эга бўлиб, ҳудудлардаги аҳолини бир-бирига янада яқинлаштириб, уларнинг турмуш-тарзида, хўжалигида умумийликни кучайтириб борган.

Қорахонийлар давлатининг иқтисодий асосларидан бўлган дехқончилик ишлари бу даврда ҳам равнақ топиб борган. Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Тошкент вилоятларида бу борадаги натижалар анъанавий тарзда юксак даражада бўлган бўлса, давлатнинг шимолий-шарқий томонларида ҳам сунъий сугорма дехқончиликка асосланган жуда кўп ишлар амалга оширилган. Масалан, Иссиккўл ҳавзаси, Чу, Талос воҳасида турли донли экинлар экиш, узумчилик, боғдорчилик каби соҳалар яхши йўлга қўйилган<sup>2</sup>.

Ўтрор воҳасида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасидан аён бўлишича бу воҳада йирик магистрал каналлар, ҳимоя дамбалари, сув чиғирлари ва бошқа йирик сугорма иншоотлари қурилган экан<sup>3</sup>. Қорахонийлар даврида дехқончилик билан бирга ҳунармандчилик соҳаси ҳам

<sup>1</sup> Шониёзов К.Ш. Қарлук давлати ва қарлуклар. – Б. 66-67.

<sup>2</sup> Кореев О. История Караканидского каганата. – Фрунзе: Илим, 1983. – С. 204-209.

<sup>3</sup> Грошев В.А. Новые данные об оросительных системах Отарского оазиса // В. кн. Археологические исследования в Отаре. – Алма-Ата: Наука, 1977. – С. 18.

бирмунча ривожланган. Бу даврда хунармандчилик, темирчилик, кулолчилик, тўқимачилик, кўнчилик, заргарликнинг ихтисослашган сертармоқ соҳага айлангани ушбу касб турларини ҳар бирининг санъат даражасида ўсганлиги, тараққий этганлигини кўрсатади. Шулардан темирчилик касби билан туркийлар VI-IX асрлардаёқ кенг шуғулланишган. Археологик тадқиқотлар натижасида Олтойдан топилган темир маъданини қазиб олиш излари бўлган ёдгорликнинг мавжудлиги бунинг исботи бўла олади.<sup>1</sup>

Туркийлар қазиб олган темир ниҳоятда сифатли бўлиб, Олтой темирчилари ундан пичоқ, болта, қозон, қилич, шамшир, найза, камон ўқининг учлари ва бошқа хўжалик ҳамда уруш буюмларини ясашган.<sup>2</sup> Туркийларнинг темирдан кенг фойдаланишлари уларни ҳарбий жиҳатдан кудратли бўлишига имкон берган. Темирчилик кейинги даврларда янада ривожланиб борди. Жумладан, қарлук қабиласи ҳукмдорлари ясаган қилич, найза ва бошқа уруш куроллари, нафақат туркий дунёда, балки славян мамлакати бўлган Киев Русида ҳам машҳур эди<sup>3</sup>. Демак, темирчи туркий хунарманд усталар ясаган буюмлар шарқда Хитойдан тортиб, Ғарбда Шарқий Европагача бўлган ҳудудларда кенг тарқалган экан.

Бу вақтда, тўқимачилик ва кўнчилик соҳалари ҳам тараққий этган. Албатта, бу борада Самарқанд, Бухоро вилоятлари аввалгидек етакчи бўлишган. Шунингдек, давлатнинг шимоли-шарқий ҳудудлари бўлган Еттисув, Исфижоб, Шарқий Туркистонда ҳам хунармандчиликнинг бу турлари яхши ривожланган. Маҳмуд Кошғарий бу ҳақда кўплаб маълумотлар берган. Масалан, олмахон, қундуз ва бошқа ҳайвонлар терисидан пўстин (ичук), кўй юнгидан тўқилган иссиқ кийим (қарс), турли наматлар, чармдан ишланган оёқ кийимлари (излик) ва бошқа маҳсулотлар тилга олиб ўтилган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Гумилев Л.Н. Қадимги турқолар. – Б. 74.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Шониёзов К.Ш. Қарлук давлати ва қарлуклар. – Б. 118.

<sup>4</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит-турк. I-жилд. – Б.99,129,162.

Кулолчиликда ҳам кўпгина ижобий ишлар амалга оширилган. Еттисувда IX-X асрларда турли идишларни ясашда ишлатиладиган чарҳ дастгоҳи кенг фойдаланилган. Бу эса ўз навбатида иш унумини ва маҳсулот сифатини яхшилашга олиб келган. Туркий қабилаларда сопол буюмларга хайвон суратини чизиш одат эди. Лекин бу даврда ислом динининг тарқалиши муносабати билан сопол идишларда энди кўпроқ исломий нақшларни чизиш кенг кўламда қўлланилган<sup>1</sup>.

Туркийларда турли сопол буюмларининг ишлаб чиқилгани ҳақида Маҳмуд Кошгарий ҳам айтиб ўтган. Олим ўз асарида «идиш» сўзига шарҳ берадиб яғмо, тўҳси, ямак, ўғуз ва аргулар тилида тос, обдаста, товок ва лаганларнинг ҳаммаси «идиш», деб юритилишини қайд этган<sup>2</sup>. Бу маълумотга эътибор берсак, бугунги кунда ҳам халқимиз тилида жамловчилик маъносида барча сопол буюмларга нисбатан «идиш», «идишлар» сўзи кенг ишлатилади.

Қорахонийлар давлатининг ижтимоий-иктисодий ҳаётидаги катта ўзгаришларни ўша даврдаги мавжуд шаҳар ва қишлоқлар тараққиёти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Манбалардан маълумки, Сирдарё бўйларида, Еттисувда, Шаркий Туркистон ҳудудларида кўплаб шаҳарлар, қишлоқлар мавжуд бўлган<sup>3</sup>. Шаҳарлар доимо қайси ҳудудда жойлашган бўлса шу ҳудуднинг иқтисодий-маданий жихатдан маркази ҳисобланган. Шаҳарларнинг кўплари Туркий ҳоқонликнинг даврида (VI-VIII асрлар) бунёд этилган эди. Лекин қорахонийлар даврида уларнинг аксариятида аҳолининг кўпайиб бориши ҳисобига янгидан-янги иморатлар, туарар-жойлар курилиб, майдони кенгайиб борган.

<sup>1</sup> Шониёзов К.Ш. Карлук давлати ва карлуклар, – Б.119.

<sup>2</sup> Маҳмуд Кошгарий. Девону луготит-турк. I-жилд. – Б. 92

<sup>3</sup> Бартольд В.В. Извлечение из «Зайн ал-ахбар». Соч. Т. VIII. – С. 24-62; Маҳмуд Кошгарий. Девону луготит-турк. Индекс-лугат. – Б. 397-401; Ибн Хауқал Абу-л Касим Муҳаммад. Китаб сурат ал-арз (Картина земли) // МИСЦА X-XIX вв. – Ташкент, 1988.– С. 18-20; Йакут ал-Хамави. Муджам ал-булдан / Пер. с арабс. О.Б.Фроловой., Б. Вахабовой // МИСЦА X-XIX вв. – Ташкент, 1988. – С. 77-88; Istakhri-Viae reglogum. Degriplio ditionig moglemikol antore Pbu Ishak abu Farisal // Istakhri BGA. 1870. Т. I. – Р. 299-340; Волин С.Л. Сведения арабских источников IX-X вв. О долине реки Талас и смежных районов // ТИИАЭ. АН КазССР. – Алма-Ата, 1960. Т. 8. – С. 72-92

Айрим жойларда эса кичик қўргонлар, қишлоқлар ўрнида ва савдо-тижорат йўларида янги шаҳарлар юзага келди<sup>1</sup>. Кўплаб кўчманчи қабилаларни ўтроклашиши натижасида қишлоқларнинг сони ҳам ниҳоятда ортиб борган. Мазкур қишлоқларнинг кўпчилиги кейинчалик йирик ахоли пунктларига айланган. Бу даврнинг асосий шаҳарларидан бири Чу дарёси бўйида жойлашган Сўёб шаҳри эди. Аввал ҳам қайд этганимиздек, бу шаҳар қарлуқ қабилалар иттифоқининг маркази эди. Манбаларда ушбу шаҳар маданий жиҳатдан ривожланган гўзал ва озода шаҳар сифатида таърифланади<sup>2</sup>.

Албатта, шаҳарнинг қарлуқ ҳукмдорларининг марказий шаҳри бўлганлиги ҳам унинг ривожида ижобий аҳамиятга эга бўлган. Чу водийсида яна бошқа шаҳар ва қишлоқлар мавжуд бўлган. Уларнинг асосийлари Хут-Куел, Беклик, Далуган ва бошқалар бўлиб, мазкур шаҳарларнинг ахолиси асосан туркашлар ва чигиллардан иборат бўлган<sup>3</sup>.

Қарлуқларга тегишли шаҳарлардан яна Кулон ва Марки бўлиб, ушбу шаҳарда яшовчи қарлуқлар манбаларда келтирилган маълумотларга кўра X асрда ислом динини қабул қилишган<sup>4</sup>. Бу вақтда Талос водийсида ҳам бир қанча шаҳар ва қишлоқлар мавжуд бўлиб, уларнинг энг йириклари Тароз, Чигил, Шелжи ва бошқалар бўлиб, бу шаҳарларда ҳам асосан туркийзабон халқлар яшаган<sup>5</sup>. Уларнинг ичида айримлари, жумладан, Чигил шаҳри чигил қабиласининг номи билан аталган<sup>6</sup>. Чигил шаҳрига яқин масофада Барсахон шаҳри жойлашган эди. Маҳмуд Кошғарий бу шаҳарни XI асрдаги катта савдо-сотиқ марказлари бўлган Қошғар, Арғу, Жикил каби шаҳарлар билан teng қўяди<sup>7</sup>.

Корахонийлар давлатининг иқтисодий таянчи бўлган шаҳар ва қишлоқлар ҳақида сўз кетганда мазкур давлатнинг маъмурий маркази бўлган

<sup>1</sup> Кораев О. История Карабахского каганата. – Фрунзе: Илим, 1983. – С. 224-230.

<sup>2</sup> Бартольд В.В. Извлечение из «Зайн ал-ахбар». Соч. Т. VIII. – С. 61.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – Б. 61-62.

<sup>4</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Соч. Т. II. Ч.1. – С. 242.

<sup>5</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит-турк. 1-жилд. – Б. 31-32.

<sup>6</sup> Шониёзов К.Ш. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. – Б. 69.

<sup>7</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит-турк. 1-жилд. – Б. 499.

Боласоғун шаҳри ҳақида ҳам тұхталиб ўтиш жоиздир. Боласоғун илк ўрта асрларда туркийларнинг эң жирик шаҳарларидан бўлиб, кейинчалик X асрларга келиб ушбу шаҳар иқтисодий-маданий жиҳатдан янада тараққий этган. Мазкур шаҳар айни вақтда Қуз Улуш, Қуз Ўрда номлари билан ҳам машхур бўлган<sup>1</sup>. Маҳмуд Кошгариининг таъкидлашича, Боласоғун халқи туркий ва сүғд тилида бирдай гаплашишган<sup>2</sup>. Албатта, бу шаҳар савдо-тижорат йўлида жойлашганлиги туфайли, унда бошқа кўплаб халқлар ҳам яшаган бўлиши керак.

Умуман сүғд тилининг бу худудларда, яъни Чу, Ила дарёсининг водийлари ва Иссиққўл атрофларида кенг тарқалгани сүғдийларни жуда катта худудларда олиб борган савдо-тижорат ва маданий фаолиятларининг натижаси эди. Шунинг учун Боласоғун шаҳрида ҳам сүғдлар алоҳида мавқега эга бўлишган. Боласоғун манбаларда гарчи машхур, катта ва бош шаҳар сифатида тилга олинса-да, бугунги кунда ушбу шаҳарнинг аниқ ўрни қаерда жойлашганлиги фанда баҳсли масала бўлиб келмоқда. Бу масала бирмунча мураккаб бўлиб, унинг ечими кўпроқ археологик тадқиқотлар натижасига боғлиқдир.

Шу даврнинг жирик шаҳарларидан яна бири бу – Кошғар шаҳридир. Кошғар шаҳри Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, бу шаҳардан Буюк Ипак йўли ўтган эди. Шунинг учун Кошғар Корахонийлар давлатининг катта савдо-тижорат ва маданий марказларидан бири ҳисобланган. Маҳмуд Кошгари ушбу шаҳарнинг Орду, Ордукент номлари борлигини ҳам қайд этган<sup>3</sup>. Бу маълумот шаҳарни маъмурий марказ сифатидаги алоҳида ўрни бўлганлигини англатади.

Корахонийлар давлатидаги чорвачилик, дехқончилик, хунармандчилик ва шаҳарларнинг равнақи ўз навбатида савдо-тижорат соҳасини янада ривожлантириб юборди. Корахонийларни Шарқий Туркистондан то Хоразм-

<sup>1</sup> Маҳмуд Кошгари. Девону луготит-турк. 1-жилд. – Б. 94 ва 145.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 1-жилд. – Б. 66.

<sup>3</sup> Маҳмуд Кошгари. Девону луготит-турк. 1-жилд. – Б. 145, 329.

гача бўлган ўлкаларни ўз ҳукми остида бирлаштирганлиги савдо-сотиқ ишларини ривожланишига имкон яратди. Бу борада давлатнинг шимоли-шарқида яшовчи аҳоли билан Мовароуннахр аҳолиси ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ривожи жуда аҳамиятли бўлган. Буюк Ипак йўли бу даврнинг ҳам асосий савдо йўли ҳисобланган. Шимолий ва жанубий йўналишларга эга бўлган ушбу савдо йўли Хитойдан бошланиб, Шарқий Туркистон, Фарғона, Тошкент, Зарафшон ҳудудлари ва Бухоро орқали шимолда Волга дарёсининг бўйлари билан Шарқий Европага қадар, жанубда эса Ўрта Шарқ орқали Ўрта денгизгача борган. Ўз навбатида бу йўлнинг марказий қисми, яъни Шарқий Туркистондан Амударё чегараларигача бўлган ерлар қорахонийлар назоратида эди.

Бу ҳудудда энг иирик савдо-тижорат марказлари бўлган Кошғар, Хўжанд, Термиз, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарлар жойлашган эди. Савдо-сотиқ давлатга жуда катта даромад келтирган. Шу сабабли ҳукмдорлар бу соҳани рағбатлантириб, уни янада ривожланишига ҳомийлик қилишган. Савдо йўлларида тижоратчиларга турли қулайликлар яратиш учун янгидан-янги карvonсаройлар, рабадлар, сардобалар ва бозорлар курилган. Эскилари эса қайта таъмирланган. Бундан ташқари доимий равища савдо кўргазмалари уюштирилиб, энг сара савдо маҳсулотлари намойиш этиб турилган<sup>1</sup>.

Умуман олганда, Қорахонийлар давлатида ижтимоий-иктисодий жиҳатдан дастлабки даврда бошланган ижобий ўзгаришлар унинг кейинги тараққиётида юксак аҳамиятга эга бўлди. Ҳар бир жамият ҳаётида дин ва эътиқод масаласи алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу давр ижтимоий муносабатлари ҳақида сўз кетганда, диний эътиқод хусусида ҳам, мавзумизга тааллуқли жиҳатларига кисқача тўхталиб ўтамиз. Қадимги туркий халқларда шаманизм, тотемизм, анимизм каби диний эътиқод турлари мавжуд бўлган. Уларнинг ичида шаманизм барча туркий қабилалар учун

<sup>1</sup> Кораев О. История Караканидского каганата. – С. 231-243.

умумий дин бўлиб келган. Бу туркий қабилаларнинг ўзаро иттифоқида умумий ғояни шакллантиришда ёрдам берган. Шаманлик динини туркийлар «қам», руҳонийларини эса «тўйин», деб аташган. Чунки шаман сўзи уларда бўлмаган<sup>1</sup>.

Ушбу диний тасаввурга кўра осмон тангриси барча қабилалар учун умумий, ягона худо хисобланган. Хитой манбаларида келтирилишича туркийларда ҳар бешинчи марта ой чиқишида ва ўша ойнинг ўртасида, ҳоқон ўз яқинлари билан дарё бўйига бориб, Осмон тангриси учун қурбонлик қилишган<sup>2</sup>. Осмон Тангриси, яъни Кўк Тангрига сифиниш Ўрхун битикларида ҳам қайд этилган: «Аввал юқорида мовий осмон, куйида қора Ер бўлган, улар ўртасида инсон болалари пайдо бўлди», деб Кўк Тангри мадҳ этилган<sup>3</sup>. Кўк Тангрига сифиниш ва унга доир турли маросимларни бажариш айrim қабилаларда XIX аср охири - XX аср бошларига қадар турли шаклда давом этганлиги фанда маълумдир<sup>4</sup>.

Туркий халқларда Кўк Тангридан ташқари ер ва сув, аждодлар руҳи, қуёш, ҳайвонларга ҳам сифиниш расм бўлиб келган<sup>5</sup>. Туркий қабилаларнинг ўзаро уюшмасида уюшма таркиби турличалиги боис уларда диний эътиқодлар ҳам хилма-хил бўлган. Ҳар бир уруғ-қабиланинг ўз худоси бўлганки, ҳоқонликда мазкур диний эътиқодларга исломгача даҳл қилинмаган. Давлат худудида уларнинг барчасига бирдай муомала ва муносабат ўрнатилган эди. Ҳар бир қабиланинг диний эътиқодида ўзига хослик мавжуд бўлса-да, бу борада биз туркий қабилаларни барчасининг маънавий-мафкуравий дунёқарашида ва тафаккурида умумийликни, ўзаро уйғунликни кузатишимииз мумкин. Эҳтимол шунинг учун, манбаларда мазкур худудларда ислом дини кенг ёйилиб, қатъий қарор топгунга қадар туркий қабилаларда ҳокимият учун ўзаро курашларда, қабилавий низоларда, дин ва эътиқоддан ғоявий байроқ

<sup>1</sup> Мухаммаджонов А.Р. Ўзбекистон тарихи. – Б. 47.

<sup>2</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Т.1. – С. 230-231.

<sup>3</sup> Гумилев Л.Н. Қадимти турклар. – Б. 87.

<sup>4</sup> Ўша жойда. – Б. 87-89.

<sup>5</sup> Ўша жойда. – Б. 84-97.

сифатида фойдаланганлиги хусусида аник маълумотни учратмаймиз. Демак, туркийларда дин масаласида умумий қараашлар билан бирга, бағриенглик туйғуси ҳам кучли бўлган. Юқорида қайд этилганидек, бу даврда Еттисув, Исфижоб вилояти, Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисмида ҳамда Хоразм ва Мовароуннахр ўлкаларида ислом дини ва маданияти доимий қарор топди. Ҳудудларда ислом дини ва маданиятига эътибор кучайиб, масжид ва мадрасалар қуриш авж олди. Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари ислом динининг энг йирик маданий марказларига айланди. Мазкур дин сомонийлар хукмронлиги даврида анча кенгайиб, Сирдарё бўйлари ва унинг шимолидаги ҳудудларда ҳам тарқала бошланди.

Ўз навбатида бу жараён асосан туркийзабон аҳоли яшайдиган минтақанинг шимолий-шарқий ҳудудларини чулғаб олди. Ушбу ҳудудларда ислом динининг ёйилишида Сомонийлар давлатининг таъсири ҳам бўлган. Масалан, Исфижоб, Тароз, Марки ва Кулон каби шаҳарларда сомонийларнинг ҳайриҳоҳлигига масжидлар қурилган<sup>1</sup>. Ислом дини таракқиётнинг табиий жараёни эканлиги ва ушбу ягона диний эътиқоднинг давлат бирлиги ҳамда ривожидаги аҳамиятини Қорахонийлар давлати ҳукмдорлари чукур ҳис этишган. Давлат таркибидаги аҳолини бу қадар кенг миқёсда ислом динига ўтиши ижобий жараён эди, албатта. Лекин туркий қабилаларда исломлашиш жараёни бир текисда осон кечмаган. Чунки юқорида тилга олиб ўтилганидек, туркийларда қадимдан ўзлари сиғиниб келган Кўк Тангри ва шомонлик дини уларнинг руҳиятига чукур сингиб кетган эди. Шунинг учун ҳам туркий қабилалар ислом динига ўтиб, унга эътиқод қилишса-да, уларнинг онгода, ўзларининг анъанавий диний дунёқарашининг излари сақланиб қолди. Жумладан, туркий қабилалар исломгача Кўк Тангрига сиғиниб, ўз худоларига «Тангри», дея мурожаат қилишган бўлса, ислом динига ўтганларидан кейин айнан шу «Тангри» атамаси эндиликда Оллоҳга нисбатан қўллана бошланди.

<sup>1</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Соч. Т. II. Ч. I. – С. 242.

Демак, туркий халқларда ислом дини уларнинг қадимий ўз диний карашлари, эътиқоди билан уйғуналашиб кетган эди.

Хулоса сифатида айтганда, Қорахонийлар давлатининг дастлабки даврларида (VIII асрнинг 2-ярми – IX асрнинг 1-ярми) унинг ижтимоий-иктисодий негизини асосан кўчманчи-чорвачилик хўжалиги ташкил этган. Давлат бошқаруви ва қабилалар ўртасидаги муносабатлар ҳам шу асосда шаклланиб келган анъанавий удумлар билан бевосита боғлиқ бўлган. Ҳоқонликнинг кейинги даврларида (XI-XII асрлар) эса давлатнинг худудий чегараларининг ниҳоятда кенгайиб бориши натижасида, унинг этник таркибий хусусияти ҳам ўзгариб борди. Қорахонийлар давлати энди ҳам кўчманчи, ҳам турғун аҳолини бирлаштириб турган улкан салтанатга айланган эди. Бу даврда кўчманчи аҳолининг қўпчилик қисми ўтрок ҳаётга ўтиб, шаҳар ва қишлоқларда яшашган ҳамда дехқончилик, хунармандчилик соҳалари билан кун кечира бошлашган.

Худуддаги шаҳар ва қишлоқларнинг аксарияти Буюк Ипак йўлида жойлашганлиги туфайли бу ўлкаларда савдо-тижорат ҳам ривожланиб борган. Буларнинг барчasi минтақадаги кўчманчи ва турғун аҳоли ўртасидаги ўзаро этник-маданий муносабатларни янгича тараққиёт босқичига олиб чиққан, бунинг самараси натижасида ўзбек халқининг халқ сифатида шаклланиш жараёни ҳам айнан шу даврда (XI-XII аср) ўз ниҳоясига етган

### **3.2. Қорахонийлар давлат бошқарувининг ўзига хослиги**

Қорахонийларнинг давлат бошқарув тарихи шу даврга қадар алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида чуқур ўрганилмаган. Буни шу давлат тарихи бўйича йирик тадқиқотчи олим ҳисобланган О.К. Кораев ҳам қайд этган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Кораев О. История Караканидского каганата. – С. 245.

Шунинг учун, тадқиқотимизнинг ушбу қисмида асосан Қорахонийлар давлат бошқаруви ва унинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз юритамиз.

Қорахонийлар давлат бошқарув тизими алоҳида хусусиятга эга бўлиб, унинг дастлабки тарихий босқичида (VIII асрнинг 60 йиллари – IX асрнинг 1-ярми) бошқарув тизими оддий кўринишга эга бўлган бўлса-да, кейинги ривожланган даврида (XI-XII асрлар) эса бу йўналиш анча мураккаблашиб, такомиллашган тусга кириб борди. Ушбу давлат қарлук қабилалар иттифоқи негизида ташкил топган дастлабки даврда давлат бошлиғи бўлган жабгуниг ваколат доираси у қадар кенг бўлмаган. Жабгу қабилалар иттифоқи таркибидаги ҳар бир қабила сардорининг хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашиши шарт эди. Қабила сардорлари эса биринчи навбатда ўз қабиласининг манфаатларини ҳимоя қилган. Иттифоқ таркибидаги қабилалар асосан кўчманчи-чорвачилик билан кун кечиришган. Шу сабабли, улар орасида яхши яйлов ерлари учун кураш, ўзаро келишмовчиликлар бўлиб турган. Давлат ҳукмдори бўлган жабгу бундай вазиятда қабилалар ўртасидаги низоларни имкон қадар бартараф этиши зарур ҳисобланган.

Чунки давлатнинг яшовчанлик қобилияти, унинг таркибидаги қабилаларнинг ўзаро баҳамжихатлилиги билан боғлиқ эди. Давлат бошқарувига кўра энг юқорида «жабгу» унвонидаги ҳукмдор турса, ундан сўнг «таксин» ёки «элтибор» унвонидаги қабила бошликлари турган. Уруғ бошликлари эса «бек» унвони билан аталган<sup>1</sup>. Жабгу унвони Қорахонийлар давлати салтанат даражасига эришгунга қадар энг юқори мартабали унвон ҳисобланган. Лекин кейинчалик бу унвон хоқон ўринбосарларига берилиб, улар давлат бошқарувида хоқондан кейинги ўринни эгаллашган<sup>2</sup>. Аввал ҳам айтганимиздек, Кушон салтанатида ҳам дастлабки даврда ҳукмдорлар ўзларига «шаҳаншоҳ» унвонини олгунга қадар жабгу унвони билан аталган. Қабила бошликларининг унвони бўлган «таксин» ёки «элтибор» атамалари

<sup>1</sup> Шониёзов К.Ш. Қарлук давлати ва қарлуклар. – Б. 35-36.

<sup>2</sup> Махмуд Кошгари. Девону луготит-турк. З-жилд. – Б. 39.

хусусига келсак, «элтибор» унвонининг маъноси ҳакида биз манбаларда бирон-бир маълумотларни учратмадик. Лекин «таксин» атамаси Маҳмуд Кошғарий асарида «тўксин» шаклида қайд этилиб, унга «халқ орасидан чиқсан хондан уч даражада паст амалдаги киши», дея изоҳ берилган<sup>1</sup>.

Демак, Қорахонийлар давлатининг дастлабки даврида жабғудан сўнг иккинчи ўринда турган таксин унвонидаги киши кейинчалик давлат бошқарувида ҳоқондан кейин учинчи даражали мансаб эгасига айланган. Маҳмуд Кошғарий бу маълумотларни ўз даврининг (XI аср) воқеа-ходисалари асосида ёзганига эътиборни қаратсак, масала ўз-ўзидан ойдинлашади, яъни вақт ўтиши мобайнида давлат бошқарувига оид бўлган тартиб-қоидалар, давлат унвонлари ва мансаблари ўз нуфуз, даражасини ҳам ўзгартириб борган. Аммо уруғ бошлиқларининг унвони бўлган «бек» атамаси мазмун-моҳиятини узоқ сақлаб келган.

Бу даврда жабгу қабилалар иттифоқининг ҳукмдори сифатида ўз тасарруфидаги қабилаларни ташқи ҳужумлардан ҳимоя килган. Кулай вазият туғилганда эса қўшни давлатларнинг ерларини эгаллаш ҳисобига ўз ҳудудини кенгайтириб борган. Тинч-осойишта вақтларда жабғу ва бекларнинг фаолияти у қадар сезилмаган. Лекин турли урушлар юз берганда давлат тақдири уларнинг ҳарбий қобилияти ва қурдатига ҳар жиҳатдан боғлиқ бўлиб колган. Одатда, бундай вазиятда жабғунинг буйруғи билан барча қабила ва уруғ бошлиқлари бўлган таксин ҳамда беклар ўзларига тегишли ҳарбий жангчилар билан белгиланган жойда саф тортишган. Жумладан, жабғу буйруғига биноан Беклик шахри – 3000, шу шаҳар атрофида яшовчи чиғиллар — 7000, туркашлар истиқомат қилувчи Хут-Куел шахри – 5000, Барсағон шахри – 6000, Йор қишлоғи – 3000, Дулунгаж қишлоғи эса – 300 жангчи йигитлари билан тўпланишган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит-турк. 1-жилд. – Б. 410.

<sup>2</sup> Бартольд В.В. Извлечение из сочинения Гардизи «Зайн ал-ахбар». Сочинения. Т. VIII. – С. 51, 61-62.

Демак, ҳар бир шаҳар ва қишлоқни бошқарувчи қишилар қўлида ўз ҳарбий аскарлари бўлган. Улар ўз ҳудудларини бошқаришда ҳам шу ҳарбий кучларга таянишган. Ушбу давлатда белгиланган вақтда уруғ ва қабила бошликлари жабғу ҳузурида йигин ўтказиб туришган. Йигинда уруш қилиш, сулҳ тузиш, қабилаларо муносабатлар, жабғуни сайлаш ва бошқа муҳим масалалар кўриб чиқилган. Бунда албатта қадимдан шаклланиб келган уруғ-қабилавий удумларга қатъий риоя қилинган. Унга қўра, ёши улуғ сардорларнинг обрў-эътибори баланд бўлиб, улар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар давлат бошқарувида ўз таъсир кучига эга бўлган. Қабилаларнинг ўзаро иттифоки негизида юзага келган бундай давлатда, давлатнинг ички осойишталиги ва мустаҳкамлиги қабила сардорлари ва ҳукмдорларининг қай даражада келишувига ҳамда уларнинг тегишли қонун-қоидаларга қатъий риоя этишлари билан белгиланган. Аммо бу ҳодиса доимо осон кечмаган. Туркийларда қабилаларнинг ўзаро уюшмаси асосида юзага келган барча давлатлар ҳам йирик салтанат даражасига эришиб, узок ҳукмронлик қила олмаган. Бунга унинг ички қабилаларо низолари билан давлат бошқарувида белгиланган удумларнинг бузилиши сабаб бўлган. Туркаш ҳоқонлигининг қисқа ҳукмронлиги ҳам шу туфайли эди. Қораҳонийлар давлати эса бу эврилишларни четлаб ўтиб, йирик давлат даражасигача юксалиб борди. Бу давлатда, давлат таркибидағи йирик қабилалар ўртасида давлат бошқаруви йўлидаги манфаатли тўқнашувларга йўл қўйилмади. Уларнинг барчаси ҳоқон теварагида бирлашган ҳолда давлат бошқарувида ҳамжиҳатлик билан қатнашди. Натижада, давлат ичидаги бирлигига путур етказувчи, Туркий ҳоқонликда бўлгани сингари дулу ва нушиби низолари ёки Туркаш давлатидаги сарик ва қора этник гурухлари ўртасидаги ўзаро қирғинбарот урушлар каби воқеа-ҳодисалар юз бермади. Албатта, бу Қораҳонийлар давлатини ички осойишталигини сақлаб қолишида жуда катта ёрдам берди. Шундай бўлса-да, ушбу давлат таркибида ҳам қабилалар ўртасида баъзи бир масалаларда ўзаро жанжалли келишмовчиликлар юз

бериб турган. Аммо бу низолар у даражада катта ва чукур инқирозли күринишга эга бўлмаган.

Юкорида айтиб ўтилганидек, Қорахонийлар давлати IX-X асрлар давомида ўз таркибига жуда кўп туркий қабилаларни уюштириб борди. Шу билан бирга турғун аҳоли яшайдиган кенг ҳудудлар ҳисобига ўз ҳукмонлик доирасини кенгайтирди. Шунинг учун бу улкан давлатни бошқаришда аввалги уруғ-қабилавий удумлар, қонун-коидаларни ислоҳ қилиш зарурати туғилган яъни, давлат таркибидаги ҳам кўчманчи, ҳам ўтрок аҳолини уюштирган ҳолда бошқариш учун бирмунча мукаммаллашган бошқарув тизимиға ўтиш давр талаби бўлиб қолади. Бунинг учун қорахонийлар ўзларидан олдин ўтган туркий давлатларнинг давлатчилик тажрибасидан унумли фойдаланиш билан бирга ўзларига хос бўлган бошқарув услубини ҳам яратишиди.

Қорахонийлар давлати катта давлатга айлангач (XI-XII аср) давлат ҳоқонлари энди «корахон» унвони билан таҳтда ўтиришган. Улар айни вактда «буғрахон», «арслонхон», «тонга» ва «тавғачхон» унвонлари билан ҳам улуғланган. Ҳоқон олий ҳукмдор сифатида мутлақ ваколатларга эга бўлган. У мамлакат ҳаётига доир «ёрлиғ», деб номланган мухим фармонлар чиқарган<sup>1</sup>. Фармонларга унинг «туғрак» номли муҳри ҳам босилган<sup>2</sup>.

Ҳоқон қароргоҳи пойтахт ҳисобланган Боласогун шаҳрида жойлашган эди. У шу ерда туриб бутун салтанатни ўзининг аъёнлари ёрдамида бошқарган. Тадқиқотчи О. Прицакнинг фикрича, давлат ҳукмдори бўлган Қорахон мамлакатни Шерикхон билан бирга идора этган. Шерикхоннинг қароргоҳи Кошғарда бўлиб, айни вактда у буғрахон унвони билан улуғланган. Олим фикрини яна давом эттириб, Қорахон вафот этгач унинг ўрнини Шерикхон эгаллаб, Қорахон унвонини ҳам қабул қилган, деб қайд

<sup>1</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит-турк. З-жилд. – Б. 49.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 1-жилд. – Б. 430.

этади<sup>1</sup>. О. Прицакнинг бу фикрига К.Ш. Шониёзов ҳам алоҳида эътиборни қаратган. Лекин бу маълумотларни манбаларга асосланмаганлиги учун унга танқидий муносабатини ўз фикр-мулоҳазалари орқали билдириб ўтган<sup>2</sup>.

Агарда биз О. Прицакнинг қайд этилган фикрларига чуқурроқ назар солиб, мантикий мулоҳаза юритсак, ундаги камчиликлар билан бирга маълум бир тўғри жихатлари борлигини ҳам қўришимиз мумкин. Унинг бу борадаги фикрларини таҳлил этадиган бўлсак, Қораҳонийлар давлатида Қораҳон бу – «буюк хон» ҳисобланган. Давлатнинг энг улуғ ҳукмдори сифатида у мутлоқ ваколатларга эга бўлган. Бошқа турли мансабдорлардан тортиб то оддий фуқароларгача бўлган барча кишилар унинг хизматчилари, деб юритилган. Шунинг учун ҳукмдорга давлат бошқарувида тенг ҳуқуқли киши сифатида Шерикхоннинг бўлганлиги ҳакидаги фикрга қўшилиб бўлмайди. Бу туркий халқларнинг давлат бошқарувига оид мафкуравий қарашларига ҳам тўғри келмайди. Ундан ташқари О. Прицакнинг давлат бошқарувида Қораҳон номига «арслонхон», Шерикхон номига эса «буғрахон» унвони қўшиб айтилгани ва арслонхон унвонидаги киши чиғил қабиласига, буғрахон унвонидаги киши эса яғмо қабиласига тегишли кишилар бўлганлиги хусусидаги фикрларига ҳам қўшилиб бўлмайди.

Ҳоқонлар шубҳасиз бир сулолага мансуб бўлиб, уларда энг ёши улуғ киши оға-ини тартибида «қораҳон» унвони билан тахтга ўтирган. Энди тадқиқотчининг Шерикхон Қошғарда турган деган фикри хусусига келсак ва Қошғарни Ордукент номи билан аталганини эсга олсак, ҳақиқатдан ҳам О. Прицакнинг бу маълумоти эътиборлидир. Ордукент номидаги «орду» бу – қароргоҳ, ҳукмдор турар жойи, «кент» — атамаси эса туркийларда баъзан қишлоқ, баъзан шаҳар маъносини англашган<sup>3</sup>. Албатта, бу ўринда шаҳар

<sup>1</sup> Pritsak O. Karachanidi sene streiffragen // Oriens. 1950. Vol. 3. – №2. – S. 210-212; Die Karachaniden // Der Islam. – Berlin, 1953. – Bd.31, Haft. 1. – S. 23-25.

<sup>2</sup> Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Б. 331.

<sup>3</sup> Махмуд Кошғарий. Девону луготит-турк. I-жилд. – Б. 329-330, 410.

маъносида келган. Демак, Қошгарга бежизга Ордукент номи берилмаган. Унинг мамлакат ҳаётидаги иқтисодий-маданий жиҳатдан ташқари маъмурий марказ сифатида ҳам муҳим ўрни бўлган. Лекин бизнинг фикримизча бу шаҳарда О. Прицак айтганидек Шерикхон эмас, балки валиаҳд истиқомат қилган. Туркий давлатларда бўлажак ҳукмдор ҳоқон саройидан ташкарида, кўпгина ҳолларда муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган чегара вилоятларга жўнатилган. У шу ерда туриб, давлатни мустақил бошқаришнинг сирсиноатларини ўзига бириктирилган кишилар ёрдамида ўрганган. Бу коида давлатчилигимиз тарихида XVI-XVII асрларда ҳам мавжуд бўлган. Жумладан, Шайбонийлар ва Аштрахонийлар давлатида валиаҳд шахзода чегара ҳудуд ҳисобланган Балх вилоятида тарбияланган<sup>1</sup>. Қошгар воҳаси ҳам Корахонийлар давлатининг муҳим шарқий ҳудуди ҳисобланиб, бу ерни валиаҳд шахзода ўзига берилган улус сифатида бошқарганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Албатта, бу бизнинг фикримиз, бу ҳақда изланишлар ҳали давом этади, деб ўйлаймиз.

Корахонийларда ҳоқон давлатни даргоҳ ва девон кўмагида идора этган. Даргоҳ ва девон марказий давлат бошқармасининг икки бўлими сифатида фаолият юритган. Даргоҳ бевосита ҳоқон қароргоҳи ҳисобланса, девон у томондан чиқарилган фармон ва кўрсатмаларни мамлакат узра ижросини таъминлаган.

Давлат бошқарувида жуда кўп нуфузли мансаб эгалари иш олиб боришган. Улар ичида энг нуфузли даражага эга бўлган мансабдор бу – «йуғруш» бўлиб, у вазирлик даражасидаги киши ҳисобланган<sup>2</sup>. Йуғруш ҳоқонга энг яқин кишилардан бўлиб, давлат бошқарувида ҳукмдордан кейинги ўринда турган. Бундай лавозимга ақл-заковатли, синалган ва кўпинча ёши улуғ кишилар тайинланган. Одатда, бундай лавозимдаги киши

<sup>1</sup> Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Б. 243.

<sup>2</sup> Махмуд Кошғарий. Девону луготит-турк. З-жилд. – Б. 47.

энг оғир вазиятларда ҳам ўз ҳоқонига түгри йўлни кўрсата биладиган шахс сифатида давлат бошқарувида катта тажрибага эга бўлган.

Қорахонийлар даврида улуғ ҳожиб ва ҳожиблар лавозимига ҳам катта эътибор берилган. Бундай даражага кенг билимли, юксак аҳлоқий хислатлар эгаси бўлган кишиларгина сазовор бўлишган. Юсуф Ҳос Ҳожиб ва Маҳмуд Кошғарийдек улуғ олимларнинг бу масъулиятли вазифани бажарганлиги бежиз эмас, албатта<sup>1</sup>. Улуғ ҳожиб ва ҳожибларни вазифаси эл-юрт ва вилоятлар билан ҳоқон саройи ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш бўлган. Бу масалада улар ҳоқоннинг энг яқин маслаҳатчиси ҳисобланишган<sup>2</sup>.

Бундан ташқари улуғ ҳожиб саройда қонун-қоидалар, расм-руслар тартибини назорат қилиб борган. Саройдаги ҳазиначи, котиб каби турли хизматчилар фаолиятига раҳбарлик қилган. Бошқа давлатлардан келган элчи ва меҳмонларни қабул қилиш, уларни ҳоқон билан учрашувини таъминлаш, тегишли совға-саломларни топшириш каби вазифалар ҳам улуғ ҳожибнинг ваколат доирасига кирган. Шунингдек, улуғ ҳожиб оддий халқ аҳволидан яқиндан хабардор бўлиб, уларнинг арз-додини ҳукмдорга етказиб турган<sup>3</sup>.

Ҳоқонликда яна бир катта лавозим бу – «қапуғбоши» бўлган. Маҳмуд Кошғарий «қапуғ» атамасини эшик маъносида келишини айтиб ўтган<sup>4</sup>. Демак, қапуғбоши бизнинг тушунчамиздаги «эшик оғаси» деган маънони англатар экан. Унинг вазифаси даргоҳдаги барча ички ишларни олиб бориш бўлган<sup>5</sup>. Унга кўра саройни қўриқлаш, соқчиларни жой-жойига қўйиб чиқиш, ҳукмдор олдига кириб- чиқувчи ҳар бир кишини назорат қилиш ва ишончсиз, шубҳали кишиларни саройга яқин йўлатмаслик каби ишлар унинг зиммасида бўлган. Бундан ташқари бу мансаб эгаси саройда бўладиган меҳмондорчилик вақтида дастурхонга қўйиладиган турли таомлар ва шарбатларни текшириб,

<sup>1</sup> Кораев О. История Караканидского каганата. – С. 246.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Юсуф Ҳос Ҳожиб. Кутадгу билг. – Б. 397-407.

<sup>4</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит-турк. 1-жилд. – Б. 166.

<sup>5</sup> Юсуф Ҳос Ҳожиб. Кутадгу билг. – Б. 409-417.

эхтиёткорлик чора-тадбирларини кўрган<sup>1</sup>. Агарда ҳоқон ов қилишга ёки жангга отланиб саройдан ташқарига чиқадиган бўлса, эшик оғаси унга хамроҳлик қилиб, сафарда бирга юрган ва ҳоқон ҳаётини ҳавф-хатардан муҳофаза қилишга ҳаракат қилган<sup>2</sup>.

Даргоҳда «бирук» номли мансабдор ҳам фаолият кўрсатган. Маҳмуд Кошғарий унга «шоҳ ёнида катталарни ўз жойига ўтказувчи киши, деб изоҳ берган<sup>3</sup>. Бирук саройдаги меҳмонларни қабул қилиш, уларга керакли хизматларни ташкил этиш ва уларни хукмдор олдида тартиб билан ўз ўрнига ўтказиш каби вазифаларни бажарган.

Ҳоқонликда «ағичи» номли лавозим эгаси ҳам мавжуд бўлган. Маҳмуд Кошғарий уни «ипак кийимларни сақловчи ҳазиначи», деб қайд этган<sup>4</sup>. Ҳақиқатан ҳам «ағи» сўзи ипак кийимни англатган<sup>5</sup>. Ағичи номи шундан олинганилиги шубҳасизdir. Лекин бизнинг фикримизча Қорахонийлар давлатида марказий давлат бошкармасида хизмат қилувчи ағичи мансабидаги киши нафақат ипак кийимларни сақловчи, балки том маънода ҳазинадор ҳисобланган. Чунки Қорахонийлар давлатининг дастлабки даврида ипак ва ипак кийимлар ниҳоятда қимматбаҳо маҳсулот ҳисобланган. Унинг парчаларидан валюта ўрнида товар айрибошлиш сифатида фойдаланилганилиги ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Лекин кейинги даврларда, аниқроғи XI-XII асрларда қорахонийлар томонидан Қошғар, Ўзган, Боласоғун, Шош, Самарқанд, Бухоро, Термиз каби шаҳарларда кўплаб танга пулларни зарб этилганилиги туфайли<sup>6</sup> бунга ҳожат қолмаган бўлса керак. Шундай бўлса-да, ипак матосининг қадри баланд бўлгани учун у кейинги даврларда ўзида «хазина» мазмунини акс эттирган бўлиши мумкин.

<sup>1</sup> Юсуф Ҳос Ҳожиб. Кутадғу билиг. – Б. 409-417.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит-турк. 1-жилд. – Б. 359.

<sup>4</sup> Ўша жойда. 1-жилд. – Б. 155.

<sup>5</sup> Ўша жойда. 1-жилд. – Б. 116.

<sup>6</sup> Кочнев Б.Д. Караканидские монеты: Источниковедческое и историческое исследование: Автореф.дис. ... докт. ист. наук. – Москва: ИВ РАН, 1993. – С. 45; Кочнев Б.Д. Нумизматическая история Караканидского Каганата (991-1209). – Москва: София, 2006. – С.13-148; Çınar Soñer Hunkan. Türk hakanlığı. – İstanbul, 2007. – S.417-489.

Давлат хазинадорлиги муҳим вазифа ҳисоблангани учун бундай лавозимга ўта садоқатли ва ҳисоб-китоб илмини жуда чукур билган киши тайинланган. У даргоҳда туриб, барча кирим-чиқим ишларини ёзма равишда қайд этиб борган. Давлат хазинасидан ортиқча сарф-ҳаражатларга йўл қўймаган. Айни вақтда, хазинанинг умумий аҳволи тўғрисида хукмдорга ҳисобот бериб турган<sup>1</sup>.

Хукмдор саройида воқеа-ходисаларни ёзиб борувчи «битигчи» ва «алимга», деб аталувчи ҳоқон мактубларини туркий тилда ёзувчи котиб ҳам бўлган<sup>2</sup>. Юсуф Ҳос Ҳожибининг қайд этишича, ҳоқоннинг икки сирдоши бўлган, бири вазир бўлса, бири унинг котибидир<sup>3</sup>. Шунинг учун котиб давлат сирини билгувчи киши сифатида уни сақлай билиши шарт ҳисобланган.

Қорахонийлар давлатида эл-юрт ва вилоятларни марказ билан боғлаб турувчи алоқа-почта масаласи алоҳида эътиборда бўлган. Пойтахтда қабул қилинган фармонлар ва турли расмий кўрсатмаларни шаҳар ва вилоятларга етказиш, ўз навбатида жойлардаги воқеа-ходисалар хусусида маълумотларни даргоҳга жўнатиш бу тизимнинг асосий вазифаси ҳисобланган. Хат-хабарни тегишли манзилга тез ва қулай етказиш учун «улағ», деб номланган маҳсус чопқир отлар ажратиб қўйилган<sup>4</sup>. Бу эса ҳоқонга мамлакатда бўлаётган воқеа-ходисалардан ўз вақтида хабардор бўлиш ва тегишли чораларни кўриш имконини берган.

Бу даврда ташқи ишлар масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилган. Ташқи ишлар билан шуғулланувчи мансабдор, яъни элчини Маҳмуд Кошғарий «ялафор», деб атаса, Юсуф Ҳос Ҳожиб «ялавоч», деб номлаган<sup>5</sup>. Умуман олганда, элчилар олдига жуда катта талаблар қўйилган. Юсуф Ҳос Ҳожибининг таъкидлашича, улар «билимли, ўкувли, етук, шерюрак, кўзи тўқ, уят-андишли» бўлишлари ҳамда турли соҳаларни эгаллаганликлари, яъни

<sup>1</sup> Юсуф Ҳос Ҳожиб. Кутадгу билиг. – Б. 439-449.

<sup>2</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит-турк. 1-жилд. – Б. 161, 365.

<sup>3</sup> Юсуф Ҳос Ҳожиб. Кутадгу билиг. – Б. 429-437.

<sup>4</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит-турк. 1-жилд. – Б. 143.

<sup>5</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит-турк. 2-жилд. – Б. 334; Юсуф Ҳос Ҳожиб. Кутадгу билиг. – Б. 419.

астрономия, математика, геодезия илмларини мукаммал билиши, шахмат ва нардани рақибларидан устун даражада ўйнаши, ҳарбий санъатда тенгсиз бўлиши, ҳеч қачон май ичмаслиги, сўз, ибораларни тўғри ва кўчма маъноларини англай биладиган, турли тилларда хатларни ўқий оладиган ва сўзлашадиган бўлиши шарт ҳисобланган<sup>1</sup>.

Албатта, Қорахонийлар даврида минтакада бошқа қудратли давлатлар ҳам фаолият олиб борган. Улар билан муносабатларни режадагидек олиб бориш, вазиятни тўғри баҳолай билиш ва ҳар қандай нокулай вазиятда ҳам оқилона йўл тутиб, ўз давлатини турли талофатлардан саклаб қолиш кўпинча элчиларнинг маҳоратига боғлиқ бўлган. Шу сабабли элчилик мансаби юқорида келтирилган қатор хислатлар эгаси бўлишдан ташқари катта сиёсий тажрибага эга бўлган ва халқаро вазиятдан чукур хабардор кишиларгагина топширилган.

Қорахонийлар давлати ўз фаолиятини сўзсиз ўрта асрлардаги барча давлатлар каби ҳарбий кучларга доимий таянган ҳолда олиб борган. Шунинг учун ҳарбий кучларга эҳтиёж баланд бўлиб, марказий ҳокимият уни сифат жиҳатдан ривожлантиришга ва такомиллаштиришга катта эътибор билан қараган. Бу давлатнинг ҳарбий қўшинлари турли қурол-яроғлар билан, жумладан, қилич, қалқон, ўқ-ёйдан ташқари «ашуқ» – темир дубулға, «суну» найза, «кесма» – энсиз узун найза ва «богда» номли ханжар кабилар билан қуролланишган<sup>2</sup>.

Ҳарбий қўшинларнинг жойлашиш ўрни ва ҳаракати қатъий белгилаб қўйилган тартиб асосида амалга оширилган. Унга кўра, оддий аскар «су» деб номланса, бутун ҳарбий қўшиннинг саф тортиши «черик» дейилган. Ҳар бир ҳарбий қисм ўзига юклатилган вазифани бажарган. Ҳусусан, «хайлбоши» – отликлар гуруҳига бошчилик қилган, «йизак» – қўшиннинг авангарди сифатида олдинда юрган, «човуш» – жангларда сафларни тузатган, осойиш-

<sup>1</sup> Юсуф Ҳос Ҳожиб. Кутадѓу билиг. – Б. 419-427.

<sup>2</sup> Махмуд Кошгариј. Девону луготит турк. 1-жилд. – Б. 67, 97, 340, 393, 407; 3-жилд. – Б. 22, 379, 393.

талик вактларида бўлса аскарларни ўзбошимчалик билан тинч аҳолига озор етказишдан сақлаган. Ҳарбий қўшинларга йўл кўрсатиб бориш эса «куловуз» зиммасида бўлган.

Умумий қўшиндан ташқари маҳсус сараланган ҳарбий қисм ҳам фаолият кўрсатган. Бу ҳарбий қисм «йортуг» номи билан юритилиб, хукмдорни атрофидаги бориб, уни ҳавф-хатардан химоя қилган. Хукмдорнинг шахсий кўриқчиси эса «йатғоқ», деб аталган<sup>1</sup>.

Қўшинга умумий раҳбарлик, яъни лашкарбоши «субаши», деб номланиб бундай лавозимга ҳарбий жиҳатдан катта ҳаётий тажрибага эга бўлган энг садоқатли кишилар тайинланган<sup>2</sup>. Кўпинча бу масъулиятли вазифани сулола хонадонига мансуб кишилар адо этишган. Масалан, Қораҳонийлар давлатини Аҳмад ибн Али Арслонхон бошқарган (998-1017/1018) даврида қораҳонийларнинг Мовароуннаҳрга ҳарбий юришлари жадаллашди. Бу ҳарбий юришга хоқоннинг укаси Носир ибн Али бошчилик қиласи, унинг лашкарбошлигида қораҳонийлар қўшини 994 йилда Фарғона ва Хўжандни, 995-996 йилларда Элок ва Шош ҳудудларини, 997 йилларда эса Уструшонани эгаллаб, Мовароуннаҳрнинг марказий ҳудудларига қириб боради<sup>3</sup>.

Ҳарбий қўшинларни бошқариш тактика жиҳатдан ҳам анча такомиллашиб борган. Олиб бориладиган ҳарбий ҳаракатларга олдиндан барча тайёргарликлар кўрилган. Ҳар бир ҳарбий қисм ўзига тегишли вазифани бажариш чоғида шунга ихтисослашиб борган. Ҳарбий юришлар вақтида душман қўшинига қарши пистирма қўйиш, душман хужумидан сақланиш учун баланд ва қулай жойларга ҳарбий истехкомлар қуриш (қарғу), кечаси эса душман устига қўққисдан хужум уюштирадиган (ақинчи) маҳсус ҳарбий бўлинмалари шулар жумласидандир<sup>4</sup>. Урушда ўзини кўрсатган аскарлар баҳодирлиги учун тақдирланишган, уларни келгуси жангларда янада

<sup>1</sup> Маҳмуд Кошгариј. Девону луготит турк. 1-жилд. – Б. 144, 149, 349; 2-жилд. – Б. 236; 3-жилд. – Б. 26, 48, 49, 226.

<sup>2</sup> Юсуф Ҳос Ҳожиб. Кутадғу билиг. – Б. 374-396.

<sup>3</sup> Шониёзов К.Ш. Қарлук давлати ва қарлуклар. – Б. 51.

<sup>4</sup> Маҳмуд Кошгариј. Девону луготит турк. 1-жилд. – Б. 106, 153, 219, 352, 401, 430.

рухлантириш учун мансаблари ҳам оширилган. Ўзини ҳарбий қобилиягини юксак даражада кўрсата олган жангчилар, ҳатто шахсан ҳоқон назарига тушиб, унинг илтифотига сазовор бўлишган. Бундай обрў-эътиборга кўпгина ҳолларда ижтимоий келиб чиқиши қул бўлган турк аскарлари эришган. Махмуд Кошғарий ўз асарида Кутлугтегин, Чагритегин, Кумуштегин, Кучтегин, Алптегин каби қул исмларини қайд этганлиги, бунинг далолатидир<sup>1</sup>. Шубҳасиз, улар ҳоқонга сидқидилдан хизмат қилиб, шунга муносиб равишда унинг эътиборини қозонишган. Демак, корахонийларда кишини ижтимоий келиб чиқишига эмас, балки унинг қобилияти ва истеъодига қараб танлашган.

Диссертациямизнинг аввалги қисмларида ҳам айтиб ўтилганидек. Корахонийлар давлатида маҳаллий ҳокимият бошқарув тизими ҳам шакллантирилган эди. Бу тизимга кўра давлат тўртта маъмурий бирликларга бўлинган ҳолда бошқарилган. Улар эл-юрг, вилоят, шаҳар ва туман ҳамда қишлоқ бошқарувидан иборат бўлган, эл-юргни элоқхон, вилоятни тегин, шаҳар ва туманларни ҳоким, раис, муҳтасиблар бошқаришган. Кишлок бошқаруви эса «тузун» номли оқсоқол қўлида бўлган. У айни вақтда, ўз кўл остидаги қишлоқнинг бош мироби ҳам ҳисобланган. «Чубан» (Жўйбон – Б.М.) номидаги мансаб эгаси унинг ёрдамчиси бўлган<sup>2</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, Корахонийлар давлат бошқаруви узок даврий босқичларда ривожланиб борган. Давлат ташкил топган дастлабки даврларда унинг бошқарув тизими қабилалар иттифоқининг кўчманчи-чорвачилик ҳаёти ва уруг-қабилавий удумлари асосига қурилган эди. Лекин ушбу давлат ўзининг кейинги фаолияти давомида худудий жиҳатдан кенгайиб, ўз таркибида кўчманчи ва ўтроқ аҳолини бирлаштириди. Натижада, бу давлатда ҳам дашт, ҳам шаҳар идора маданиятини уйғунлаштирган ўзига хос давлат бошқарув тизими қарор топди

<sup>1</sup> Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. 1-жилд. – Б. 144, 391; 2-жилд. – Б. 123; 3-жилд. – Б. 251.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 1-жилд. – Б. 380 ва 382.

## Х У Л О С А

Диссертациянинг хулоса қисмida ушбу тадқиқотда эришилган асосий муҳим натижалар умумлаштирилиб, куйидаги хулосаларга келинди:

I. Қорахонийлар давлати мінтақанынг катта худудида (Еттисув, Исфіжоб ва Шош вілойтлари, Шаркый Туркистаннинг ғарбий қисмida, XI асрнинг бошларидан эса Мовароуннахр худудларида) ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ва іқтисодий-маданий жиҳатдан етилган шарт-шароитга кўра ҳамда шу худудларда яшовчи кўчманчи, ўтроқ аҳолининг ўзаро муносабатларининг ҳосиласи сифатида ташкил топди ва ривожланиб борди.

II. Қорахонийлар давлатининг шаклланиши ва унинг бошқарув тизими қарлуқ қабилалар иттифоқи асосида ташкил топган Қарлуқ давлатига бориб тақалади. Шунинг учун давлат тарихини икки босқичга бўлиш мумкин. Унинг биринчи босқичи VIII асрнинг 60-йиллари – IX асрнинг биринчи ярмини ўз ичига олади. Бу даврда давлат бошқарувида қарлуқ қабиласи етакчилик қилгани учун давлат “Қарлуқ давлати” номи билан юритилган. IX асрнинг ўрталаридан қарлуқ, чигил, яғмо, тўҳси, уйғур, ўғуз ва бошқа жуда кўплаб туркий қабилаларнинг бу давлат таркибида уюшиб бориши билан унинг худудий жиҳатдан чегаралари кенгайиб, куч-кудрати ортади. Давлатнинг юксалиб бориши натижасида, унинг ҳукмдори “қорахон”, яъни буюк хон номи билан аталган. Айнан шу даврдан бошлаб давлат “Ҳоқония”, яъни “Қорахонлар давлати” номи билан машҳур бўлган. Бу давр Қорахонийлар давлатининг иккинчи босқичи сифатида тавсифланади.

III. Қорахонийлар давлатининг юзага келиши кўпгина тарихий асарларда бир-бирига ихтилофли равишда битилганидек, айнан бир ёки икки қабила номи билан боғлиқ эмас. Ушбу давлат қабилаларни ўзаро иттифоқи – уюшмасидан ташкил топган. Шундай экан, давлатнинг юзага келишини бир ёки икки қабила номи билан боғлаш асоссизdir. Чунки мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва іқтисодий жабҳаларидаги ривожланишида ўлкада жойлашган барча қабилалар (қарлуқ, чигил, яғмо, тўҳси, арғу, халаҷ, аз, уз ва

бошқалар) ўзаро биргаликда меҳнат қилишган. Уларнинг ичида биронтаси ўзи якка ҳолда ушбу улкан ҳудудларда бу даражада куч-кудратга эришиши ва қўшни давлатлар билан рақобатлашишга, албатта, ожиз эдилар. Давлатда баъзи бир қабилалар (қарлук, чигил, яғмо) нисбатан устувор мавқега эга бўлган, лекин давлатнинг яшовчанлик қобилияти, кудрати унинг таркибидаги бошқа қабилалар ўртасидаги мувозанатга ва шу қабилалар иттифоқининг мустаҳкамлигига боғлиқ бўлган.

Ундан ташқари давлатнинг ҳудуди кенгайиб, кудрати ортган сайн унинг таркибидаги қабилаларнинг сони ва нуфузи ҳам ошиб борган. Бу эса ҳоқонликнинг сиёсий тадбирларига таъсир этмай қолмаган. Натижада, давлат бошқарувида барча қабилаларнинг ўзаро келишувчанлик кайфияти ҳам шаклланиб борган. Демак, Корахонийлар давлати деганда биз ўз даврининг жуда кўп туркий қабилалар иттифоқи – уюшмасидан иборат бўлган йирик ҳоқонликни тушунамиз.

IV. Давлатни “Корахонийлар” номи билан атаган В.В. Григорьев бу ҳакда ўз асарларида XIX аср охирида ёзган эди. Манбаларда эса кузатганимиздек, давлат номи тилга олинганда шу вақтда хукмронлик қилаётган ҳоқон исми ва унвонлари билан биргаликда мазкур ҳоқонлик “Буғрахон давлати”, “Ҳоқония ўлкаси”, “Корахон юрти” каби номлар билан атаб келинган. Давлатнинг номланиш масаласи унинг давлатчилик тарихи билан бевосита боғлиқдир. Юқорида қайд этилганидек, ушбу давлат тарихининг биринчи босқичида қарлук қабиласи етакчилик қилган ва хукмдор “жабғу” унвони билан аталган. Лекин давлат салтанат даражасига эришгач, унинг таркибидаги барча қабилалар тенг ҳукуқлилик асосида фаолият олиб боришган. Уларнинг хоҳиш-иродасининг ифодаси сифатида ҳоқонлар қабила тотемлари бўлган “арслонхон”, “буғрахон” каби унвонлар билан улуғланган. Лекин шу ўринда “корахон” унвони умумлаштирувчи мазмунга эга бўлиб, давлат таркибидаги барча кўчманчи ва ўтрок аҳолининг энг катта “буюк хони” маъносида кенг қўлланган. “Корахон” атамаси бу ўринда давлатчилик

тарихи билан боғлиқ тушунча бўлиб, у давлатнинг юксалиб бориши, тарихий босқичлари ва бошқарув тизимини такомиллашиб борганлигини ўзида ифода этган. Шу сабабли биз В.В. Григорьев томонидан рамзий номланган Қораҳонийлар давлатини “Қарлук – Қораҳонлар давлати” номи билан аташни тарихан мақсадга мувофиқ деб топдик. Щунингдек, давлат номидаги “корахонийлар” сўзидаги “ий” кўшимчаси ҳам ноўрин қўлланилиб келинмоқда. Чунки “корахон” атамаси юқорида айтиб ўтганимиздек, бу – хукмдор, сулола номи ёки жой ва қабила-уруг номи ҳам эмас. Бу давлат бошқарувида қўлланилган хукмдорнинг олий унвонидир.

V. Қораҳонийлар давлат бошқарувида жуда кўп унвонлар қўлланган. Бу унвонларни биз қўлланилиш тартибига кўра иккига бўлдик, яъни “буғрахон”, “арслонхон”, “тавғачхон” ва “қораҳон” унвонлари марказий ҳокимиятнинг олий хукмдори ҳоқон номига қўшиб айтилса, “элоқхон” ва “тегин” унвонлари эса маҳаллий ҳокимиятни бошқарувчи кишиларга берилган. Айни вактда, давлат унвонларини мазмунига кўра ҳам иккига бўлиш мумкин. Унга кўра, биринчиси – қабила тотемлари билан боғлиқ (буғра, арслон, тонга) унвонлар бўлса, иккинчиси – нуфуз ва даражани англатувчи (қораҳон, тавғачхон, элоқхон ва тегин) унвонлардир. Бу унвонларнинг атама сифатида этимологик жиҳатдан таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг ҳар бирининг мазмун-моҳияти давлат бошқарув тартибини ўзида акс эттирганлиги ойдинлашди.

VI. Давлатнинг ижтимоий-иктисодий ҳаёти ҳам ўзига хос ривожланиш босқичларига эга бўлиб, дастлабки даврда давлатнинг ижтимоий-иктисодий асосини кўчманчи-чорвадорлик ташкил этган. Кейинчалик Қораҳонийлар давлати катта худудларга эга бўлгач, ўзининг мураккаб таркибий хусусиятига кўра ҳам дашт, ҳам шаҳар маданиятини ягона минтақалараро йирик давлат асосида бирлаштирган эди. Энди унинг ижтимоий-иктисодий негизини кўчманчи-чорвадорлик билан бирга дехқончилик, хунармандчилик ва савдо-сотиқ ҳам ташкил этган. Бу борада қадимдан кучли иктисодий-

маданий марказ бўлиб келган Мовароуннаҳрнинг ўтроқ аҳолиси давлатнинг шимоли-шарқида яшовчи кўчманчи аҳолига ўзининг маданий таъсирини ўтказган. Шу билан бирга Мовароуннаҳрнинг марказий ҳудудларида қадимдан яшаб келаётган ва кейинчалик кириб келган кўчманчи туркий қабилаларнинг кўпчилиги ҳам ўтроклашиб, дехқончилик ва хунармандчилик соҳалари билан шугуллана бошлашган.

VII. Қорахонийлар давлат бошқарувининг энг юқорисида олий ҳукмдор сифатида қорахон турган. У давлатни марказий ҳокимият бошқармасининг икки бўлими, яъни даргоҳ ва девон кўмагида бошқарган. Марказий ҳокимиятда юқори мартабали қатор лавозим эгалари, яъни йуғруш, улуғ ҳожиб, лашкарбоши, қапуғбоши каби мансабдорлар иш олиб боришган. Улардан сўнг ағичи, котиб, бирук, күшчи номли мансаб эгалари ҳам бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзларига тегишли вазифани бажаришган. Маҳаллий ҳокимият тизимида эса давлат тўртта маъмурий бирликка бўлинган ҳолда бошқарилиб, ҳар бир маъмурий бирлик ўзининг юқорисида турган ҳокимиятга бўйсунган.

Диссертация иши натижаларидан келиб чиқиб, қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари суриш мумкин:

- диссертацияда келтирилиб қайд этилган маълумотларни “Ўзбекистон тарихи”, “Ўзбек давлатчилиги тарихи” фанларига оид маҳсус ўқув курслари, ўқув қўлланмалари ва дастурларига киритиш;
- “Ўзбекистон тарихи” фанига доир дастурларда берилган “Қорахонийлар давлати” номини “Қарлук-Қорахонлар давлати” деб ўзгартириш ва давлатнинг тарихий тараққиёт босқичларини иккига бўлиб, унинг умумий фаолият даврини 766 – 1212 йиллар деб белгилаш;
- “Ўзбекистон тарихи” фанига тааллуқли дарсликлар ва ўқув қўлланмаларида қайд этилган “Қарлук давлати” ҳамда “Қорахонийлар давлати” номли мавзуларни ҳам шунга мувофиқ равишда яхлитлаш ва уни кенгайтирилган шаклда қайта тузиш;

Ўзбек ҳалқини ҳалқ сифатида шаклланишининг ниҳоясида Қарлуқ-Кораҳонлар давлатининг ўрни ва роли бекиёс даражада бўлганлигини назарда тутиб, “Ўзбек ҳалқи этногенези ва этник тарихи” фанига оид дастурларда мазкур давлат тарихига бағишлиланган қўшимча тўлдирилган маҳсус боб ажратиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

**1.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари:**

- 1.1. Каримов И.А. Туркистон – умумий уйимиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – Б. 46.
- 1.2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 326.
- 1.3. Каримов И.А. Ўзбекистон – буюк келажак сари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 687.
- 1.4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз – келажак йўқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 32.
- 1.5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 176.

**2. Манбалар:**

- 2.1. Абулғозий Баҳодурхон. Шажарайи турк / К. Муниров нашри. – Тошкент: Чўлпон, 1990. – Б. 192 .
- 2.2. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. Т.1. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / А. Расулов тарж. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 486.
- 2.3. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. Т.5. Қонуни Маъсудий / А. Расулов тарж. – Тошкент: Фан, 1973. – Б. 590.
- 2.4. Аль-Бируни абу Рейхан – Мухаммед ибн Ахмед. Собрание сведений для познания драгоценностей. (Минералогия) / Пер. А.М. Беленицкого. – Л.: Изд. АН СССР, 1963. – С. 518.
- 2.5 Абу-л-Фазл-Бейхаки. История Маъсуда. 1030-1041 / Вступ. ст. пер и примеч. А.К. Арендса. – Ташкент: Изд. АН СССР, 1962. – С. 748.
- 2.6. Абу-л-фадл ибн Мухаммед Джамал ад-дин Карши. «Мулхакат ас-Сурах» / Пер.с перс. Р.Ш. Шарафутдиновой // МИСЦА X-XIX вв. – Ташкент, 1988. – С. 100-131.

- 2.7. Ал-Идриси. «Нузхат ал-Муштак . фи ихтирак ал-афан» или «Китаброджер» / Пер. с араб. О.Б. Фроловой // МИТТ. Т.І. – М.-Л.: 1939. – С. 220-222.
- 2.8. Ал-Утби. «Тарих-и йамини» / Пер. с перс. М.А.Салахетдиновой // МИСЦА X-XIX вв. – Ташкент, 1988. – С. 25-53.
- 2.9. Бичурин Н.Я. (Иакинф) – Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. –М.-Л.: Изд. АН СССР, Т.І. 1950. – С. 382. Т.ІІ. 1950. – С. 335. Т.ІІІ. 1953. – С. 327.
- 2.10. Ибн ал Асир. Ал-Камил фи-т-тарих / Пер. с араб. К.Б.Старковой // МИККТ. Т.І. – Москва, 1973. – С. 52-76.
- 2.11. Ибн Хаукал Абу-л Касим Мухаммед. Китоб сурат ал-арз (Картина земли) // МИСЦА X-XIX вв. – Ташкент, 1988. – С. 18-20.
- 2.12. История ат-Табари / Пер. с арабс. В.И. Беляева., с доп. О.Г. Большакова., А.Б. Халидова. – Ташкент: Фан, 1987. – С. 444.
- 2.13. Йакут ал-Хамави. Муджам ал-булдан / Пер. с араб. О.Б. Фроловой, Б. Вахабовой // МИСЦА X-XIX вв. – Ташкент, 1988. – С. 76-88.
- 2.14. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. – М.-Л.: Изд. АН СССР, 1951. – С. 452.
- 2.15. Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк / Таржима ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент: Фан, 1960. 1-жилд. – Б. 499; 1961. 2-жилд. – Б. 427; 1963. 3-жилд. – Б. 466.
- 2.16. Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк / Индекс-лугат. Ф. Абдураҳмонов ва С.М. Муталибовлар иштироки ва таҳрири остида. – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 542.
- 2.17. Мұхаммад ибн Мансур Мерверруди. «Тарих-и Мубаракшах» / Пер. с перс. Б.А. Ахмедов // МИСЦА X-XIX вв. – Ташкент, 1988. – С. 90-93.
- 2.18. Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи / Форс тилидан тарж. Б.А. Аҳмедов., Н. Норқулов., М. Ҳасаний. – Тошкент: Чўлпон, 1994. – Б. 350.

- 2.19. Низомидин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан таржима Ю. Ҳакимжонов., А. Ўринбоев. Тузувчи О. Бўриев. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 527.
- 2.20. Рашид-ад-Дин. Сборник летописей / Пер. с перс. Л.А. Хетагурова. – М.-Л.: Изд. АН СССР, Т.І. кн. 1. 1952. – С. 221.
- 2.21. Худуд ал-алем. Рукопись Туманского... с введением и указателем В.В. Бартольда. –Ленинград, 1930. – С.78.
- 2.22. Юсуф Ҳос Ҳожиб. Кутадғу билиг / Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи Қаюм Каримов. –Тошкент: Фан, 1971. – Б. 964.
- 2.23. Худуд ул – олам / Форс тилидан таржима, сўз боши, изоҳлар ва жой номлари кўрсаткичи муаллифи О. Бўриев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 64.
- 2.24. Hudud al-Alam. The Regions of the World. A Pers. Geography 372 A.H. - 982 AD // Transl. and explained by V. Minorsky. – London, 1937. – P. 524.
- 2.25. Istakri Viae regnorum. Descriptio ditionis moslemikol antore Pbu Ishak abu Farisial // Istakri BGA. 1870. Т.І. – Р. 299-341.
- 2.26. Ibn al-Fakih. Kompendium libri kitab al Bolam antore ibn al-Fakih al Hamadoni // BGA. 1885. – Р. 322-336.
- 3. Адабиётлар:**
- 3.1. Агаджанов С.Г. Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX-XIII вв. – Ашхабад: Илым, 1969. – С. 295.
- 3.2. Агаджанов С.Г. Сельджукиды и Туркмения в XI-XII вв. – Ашхабад: Илым, 1973. – С. 163.
- 3.3. Агеева Е.А., Пацевич Т.И. Из истории оседлых поселений и городов Южного Казахстана // ТИИАЭ. КазССР. – Алма-Ата, 1958. Т.V. – С. 3-215.
- 3.4. Акишев К.А., Байпаков К.М., Ерзакович Л.В. Древний Оттар. – Алма-Ата: Наука, 1972. – С. 215.

- 3.5. Аристов Н.А. Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности // Живая старина. – СПб., 1896. Вып. III-IV. – С. 277- 456.
- 3.6. Асқаров А.А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: Университет, 2007. – Б. 339.
- 3.7. Ахмедов Б.А. История Балха. – Ташкент: Фан, 1982. – С. 296.
- 3.8. Ахмедов Б.А. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – Б. 432.
- 3.9. Байпаков К.М. Раннесредневековые города и поселения Семиречья // АН КазССР. Серия общественных наук. – Алматы, 1966. - № 2. – С. 72-84.
- 3.10. Байпаков К.М. Средневековые города Казахстана на Великом Шелковом пути. – Алматы: Ғылым, 1998. – С. 214.
- 3.11. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Соч. Т.І. – М.: Изд. Вост. лит., 1963. – С. 760.
- 3.12. Бартольд В.В. Очерк истории Семиречья // Соч. Т.ІІ. Ч.1. –М.: Изд. Вост. лит., 1963. – С. 23-106.
- 3.13. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана // Соч. Т.ІІ. Ч.1. – М.: Изд. вост. лит., 1963. – С. 169-392.
- 3.14. Бартольд В.В. Баласагун // Соч. Т.ІІІ. – М.: Наука, 1965. – С. 355-357.
- 3.15. Бартольд В.В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии // Соч. Т.V. – М.: Наука, 1968. – С. 19-192.
- 3.16. Бартольд В.В. Тюрки (Историко-этнографический обзор) // Соч. Т. V. – М.: Наука, 1968. – С. 576-595.
- 3.17. Бартольд В.В. Извлечение из сочинения Гардизи «Зайн ал-ахбар» // Соч. Т. VIII. – М.: Наука, 1973. – С. 23-62.
- 3.18. Баскаков Н.А. Тюркские языки. – М.: Изд. Вост. лит., 1960. – С. 242.

- 3.19. Беленицкий А.А., Бентович И.Б., Большаков О.Б. Средневековый город Средней Азии. –Л.: Наука, 1973. – С. 389.
- 3.20. Бернштам А.Н. Историко-культурное прошлое Северной Киргизии по материалам Большого Чуйского канала. – Фрунзе: Кирг. Фил. АН СССР, 1943. – С. 46.
- 3.21. Бертельс Е.А. Избранные труды. Т.1. История персидско-таджикской литературы. – М.: Изд. Вост. лит., 1960. – С. 556.
- 3.22. Большаков О.Г. Два вакфа Ибрахима Тамгачхана в Самарканде // В. кн. Страны и народы Востока. – Москва, 1971. Вып. X. – С. 170-178.
- 3.23. Боровков А.Н. Лексика Среднеазиатского тефсира XII-XIII вв. – М.: Изд. Вост. лит., 1963. – С. 366.
- 3.24. Босворт К.Э. Мусульманские династии. – М.: Наука, 1971. – С. 324.
- 3.25. Бобоёров Ф.Б. Турк ҳоқонлигининг Мовароуннахрдаги бошқарув тизими ҳақида // Ўзбекистон тарихи. - №4. – Тошкент, 2000. – Б. 71-79.
- 3.26. Бобоёров Ф.Б. Ўзбекистон ҳудудида Қорахонийлар давригача бўлган қадимги туркий топонимлар // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. «Карим Шониёзов ўқишлари» туркумидаги халқаро илмий анжуман материаллари. I-қисм. – Тошкент, 2005. – Б. 117-129.
- 3.27. Бобоёров Ф.Б. Тоҳаристон ябгулари тарихига доир // Ўзбекистон тарихи. - №3. – Тошкент, 2003. – Б. 3-12.
- 3.28. Булгаков П.Г. Жизнь и труды Бируни. – Ташкент: Фан, 1972. – С. 425.
- 3.29. Буниятов З.М. Государство Хорезмшахов – Ануштегинидов. 1097-1231. – М.: Наука, 1986. – С. 247.
- 3.30. Буряков Ю.Ф. Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса: Ист. археолог. очерк. Чача и Алака. – Ташкент: Фан, 1975. – С. 201.

- 3.31. Валитова А.А. О некоторых терминах в «Кутадгу билиг» // Краткие сообщ. Ин-та народов Азии. АН СССР. – Москва, 1963. – № 63. – С. 111-123.
- 3.32. Вамбери Г. История Бухары или Тронсоксаний с древнейших времен до настоящего. Т.1. – СПб., 1873. – С. 226.
- 3.33. Волин С.Л. Сведения арабских источников IX-X вв. // О долине реки Талас и смежных районов. ТИИАЭ АН КазССР. – Алма-Ата, 1960. Т.8. – С. 72-92.
- 3.34. Григорьев В.В. Караканиды в Мавереннахре по тарихи Мунаджимбashi. В османском тексте с пер. и примеч. В.В. Григорьева. ТВОРАО. – СПб., 1874. Ч. XVIII. – С. 189-250.
- 3.35. Гумилев Л.Н. Открытие Хазарии. – М.: Наука, 1966. – С. 192.
- 3.36. Гумилев Л.Н. Древние тюрки. – М.: Наука, 1967. – С. 503.
- 3.37. Гумилев Л.Н. География этноса в исторический период. – Л.: Наука, 1990. – С. 279.
- 3.38. Гумилев Л.Н. Қадимги турклар / рус тилидан таржима Б.Үрдабекли., А.Айритомий. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 499.
- 3.39. Давидович Е.А. О двух Караканидских каганатах // НАА. 1968. – №1. – С. 67-76.
- 3.40. Давидович Е.А. Вопросы хронологии и генеалогии Караканидов второй половины XII вв. // В. кн: Средняя Азия в древности и средневековье (история и культура). – М.: Наука, 1977. – С. 177-187.
- 3.41. Древнетюркский словарь / Составители Т.А. Боровкова., Л.В.Дмитриева., А.А.Зырин и др. – Л.: Наука, 1969. – С. 676.
- 3.42. Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 368.
- 3.43. История Узбекской ССР. Т.1. кн.1 – Ташкент: Изд-во. АН УзССР, 1955. – С. 543.

- 3.44. Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX-нач. XIII вв. – Ташкент: Ўзбекистон, 1996. – С. 422.
- 3.45. Кораев О.К. История Караканидского каганата (Х-нач. XIII вв.). – Фрунзе: Илим, 1983. – С. 301.
- 3.46. Кораев О.К. Земли тогузгузов, карлуков, хазлажия, хилхия, киманов и киргизов по карте ал-Идриси // В. кн: Арабо-персидские источники о тюркских народах. – Фрунзе: Илим, 1973. – С. 4-48.
- 3.47. Кляшторный С.Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. – М.: Наука, 1964 – С. 215.
- 3.48. Кожемяко П.Н. Раннесредневековые города и поселения Чуйской долины. – Фрунзе: Изд. АН КиргССР, 1959. – С. 186.
- 3.49. Кочнев Б.Д. Новые нумизматические данные по истории Караканидов второй половины XII-нач. XIII вв. // Киргизия при Караканидах. – Фрунзе, 1983. – С. 75-103.
- 3.50. Кочнев Б.Д. Ўзбекистон пуллари // Фан ва Турмуш. –Тошкент, 1995. - №5-6. Б. – 4-25.
- 3.51. Кочнев Б.Д. Нумизматическая история Караканидского Каганата (991-1209). – Москва: София, 2006. – С.314.
- 3.52. Малявкин А.Г. Уйгурские государства в IX-XIII вв. – Новосибирск: Наука, 1983. – С. 297.
- 3.53. Массон М.Е. Ахангараң. Археолого-топографический очерк. – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1953. – С. 144.
- 3.54. Массон М.Е. К истории горного дела на территории Узбекистана. – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1953. – С. 74.
- 3.55. Махмудов Қ. Баласагун // ОНУ.– Тошкент, 1972. - №2. – С. 47-50.
- 3.56. Мухаммаджонов А.Р. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б. 320.

- 3.57. Негматов Н.Н. Государство Саманидов. – Душанбе: Дониш, 1977. – С. 279.
- 3.58. Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Т. I. Ч. 2. – Спб., 1893. – С. 67.
- 3.59. Радлов В.В. К вопросу об уйгурах // ЗИАН. (Приложение). – СПб., 1893. -№2. – С. 1-130.
- 3.60. Федоров М.Н. К истории Карабанидов второй четверти XI века // ОНУ. – Ташкент, 1965. - №3. – С. 48-54.
- 3.61. Федоров М.Н. Новые данные о политической истории государства Карабанидов. (Опыт историко-нумизматического исследования) // ОНУ. – Ташкент, 1965. - №2. – С. 51-53.
- 3.62. Федоров М.Н. Очерк истории Карабанидов конца X-нач. XIII вв. По нумизматическим данным // Киргизия при Карабанидах. – Фрунзе, 1983. – С. 103-135.
- 3.63. Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. – Тошкент: Чўлпон, 1993. – Б. 240.
- 3.64. Хўжаев А., Хўжаев К. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. – Тошкент: Маънавият, 2001. – Б. 40.
- 3.65. Шаниязов К.Ш. Ценный труд ученого лингвиста // ОНУ. – Ташкент, 1961.- № 3. – С.72-73.
- 3.66. Шаниязов К.Ш. Узбеки-карлуки. – Ташкент: Фан, 1964. – С. 195.
- 3.67. Шаниязов К.Ш. О роли карлукского компонента в этногенезе узбекского народа // ОНУ. – Ташкент, 1981. - №6. – С. 28-37.
- 3.68. Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни ҳақида баъзи фикр-мулоҳазалар // ОНУ. – Тошкент, 1996. - №6. – Б. 79-88.
- 3.69. Шониёзов К.Ш. Қарлук давлати ва қарлуклар. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 191.
- 3.70. Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 462.

- 3.71. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек шевалари ва уларни ўрганиш ҳакида умумий маълумот // Ўзбек халқ шевалари луғати. – Тошкент, 1971. – Б. 386-406.
- 3.72. Эшов Б. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи. – Тошкент: Fan va tehnologiya, 2008. – Б. 236.
- 3.73. Фуломов Я.Ғ., Набиев Р.Н., Вахобов М.Г. Ўзбекистон ССР тарихи. – Тошкент: ЎзФАН, 1958. – Б. 692.
- 3.74. Гофуров Б.Ғ. Тожикон (таърихи қадимтарин қадим ва асри миёна). Китоби якум. – Душанбе: Ирфон, 1983. – С. 702.
- 3.75. Ўзбекистон ССР тарихи (Қадимги даврдан ҳозирги кунларгача) / И.М. Мўминов таҳрири остида. – Тошкент: Фан, 1974. – Б. 656.
- 3.76. Қадимий ҳикматлар / Тузувчи. Н. Раҳмонов., маҳсус муҳаррир. А. Каюмов. – Тошкент: Faфур Fулом, 1987. – Б. 432.
- 3.77. Dorn B. Über die Münzen der Ileke oder ehemaligen Chane von Turkestan // Melangens Asiatiques. – Berlin, 1881. Т. VIII. – Р. 703-744.
- 3.78. Emel Esin. İslamiyetten önceki türk kulturu. Tarihi ve islama giriş. – İstanbul, 1978. – S.221.
- 3.79. Emel Esin. «Тырк санат Тарихинде. Karahanlı Devrinin mevkii» // VI. TTK. – Ankara, 1961. – S.100-131.
- 3.80. Erdogan Merkil. Musulman түрк devletleri tarihi – Ankara, 1993. – S.18-42.
- 3.81. Jean-Paul Roux. Türklerin tarihi. – İstanbul: Subat, 2007. – S. 563.
- 3.82. İbrahim Kafesoglu. Türk milli kulturu. 7 baski. – İstanbul, 1991. – S.80-84.
- 3.83. Abdulkerim Ҷавдин. «Karahanlılar» // DIA. XXIV. –İstanbul, 2001. – S. 404-412.
- 3.84. Ҷмар Soner Hunkan. Türk hakanlığı. – İstanbul, 2007. – S. 522.
- 3.85. Hoffman Helmut. Die Qarluq in der Tibetisgchen Literatur // Oriens. - V.3. ner. 2.31.10. – Leiden, 1950. – S. 190-207.

3.86. Pritsak O. Karachanidi sene streifragen // Oriens. 1950. V.3. - №2. – S. 209-228.

3.87. Pritsak O. Die Karachaniden // Der Islam. – Berlin, 1953. – Bd.31. Heft.1. – S. 17-68.

3.88. Pritsak O. Von den karluk zu den Karachaniden // in ztschr der Dt. Morgenlandischen Ges. 1951. – Bd. 26. – S. 270-302.

#### **4. Диссертация ва диссертация автореферати:**

4.1. Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX-нач. XIII вв: Автореф. дисс. ... д-ра ист. наук. – Ташкент: ИВ АН РУз, 1993. – С. 46.

4.2. Кочнев Б.Д. Карабанидские монеты: Источниковедческое и историческое исследование: Автореф. дисс. ... д-ра ист.наук. – М.: ИВ РАН, 1993.– С. 45.


4.3. Рахимбабаева Н.Х. Историко – культурные связи Восточного Туркестана со Средней Азией в раннем средневековые (На примерах архитектуры): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – М.: МГУ, 1994. – С. 16.

4.4. Федоров М.Н. Политическая история Средней Азии в конце X-XI веках по данным Карабанидской нумизматики: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент: ИИА АН УзССР, 1968. – С. 20.

## ИЛОВАЛАР

1-илюстрация

### XI-XII асрларда Ўрта Осиё давлатлари<sup>1</sup>



<sup>1</sup> Изоҳ: Ушбу харита А.Р. Муҳаммаджонов таҳрири асосида келтирилди.

**Махмуд Кошгариининг дунё харитаси  
XII аср<sup>1</sup>**



<sup>1</sup> Изоҳ: Махмуд Кошгариининг "Девону лугатит-турк" асаридаги мазкур харита А.Р. Мұхаммаджонов таржимаси асосида берилди.

**Қорахонийлар давлатининг олий ва маҳаллий  
хокимият тизими**

**Қорахон (Буюк хон)**

У Олий ҳукмдор сифатида давлатнинг  
марказий бошқарувини даргоҳ ва девондаги  
аъёнлари орқали идора этган

**Элокхон**

Эл-юрт ҳокими бўлиб, ўзига берилган  
улусни бошқарган

**Тегин**

Вилоят ноиби

**Ҳоким, Раис ва Мухтасиб**

Шаҳар ва туман бошқарувчилари

**Тузун, Чубан**

Кишлоқ оқсоқоли ва ёрдамчиси

4-илова

**Қарлук – Қорахонлар ҳукмдорларининг ҳукмронлик йиллари<sup>1</sup>**

Илмаилсун, 766 - ?

I

Билга Қул Қодирхон, 840 - ?

I

Вазир, IX аср охири – X аср боши

I

Үғилчак Қодирхон, вафоти тахминан 940 йил

I

Сатук Буғрохон Абдулкарим, вафоти 955 йил

I

Муса ибн Сатук, X аср

I

Сулаймон ибн Сатук , X аср

I

Али ибн Муса, вафоти 998 йил

I

Ахмад ибн Али, 998 – вафоти 1018 йил

I

Юсуф Қодирхон ибн Харун Буғрохон, вафоти 1032 йил

I

Сулаймон ибн Юсуф Қодирхон, ўлдирилган 1057 йил

I

Мұхаммад ибн Юсуф Қодирхон, ўлдирилган 1057-1058 йиллар

I

Иброҳим ибн Мұхаммад, ўлдирилган 1058 йил

I

Тўғрул Қорахон Юсуф ибн Юсуф Қодирхон

**Шарқий Қорахонийлар**

Тўғрул-тегин ибн Тўғрул Қорахон Юсуф

I

Абу Али Ҳасан ибн Сулаймон, 1069 – вафоти 1102 йил

I

Ахмад ибн Ҳасан, 1103-1128

I

Иброҳим ибн Ахмад, 1128 – 1160

<sup>1</sup> Изоҳ: Мазкур сулола ҳукмдорларининг генеологик тартибини тузища О.Кораевнинг “Қорахонийлар ҳоконлиги тарихи” ва Умар Сонер Ҳунканинг “Турк ҳоконлиги” каби асарларидан фойдаланилди.

**(Давоми )**

Мұхаммад ибн Иброҳим, 1160 – 1180

I

Абдул Музаффар Юсуф, 1179 – вафоти 1204-1205 йиллар

I

Абдул Фатх Мұхаммад ибн Юсуф, 1204 – ўлдирилган 1211 йил

**Ғарбий Қорахонийлар**

Иброҳим Бўритегин, 1041 – вафоти 1067-1068 йиллар

I

Шамсул-Мулк Наср ибн Иброҳим, 1068 – вафоти тахминан 1079-1080 йиллар

I

Хизрхон ибн Иброҳим, 1080 - ?

I

Аҳмад ибн Хизрхон, ўлдирилган 1095 йил

I

Маъсуд ибн Мұхаммад, вафоти 1097-1098 йиллар

I

Маҳмудтегин

I

Хорунтегин

I

Мұхаммад ибн Сулаймон, вафоти 1132 йил

I

Иброҳим ибн Сулаймон

I

Ҳасантегин ибн Али

I

Маҳмуд ибн Мұхаммад

I

Иброҳим ибн Мұхаммад, 1141 – вафоти 1156 йил

I

Жалолиддин Али ибн Ҳасантегин, вафоти тахминан 1160 йил

I

Маъсуд ибн Ҳасан, 1160 – вафоти тахминан 1169 йил

I

Мұхаммад ибн Маъсуд, вафоти тахминан 1174 йил

I

Иброҳим ибн Ҳусайн, 1178 – 1204

I

Усмон ибн Иброҳим, ўлдирилган 1212 йил

**Қорахонийлар давлат бошқарувига оид атамаларнинг  
қисқача изоҳи<sup>1</sup>**

**Арслонхон** – ҳоқоннинг олий унвонларидан бири

**Ағичи** – ҳоқон саройининг хазинабони

**Алимға** – сарой котиби

**Ақинчи** – тунда душман устига қўқисдан ҳужум уюштирувчи маҳсус  
ҳарбий бўлинма

**Бек** – уруғ ва қабила бошлиқлари

**Бирук** – саройдаги меҳмондорчилик ишларига масъул киши

**Буғра** – яғмо қабиласининг тотеми. Оғир юғ кўтарадиган бичилган түя  
маъносини англатади. Бу тотемни ҳоқон номларига улуғловчи  
фаҳрий унвон сифатида қўллашгай.

**Жабгу (Ябғу)** – қабилалар иттифоқининг сардори

**Йатғоқ** – ҳоқоннинг шахсий қўриқчisi

**Йугруш** - вазир даражасидаги сарой амалдори

**Йортуг** – ҳоқонни хавф-хатардан ҳимоя қилувчи маҳсус сараланган  
ҳарбий бўлинма

**Су** – ҳарбий аскар

**Субаши** – ҳарбий қўшин қўмондони, лашкарбоши

**Тавғачхон** – ҳоқоннинг олий унвонларидан бири бўлиб, қадимий ва катта  
юрга эга бўлган барча туркий халқларнинг энг улуғ хони  
маъносини англатган

**Таксин (Тўксин)** – нуфуз ва даражасига кўра жабгудан сўнг иккинчи  
погонада турувчи мансабдор

**Тегин** – ҳоқон сулоласига мансуб шаҳзодаларга бериладиган унвон.

Маъноси ҳукмдорга астойдил хизмат қилувчи киши

<sup>1</sup> Изоҳ: Ушбу қисқача изоҳи лутатни тузишда асосан Махмуд Кошгариининг "Девону лугатит-турк" асаридан фойдаланилди.

**(Давоми)**

**Тузун** – қишлоқ оқсоқоли

**Туғрак** – ҳоқон мухри

**Хос-Ҳожиб (улуг ҳожиб)** – ҳоқоннинг энг яқин маслаҳатчиси

**Хайлбоши** – ҳарбий отлиқлар гурухининг бошлиғи

**Черик** – ҳарбий қўшиннинг саф тортиши

**Чубан (Жуйбон)** – қишлоқ оқсоқолининг ёрдамчиси бўлиб, мироблик ишларига жавобгар киши

**Човуш** – ҳарбий юришлар вақтида аскарларни сафга тузувчи ва тинчлик даврида эса уларни тартибда сақловчи ҳарбий лавозим

**Элоқхон** – элнинг кичик хони, яъни, қорахоннинг ноibi сифатида ўзларига топширилган улусни бошқарувчи юқори мартабали лавозим эгаси

**Ялавоч (Ялафор)** – давлат элчиси

**Қарғу** – ҳарбий истеҳком

**Қапуғбоши** – сарой эшик оғаси

**Куловуз** – ҳарбий қўшиналарга йўл кўрсатувчи

**Күшчи** – ҳукмдорнинг маҳсус овчилик ишларига масъул киши

**Қорахон** – ҳоқоннинг олий даражали унвони бўлиб, “буюк хон”, “улуг хон” маъносини билдирган

**Қора Ўрда** – Қорахонийлар давлат пойтахти Боласоғуннинг иккинчи номи. “Буюк хон” қароргоҳи маъносини англатган.

## ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

- ВДИ – Вестник древней истории. – Москва.
- ЗИАН – Записки (Императорской) Академии наук. – СПб.
- МИКК – Материалы по истории қиргизов и Киргизии. – Москва.
- МИСЦА – Материалы по истории Средней и Центральной Азии. X-XIX вв.  
– Ташкент.
- МИТТ – Материалы по истории туркмен и Туркмении. – М. – Л.
- НАА – Народы Азии и Африки. – Москва.
- ОНУ – Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент.
- ТВОРАО – Труды Восточного отделения имп. Русского археологического общества. – СПб.
- ТИИАЭ – Труды Института истории археологии и этнографии АН Каз ССР.  
– Алма-Ата.
- BGA – Bibliotheca geographorum araborum.
- DIA – Diyanet Islam Ansiklopedisi. – Istanbul.
- TTK – Türk Tarih Kurumi. – Ankara.